Мактабгача тарбия муассасаларида нутқ камчиликларига эга бўлган болаларни тарбиялаш болалар боғчаси тарбия дастурига мувофиқ ташкил қилинади Фонетик-фонематик нутқ камчилигига эга бўлган болалар оммавий турдаги мактабгача тарбия муассасаларнинг мактабга тайёрлов гуруҳларига мўлжалланган билим, кўникма ва малакалар ҳажмини ўзлаштиришлари керак.

Фонетик-фонематик жиҳатдан нутқ ривожланмаган болалар гуруҳларига олиб келинган болалар 10 ой ичида умумтаълим мактабида муваффақиятли билим олиш учун зарур бўлган асосий топшириқлар, кўникма ва малакалар ҳажмини ўзлаштириб олишлари лозим.

Нутқ фаолиятининг айрим томонларини ривожлантиришга қўйиладиган талабларни аниқлаш мақсадида қуйидаги махсус ишлар амалга оширилади:

- талаффуз малакаларини шакллантириш;
- фонематик идрокни ривожлантириш;
- товуш анализ ва синтези кўникмаларини ривожлантириш.

Тузатувчи таълимнинг мақсади: болаларда умумий ва нутқ камчиликларини тузатиш ҳамда болаларнинг нутқий фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган махсус логопедик метод ва усулларни қўллаш йўли билан боланинг ёшига мувофиқ луғат бойлиги ва мустақил нутқ билан бирга тўғри, аниқ равон нутқни тарбиялаш.

Тузатилган нутқий материал устида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- болаларда сўзнинг морфологик таркибига ва сўзларнинг ўзгаришга эътиборни жалб этиш ҳамда сўзларнинг гапда боғланишини ривожлантириш;
- болаларда оддий ёйиқ ва қўшма гапларни тўғри тузиш, мустақил нутқда турли конструкциядаги гапларни қўллаш кўникмаларини тарбиялаш;
- мустақил нутқни ривожлантириш;
- луғатини бойитиш;
- талаффузини тўғрилаш асосида саводга ўргатиш:
- ихтиёрий диққат ва хотирани ривожлантириш.

**2.** Қуйида биз фонетик-фонематик нутқ ривожланмаганлигини бартараф этиш бўйича М.Аюпова (1992) томонидан тавсия этилган логопедик иш тизими билан танишамиз.

Фонетик-фонематик нутқ ривожланмаганлигини бартараф этиш бўйича олиб бориладиган коррекцион иш тизими шартли равишда 3 даврга бўлинади.

Уларнинг ҳар бирининг мазмуни ва ҳажми жиҳатидан фарқ қилган ҳолда бир-бирига боғлиқ ҳамдир. Коррекцион логопедик ишнинг олдинги даври кейинги даврдаги иш мазмунини ўзлаштириб олишга болаларни тайёрлайди.

**Коррекцион ишнинг биринчи даврида олиб бориладиган логопедик ишлар мазмуни.** Фонетик-фонематик нутқ ривожланмаганлигини бартараф этишда олиб бориладиган коррекцион ишнинг биринчи даврини тайёрлов даври деб ҳам номлаш мумкин.

Бу даврда олиб бориладиган ишлар қуйидагиларни ўз ичига олади: артикуляцион аппарат ҳаракатчанлигини ривожлантириш; тўғри талаффуз қилинадиган товушларни аниқлаш; товушларни нутққа қўйиш; эшитув идрокини ривожлантириш, товушлар дифференциацияси; устида ишлаш сўз ва бўғин ичидан товушни ажратиш.

Нутқнинг товуш томони шаклланишида фақатгина артикулятор моториканинг эфферент звеносининг шаклланганлиги эмас, балки нутқий сезгилар-кинестезиялар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Н.И.Жинкин қайтиш реакциясининг бўлмаслиги нутрий органлар ҳаракати машқлари учун тажриба тўпланишини тўхтади деб таъкидлаган. Қайтиш реакцияларининг (кинестезия) кучайиши нутқнинг ўзлаштиришни тезлаштиради ва енгиллаштиради.

Ҳаракат-кинестетик алоқаларни ривожлантириш учун товуш талаффузи вақтида артикулятор органлар ҳолатини аниқловчи махсус машқлар бажартирилади. Машқларни бажариш жараёнида болаларнинг диққати доимо кинестетик сезгиларга қаратилади.

Артикулятор ҳаракатларнинг кинестетик асосини шакллантириш турли хил машқларни бажариш жараёнида амалга оширилади, лаблар ҳолатини аниқлаш, тил учи тор ва кенглигини ажратиш ва ҳ.к.

Артикуляцион аппарат ҳаракатчанлигини шакллантириш бўйича логопедик ишлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Артикулятор моторикани ривожлантиришга ҳаракатлар ҳажмини кўпайтиришга йўналтирилган, артикуляцион аппарат органлари ҳаракатчанлигини, кучини, аниқ ҳаракатини, артикулятор органни керакли ҳолатда ушлаб тура олиш кўникмаларини ривожлантиришга оид статик машқлар.

2. Бир вақтда ва кетма-кет бажарилаётган ҳаракатлар жараёнида динамик координацияни ривожлантирувчи машқлар.

**3.** Артикулятор ҳаракатлар статикасини ривожлантириш, ҳаракатларни такрорлаш ва қайта тиклаш жараёнида амалга оширилади.

Артикулятор ҳаракатларни ривожлантириш ўйин («Ширин мураббо», футбол) шаклида олиб борилиб, моторика бузилишининг характери ва даражасини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Артикулятор моторикани ривожлантирувчи машқлар бир вақтнинг ўзида ҳаракатнинг кинетик ва кинестетик асосида таъсир қилишни эътиборга олган бўлиб, шу жумладан ҳаракатларнинг статик ва динамик координациясига, ҳаракатларнинг турли даражаларини шакллантириш ва мураккаблаштиришга ҳам қаратилгандир.

Артикулятор моториканинг ривожланиши товуш талаффузидаги камчиликларни коррекциялаш учун аҳамиятлидир. Бу ишнинг асосий вазифаси артикуляцион органлар сезгисини ва ҳаракатчанлигини яхшилаш; тил ва лабларнинг ихтиёрий ҳаракатларини мукамаллаштиришдан иборат.

Моторикани ривожлантириш артикуляцион гимнастика кўринишда ўтказилади. Унинг мақсади артикулятор ҳаракатларнинг ҳар бир элементини қайта ишлашдан иборат бўлади.

Нутқ аппарат моторикасини ривожлантириш ва тўғри артикуляцияни тарбиялаш ишлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- статик ва динамик машқлар;
- артикулятор аппарат ҳаракатчанлик кучини, ҳаракатлар аниқлигини ривожлантириш;
- нутқ аппарат мускулларидаги тарангликни йўқотиш.
- ҳаракатларнинг нормал темпини тарбиялаш.

Биринчи даврнинг асосий вазифалардан яна бири товушларни нутққа қўйиш, болаларда бузилган артикуляцион тузумларни коррекциялашдир.

Товушларни нутққа қўйиш индивидуал машғулот давомида, ҳар бир болага 10-15 минут ажратилган ҳолда олиб борилади. Ҳар бир аниқ ҳолатда товушларни нутққа қўйиш усуллари танланади. Уларни танлашда бола шахсига, талаффуздаги камчилик хусусиятларига, нутқ хусусиятларига эътибор берилиши лозим.

Товушни нутққа қўйиш бўйича олиб бориладиган ишни режалаштирилар экан, логопедик ишни ва товушни нутққа қўйиш қоидаларини кетма-кетлигини ҳисобга олиш зарур. Асосий диққат-эътибор товуш артикуляциясини онгли равишда мустаҳкамлашга қаратилиб, болалар тил, лаблар, тишлар қай ҳолатда турганлигини кўрсатиб ва айтиб бера олишлари керак. Болалар диққати кўпроқ товушлар артикуляциясига қаратилади. Коррекциялаш усуллари артикуляцион аппарат тузилиши ва функциясини ҳисобга олган ҳолда танланади.

Товушларни нутққа қўйишда тақлид, механик ва аралаш усулидан фойдаланилади.

П, Б, Д, Т, В, Ф, К, Г товушларини нутққа қўйишда тушунтириш, тақлид усулидан, с, з, ш, ж, ч, р товушларини нутққа қўйишда тақлид ва механик усуллардан фойдаланиш тавсия этилади. Нутқнинг фонетик-фонематик ривожланмаганлигини коррекциялаш аналитик-синтетик машқларни мураккаблаштирувчи тизим орқали логопедияда қабул қилинган усулларни қўллаш билан олиб борилади. Бунда болаларни нутқ органлари артикуляциясига онгли ёндошишга, ўз талаффузини назорат қилишга, нутққа қўйилган товушларнигина эмас, балки нутқдаги барча товушларни аниқ ва тўғри талаффуз этишга, товушларни ҳосил бўлиш ўрни ва жарангдорлигига кўра таснифлаб беришга ўргатиш лозим. Бундай тайёргарлик ишларидан сўнг болаларда товуш анализи операциясини шакллантиришга, яъни бўғин ва сўзларда товушларни ажрата билишга ўргатилади.

**4. Коррекцион ишнинг II даврида олиб бориладиган логопедик ишлар мазмуни.**

Коррекцион таълимнинг II даврида товушларни нутққа қўйиш давом эттирилади, нутққа қўйилган товушларни нутқда мустаҳкамлаш; эшитиш идрокини ривожлантириш; товуш анализи ва синтезини шакллантириш: а) сўзда товуш ўрнини топиш (сўз бошида, ўртасида, охирида); б) сўзларда товушлар сони ва кетма-кетлигини аниқлаш; нутқнинг лексик-грамматик томонини бойитиш ва ривожлантириш бўйича логопедик иш олиб борилади.

Ушбу даврда ҳам товушларни нутққа қўйиш ишлари давом эттирилди. Товушларни нутқда мустаҳкамлашга болалар товушларни тўғри ва аниқ талаффуз қила олганларидан сўнг ўтилади.

Товушларни нутқда мустаҳкамлаш учун турли хил иш турларидан фойдаланилади: керакли товуш иштирок этган бўғинлар, бўғин бирикмалари, сўз, жумлаларни логопед кетидан қайтариш; расмлар бўйича сўзларни мустақил талаффуз этиш; берилган товушга сўз ўйлаб топиш; ўқилган матнни қайта ҳикоя қилиб бериш, керакли товушни ўз ичига олган топишмоқ тез айтиш, мақол, кичик-кичик матн ва шеърларни айтиб бериш.

Товушлар дифференциацияси устида иш олиб бориш II даврнинг асосий вазифаларидандир. Логопедик иш кўриш, эшитиш, тактил вибрацион ва кинестетик назоратга таянган ҳолда олиб борилади.

Фонематик идрокни ривожлантириш болалар билан олиб бориладиган коррекцион ишнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Фонематик идрокни ривожлантириш ишлари товуш анализини шакллантириш билан ўзаро боғлиқ ҳолда олиб борилади.

Фонематик идрокни ривожлантириш ишларида қуйидаги машқлардан фойдаланилади:

- нутқий бўлмаган товушларни ажратиш;
- товушлар қаторидан маълум товушларни ажратиш (акустик ва артикуляцион белгилари ўзаро яқин бўлади);
- сўз таркибидан маълум товушни ажратиш (товуш таркиби жиҳатидан яқин ва узоқ бўлган товушлар);
- берилган товушга сўз ўйлаб топиш;
- битта товуш билан фарқ қилувчи бўғинлар қаторини қайтариш;
- берилган маълум товушга расм танлаш;
- нутққа тўғри талаффуз қилинадиган сўзлардан ўзлаштирилган товушларни мустаҳкамлаш;
- сўз таркибидаги алоҳида товушларни эшита билиш. Бу ва яна бошқа вазифалар, машғулотлар давомида мақсадга кўра такрорланади. Таълимий машғулотларни ўйин кўринишида ўтказиш тавсия этилади. Ҳар бир ўйин бошқа вазифаларни яъни; сўзлар, гаплар ва мустақил нутқда товушларини тўғри талаффузини мустаҳкамлашни кўзлаган ҳолда ўтказилади.

Ўйинлар нутқда товушларни мустаҳкамлаш ва аниқлаш, фонематик идрокни ривожлантиришга хизмат қилади. Машғулот давомида «Топчи нимани овози», «Овоз қаердан келяпти», «Сўздаги товушни топ», «Ким кўпроқ сўз топади», «Расмларни эслаб қол» каби ўйинлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Аниқ кинестетик ва эшитиш сезгиларига таянган ҳолда олиб борилган товуш анализи ва синтезига оид машқлар ўз навбатида нутқ товушларини ўзлаштиришга, ўз талаффузи устида мустақил назорат кўникмаларини тарбиялашга, дисграфия ва дислексияни олдини олишга ёрдам беради.

Коррекцион ишнинг III даврида олиб бориладиган логопедик ишлар мазмуни.

Коррекцион таълимнинг учинчи даврини асосий вазифалари қуйидагилар;

- нутққа қўйилган барча товушларни мустаҳкамлаш;
- товуш анализи малакаларини мустаҳкамлаш;
- нутқнинг лексик-грамматик томонини такомиллаштириш.

**5.** Коррекцион таълимнинг сўнги даврининг мақсади нутрий мулоқот шароитида фонематик идрок ва тўғри товуш талаффузи кўникмаларини мустаҳкамлашдир. Бу ишда мустақил нутқда фақатгина товушларни тўғри талаффузини шакллантирибгина қолмай, балки болаларни луғатини бойитиш, нутқининг грамматик тузилишини такомиллаштириш, нутқнинг темпи ва мелодикинтацион томонини ривожлантириш, такомиллаштиришга оид машғулотлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Коррекцион таълимнинг учинчи даврида болаларда товуш анализи малакаларини шакллантиришга оид коррекцион ишлар давом эттирилади. Бунда иш ҳаракатнинг қуйидаги алгоритмидан фойдаланилади: сўздаги товушларни баланд овозда такрорлаб, тўғри талаффуз қилиш; сўздаги ҳар бир товушни эшитиш ва уни қўшни товушдан ажрата билиш; сўздаги товушларни навбат билан айтиш, фиксация йўли билан сўзлардаги товушларнинг сони ва кетма-кетлигини аниқлаш.

Сўзнинг товуш таркибига оид анализ ишлари ҳар бир болага индивидуал ёндошилган ҳолда олиб борилади.

Логопедик машғулотларда алоҳида операцияларни бажариш билан бирга нутқий материалнинг анализ ва синтези билан боғлиқ ҳамма ақлий иш ҳаракатлар тизими қайта ишланади.

Болаларда бажарилган иш ҳаракатлар алгоритмининг аста-секин шакллантириб ва мустаҳкамлаб бориб, аввал логопед раҳбарлигида сўнгра боланинг ўзини сўз, бўғин, товушнинг анализ-синтез қила олишини мустақил назорат қилишга ва ўз ишини баҳолашга ўргатилади.

Коррекцион таълимнинг муҳим вазифаларидан бири оппозицион ва тўғри талаффузига эришилган товушлар дифференциациясига оид машғулотлар ҳисобланади. Ушбу машғулотларда артикуляцион ва акустик белгилари жиҳатидан ўхшаш товушлар дифференциациясига оид турли усуллар қўлланилади. Машғулотларда болалар диққати, хотира, тафаккур операциялари (анализ, синтез, солиштириш, умумлаштириш), назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш, мустақилликни ривожлантирувчи ишлар олиб борилади.

Тарбиячи билан олиб бориладиган машғулотларда болаларнинг атрофдаги предметлар ва ҳодисалар ҳақидаги тасаввурлар ҳосил қилиш ва уларни бир тизимга солиш, табиий ва ижтимоий ҳодисалар билан таништириш билан бир

вақтда болаларнинг луғат бойлиги кенгайтирилади, сўзлашув ва ҳикоя нутқи ривожлантирилади.

Шундай қилиб, болалар нутқи турли йиллар билан ривожлантириб борилади, лекин бир мақсадни – таълим ва тарбия бериш жараёнида болаларнинг нутқий тараққиётидан камчиликларни йўқотиш ва уни мактабда кўникма ва малакалар олишга тайёрлашни кўзда тутади.

**Логопедик машғулотларда қўлланиладиган ўйинлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар.**

Фаолиятимиз давомида олиб борилган таълимий эксперимент натижалари шуни кўрсатдики, логопедик машғулотларни ноанъанавий тарзда ташкил этиш ва уларни ўйин шаклида олиб бориш яхши самара беради. Бу фаолиятга боланинг ўзи фаол қатнашиб борганлиги сабабли, олдимизга қўйилган мақсадга эришиш осон кечади. Мана шу омилларни инобатга олган ҳолда товушлар талаффузидаги камчиликларни бартараф этишда логопедик ўйинлардан унумли фойдаланишни тавсия этамиз.

Маълумки, товушлар талаффузидаги камчиликларни бартараф этишда унинг сабабларига алоҳида эътибор берилади. Чунки, артикуляцион моторика ҳаракатчанлигининт етишмаслиги ва фонематик идрокнинг ривожланмаганлиги товушлар талаффузидаги камчиликларни келтириб чиқариши ҳаммага маълум.

Даставвал, артикуляцион моторикани ҳаракатчанлигини ошириш ишларидан бошлаш лозим. Фонематик идрокни шакллантириш ва ривожлантириш ишлари эса товушни нутққа қўйиш ва мустаҳкамлаш ишлари билан параллел равишда олиб борилади.

Қуйида биз, товушлар талаффузидаги камчиликларни бартараф этишда фойдаланиш мумкин бўлган ўйинлар гуруҳни келтириб ўтамиз.

Ўзбек тилимизнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, болаларни тўғри талаффузга ўргатишда логопедик ўйинлардан фойдаланиш йўлларини такомиллаштириш мақсадида бой абадий меросимиздан намуналар келтирамиз.

Шу билан бирга, болаларга комплекс таъсир қилишни ташкил қилиш мақсадида ва нутқни ривожлантириш учун ёрдамчи восита сифатида бармоқ машқларини қўшиб боришни тавсия этамиз.

**Артикуляцион моторикани ривожлантириш бўйича ўйинлар.**

Артикуляцион аппарат ҳаракатининг аниқ бажарилиши товушлар талаффузини тўғри ривожланишига имкон беради.

Артикуляцион аппаратнинг аниқ ҳаракатига эришиш учун эга артикуляцион машқлардан фойдаланилади. Бу машғулотнинг асосий вазифаси болаларда нутқ аппаратининг, яъни тил, лаб, пастки жағ ва тилчанинг ҳаракатчанлигини ривожлантиришдан иборат.

Қуйида артикуляцион мотрикани ривожлантириш бўйича олиб бориладиган ўйинлардан намуналар келтирамиз.

«Ширин мураббо».

Мақсад: Тил ҳаракатини фаоллаштириш.

Ўйиниинг бориши: Тарбиячи болаларга мураббо ялаётган қизчанинг расмини кўрсатиб, шундай дейди: «Мураббо жуда ҳам ширин. Қизчанинг юқориги лабига суркалиб қолди. Юқориги лабга суркалиб қолган мураббони тилимиз билан ялаймиз. Мана бундай (кўрсатилади). Мураббони энди сизлар тилингиз билан яланглар».

Методик кўрсатма: Машқни такрорлаш вақтида болалар тил учини пастки тишларга тирамасин, фак,ат тил ишласин. Лаблар ва пастки жағ ҳаракатсиз бўлсин. Бу ҳолатни назорат қилиб туриш лозим.

«Тишимизни тозалаймиз».

Мақсад: Тил ҳаракатини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар стулчаларида тарбиячиларга қараб ўтиришади. У болаларга расмни кўрсатиб, шундай дейди: «Қаранглар, мана бу бола тишини қандай тозалаяпти. Ҳозир бизлар ҳам тишларимизни тозалаймиз, фақат тиш щёткаси билан эмас, балки тилимиз билан тозалаймиз. Қаранглар, мен тишимни қандай тозалайман. (Тили билан юқориги тишни ички томондан тозалайди). Энди ҳаммамиз тилимиз билан юқориги тишларимизни ички томонидан тозалаймиз. Тишларингизни яхшилаб тозаланглар, тишларингиз ярақлаб турсин».

Тарбиячи болаларни бирма-бир чақириб, тил билан тишларни қандай тозалаш кераклигини кўрсатишни таклиф этади.

Методик кўрсатма: Машқни оғизни очиб турган ҳолатда бажариш керак. Тилнинг учи юқориги курак тишнинг ички томонидан бўлиб, ўнг ва чап томонга ҳаракат қилиш керак. Бу пайтда пастки жағ ва лаблар ҳаракатсиз бўлиши лозим. Лаблар кулги ҳолатда бўлиб, тишлар кўриниб туради. Юқорида айтилган ҳолатларнинг барчасини тарбиячи назорат қилиб бориши даркор.

«Отлар».

Мақсад: Тил учини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар кетма-кет турадилар. Тарбиячининг «кетдик» дейиши билан болалар бир-бирларини кетларидан юриб, отларнинг туёқ товушини акс эттириш учун тил учи билан шақиллатадилар ва белгиланган жойга келиб тўхтайдилар. Тарбиячи шундай дейди: «Энди кимнинг оти туёғи билан яхши тақиллата олишини текширамиз». Тарбиячи икки болани чиқариб, қарама-қарши томондан бир-бири томон юришни (Ҳудди отнинг юришидек) таклиф этади. Қолган болалар от туёғининг тақиллашига қулоқ солиб турадилар. Шундай қилиб, болалар навбатма-навбат бу машқни бажарадилар.

Методик кўрсатма:  Тил учини юқорига тўғри кўтариш керак. Агар бола тил учи билан туртишни билмаса, бундай бола билан алоҳида иш олиб бориш зарур.

Алоҳида иш олиб борилганда қуйидаги машқни бажартириш мумкин. Тилнинг учига сариёғнинг кичкинагина бўлакчаси дейилади ва боладан бу ёғни танглайга олиб бориб суриш таклиф этилади.

«Бекинмачок»

Мақсад: Тил учини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар стулчаларида тарбиячига қараб ўтирадилар. Тарбиячи болаларга: «Ҳозир биз бекинмачоқ ўйинини ўйнаймиз, лекин бизлар бекинмаймиз, балки бизнинг тилчамиз бекинади. Қаранглар, менинг тилчам қандай яширинади, сизлар уни ҳатто кўра олмайсизлар (тилини беркитади). Болалар оғзингизни шундай очинг-ки, тилингиз пастки тишлар устида турсин, энди тилингизни ичкарироққа яширинг, лекин оғзингизни ёпманг.

Методик кўрсатма: Болалар тинч ўтиришлари ва гавдаларини тўғри тутишлари керак. Болалар тилни орқага сўрганларида оғизларини ёпмасликлари лозим. Тил учи доимо пастда бўлиши керак.

«Тишларимизни яширамиз».

Мақсад: Лаб ҳаракатини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар тарбиячига қараб ўтиришади: «Қаранглар, мен юқориги тишларимни кўрсата оламан (кўрсатади). Энди юқориги тишларимиз кўришмаслиги учун уни юқориги лабимиз билан яширамиз. Тишларим кўриняптими? Болалар, юқориги тишларимизни мана бундай қилиб кўрсатинг. Энди тишларингизни яширинг. Уларни лабларимиз билан яширамиз. Тишлар кўринмаяпти».

Методик кўрсатма: Болалар тинч ўтиришлари лозим. Юқориги лаб билан қилинадиган ҳаракат осойишта, зўриқмай бажарилиши керак. Тишларни бир-бирига жипслаштирмаслик даркор. Юқориги-олдинги тишларини кўрсатиб туриш вақти 4-6 секундгача давом этиши мумкин.

«Чумчуқларни боқиш».

Мақсад: Пастки жағ ҳаракатини фаоллаштирига.

Ўйиннинг бориши: Болалар тарбиячига қараб ўтиришади, тарбиячи эса болаларини овқатлантираётгандай она чумчуқ тасвирланган расмни болаларга кўрсатиб, шундай дейди: «Ҳозир биргалашиб бир ўйин ўйнаймиз. Сизлар чумчуқ бўласизлар, мен эса она чумчуқ бўламан. Она чумчуқ дон олиб келди. Ҳамма чумчуқлар оғизларини очишади. Донни ейишди ва оғизларини ёпишди». Болалар бу ҳаракатни бир неча марта такрорлашади.

Методик кўрсатма: Болалар тинч ўтиришлари, оғизни очиш ва ёпиш вақтида бошларини у ёқ – бу ёққа ташламасдан тўғри тутиб туришлари керак. Оғизни очиқ ҳолатда сақлаб туриш вақти аста ошириб борилади. Аммо у 4-6 секунддан ошмаслиги керак.

«Ким кулишни билади?»

Мақсад: Лаб ҳаракатини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Тарбиячи ўтирган болалардан шундай деб сўрайди: «Ораларингизда ким овоз чиқармасдан кулишни билади? Кулганингизда мен сизнинг овозингизни эшитмай, фақат кулаётганларингизни кўрай. Қаранглар мен қандай куламан («э» товушини ўзича талаффуз этиб, қандай кулиш кераклигини кўрсатади.) Энди болалар, ҳаммамиз биргаликда куламиз». Шундан кейин тарбиячи овозсиз кулиш ҳаракатини яхши бажарган болаларни бир-бир чақириб, бошқа болаларга бу ҳаракатларни намуна тариқасида кўрсатади.

Методик кўрсатма: Тарбиячи болаларнинг енгил кулишини, яъни бурунларини жийирмай, лабларини олдинга ортиқча чўзмай, оғизларини кенг очмай кулишини кузатиб беради.

«Хоккей».

Мақсад: Тил ҳаракатини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Тарбиячи ўтирган болалардан шундай деб сўрайди: «Болалар, хоккей ўйини қандай ўйналишини биласизми? (Тушинтиради). Ҳозир биргаликда хоккей ўйинини ўйнаймиз. Фақат клюшка ўрнида оғзимиздан фойдаланамиз. Энди шайбани (нўхатни) клюшка билан (тилимиз) майдонда (оғзимизда) ҳаракатлантирамиз. (Тарбиячи қандай бажариш кераклигини тушунтириб, кўрсатиб беради)».

«Фокус».

Мақсад: Тилни юқорига кўтариш ва ҳаво оқимини тилнинг ўрта қисмига юборишга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Жилмайиш, оғизни сал очиб, тилнинг олдинги кенг қиррасини юқориги лабга қўйиш, тилнинг чекка қирралари оғиз бурчагига тегиб турсин. Тилнинг ўрта қисмида эса кичкина тарновча ҳосил бўлсин ва шундай ҳолатда бурун учига қўйилган пахта пуфлаб туширилсин. Агарда ҳаво оқими тилнинг ўртасидан ўтса, у вақтда пахта юқорига қараб учади.

Методик кўрсатма:

1. Пастки жағ ҳаракатсиз бўлсин.
2. Тилнинг ён қирралари юқориги лабларга тегиб турсин.
3. Пастки лаб қийшаймасин ва пастки тишларга тегмасин.

«Итоатсиз тилни жазолаш».

Мақсад: Тил мускулларининг бўшашишига ёрдам бериш.

Ўйиннинг бориши: Бу машқ қуйидагича ўтказилади: тилни кенг ва тинч ҳолатда бўлиши учун оғизни бир оз очиб, тилни секингина пастки лабга қўйиб, «юқориги лаб билан тилни «пя-пя-пя» деб шақиллатиш керак. Бирдан бешгача ёки унгача санагунча оғизни очиб, кенг тилни тинч ҳолатда ушлаб туриш керак».

Методик кўрсатма: Пастки лаб иложи борича бурилиб кетмаслиги ва пастки тишларга тегмаслиги керак.

Агарда машқ тўғри бажарилаётган бўлса, пахта бир томонга оғади.

«Ким яхшироқ найча қилади?».

Мақсад: Лаб ҳаракатларини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар ярим доира шаклида ўтиришади. Тарбиячи болаларга найча тасвири чизилган расмни кўрсатиб, уларга лабларни олдинга чўзиб, найча қилишни таклиф этади. «Қаранглар болалар, мен қандай қилиб найча ҳосил қиламан», деб лабларини олдинга чўзиб кўрсатади. Тарбиячи «Найча қиламиз» дейиши билан болалар лабларини олдинга чўзадилар, «Найча чалишдан тўхтаймиз» дейиши билан эса болалар лабларини олдинги ҳолатига қайтарадилар.

Методик кўрсатма: Лаб ҳаракатлари вазмин ва ҳеч қандай куч талаб қилмаслиги керак. Бола лабларини олдинга чўзаркан, оғиз очилмаслиги ва

пастки жағини олдинга чиқармаслиги керак. Буни тарбиячи доимо эътибор билан кузатиб бориши лозим.

«Лаблар думалоқ, худди тешиккулчага ўхшаш».

Мақсад: Лаб ҳаракатини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Тарбиячи болаларга тешиккулча тасвирланган расмини кўрсатади ва шундай дейди: «Болалар ким лабини худди тешиккулчага ўхшатиб, думалоқ шаклга келтира олади. Мака бундай қилиб (кўрсатади). Лаблар думалоқ бўлиши учун тарбиячи «О» товушини талаффуз этиб кўрсатади.

Тарбиячи навбат билан бир неча болани чақириб машқни бажаришни таклиф қилади. Сўнгра ҳамма болаларга лабларини думалоқ шаклга келтиришни таклиф этади».

Методик кўрсатма: Тарбиячи болалар машқни зўриқмасдан бажаришларини кузатади. Оғиз очиқроқ бўлади.

«Қувноқ тилча».

Мақсад: Тил ҳаракатини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар стулчаларида тарбиячига қараб ўтирадилар. Тарбиячи болаларга шундай дейди: «Ҳозир мен сизларга бир қизиқ воқеани айтиб бераман. Тўгри ўтириб, ҳаммангиз диққат билан қулоқ солинглар. Бир тилча бор экан. У ўз уйида яшар экан. Бир куни уйғониб, кўчага чиқмоқчи бўлибди (тил оғиздан чиқарилади) қуёш бормикан, деб юқорига қарабди (тил учи юқорига кўтарилади) кейин кўлмакча бормикан, деб пастга қарабди (тил учи пастга тушади). Тилчага кўча ёқиб қолибди ва айлангиси келиб қолибди (тил учи юқорига, пастга, чапга, ўнгга ҳаракатлантирилади). Тилча чарчаб қолибди. Куч тўплаш учун сут ичмоқчи бўлибди. Сутни мушукка ўхшаб ичибди (тил билан ялаш ҳаракати бажарилади). Тилчанинг қории тўйибди. Лекин лабларида сут юқини ялабди.

Аввал юқори кейин пастки лабларини тозалабди (юқориги ва пастки лаблар яланади). Кейин юқориги ва пастки тишларини ҳам шу тартибда тозалабди. Тилчанинг яна яйрагиси келибди. Беланчакни кўриб, унда уча бошлабди (тил гоҳ бурун томонга, гоҳ ияк томонга ҳаракатлантирилади). Беланчакда учишдан зерикибди. Энди отда юргиси келиб қолибди (тил учи танглайда шақиллатилади).

Тилча чарчаб қолибди. У уйига кириб, эшикларини ёпиб ухлабди. (Тил оғиз ичига тортилиб, оғиз ёпилади)».

**Фонематик идрокни ривожлантиришга қаратилган ўйинлар.**

Фонетик-фонематик нутқ камчилигига эга бўлган болаларнинг оғзаки нутқини ўрганиш шуни кўрсатадики, уларнинг нутқи кундалик мулоқот эҳтиёжларини қондиради. Уларнинг талаффузида нутқнинг лексик-грамматик қаторида қўпол бузилишлар кузатилмайди. Бу болалар учун фонематик идрокнинг шаклланиш жараёни тугалланмаганлиги хосдир. Нутқ камчиликлари товушларини нотўғри талаффуз қилиш билан чегараланиб қолмай, шунингдек

товушларни етарли фарқламаслик ва сўзни товуш томондан таҳлил ва таркиб қилишдаги қийинчиликлардан ҳам иборат.

Фонематик идрокни ривожлантириш коррекцион-логопедик ишнинг энг асосий йўналишидир. Бу ишлар товушлар таҳлили устидаги иш билан ўзаро боғлиқликда олиб борилади. Шу билан бирга товушлар талаффузидаги камчиликларни бартараф этиш ишларини фонематик идрокни ривожлантиришга қаратилган ишлар билан биргаликда олиб борилгандагина яхши натижаларга эришилади. Қуйида биз, фонематик идрокни ривожлантиришга қаратилган ўйинлардан намуналар келтирамиз.

«Қизил-оқ».

Мақсад: Эшитув идрокини ривожлантириш, сўздаги товушни аниқлаш.

Жиҳоз: Ҳар бир болага 2 тадан доирачалар (қизил ва оқ) берилади.

Ўйиннинг бориши: Логопед, болалардан диққат билан қулоқ солишни ва берилган товуш қайси сўзда иштирок этаётганлигини аниқлашни сўрайди. Агар сўзда товуш иштирок этса, болалар қизил доирачани, агар иштирок этмаса оқ доирачани кўтаришлари керак.

«Товуш қаерда?».

Мақсад: Товушнинг сўздаги ўрнини аниқлаш.

Жиҳоз: Рангли картон қоғоз (картон қоғоз энига чизилган чизиқлар билан 3 га бўлинади, фақат кесилмайди) ва фишка (байроқча ёки доирача).

Ўйиннинг бориши: Логопед сўзни талаффуз қилади. Болалар берилган товушнинг сўздаги ўрнини аниқлайдилар. Товуш сўзнинг бошида, ўртасида ёки охирида келганлигига қараб, фишка чизиқнинг биринчи, иккинчи ёки учинчи қисмига қўйилади. Бундай ўйин, логопед столида катта формат қоғози билан ёки ҳар бир болага алоҳида картон қоғоз тарқатиб чиққан ҳолда ҳам олиб борилиши мумкин. Болалар аввал, товушнинг сўзни бошида келган ҳолатини, кейин эса сўзнинг охирида келган ҳолатини аниқлайдилар. Буни яхши ўзлаштириб олганларидан кейингина, сўзнинг ўртасида келиши мумкин бўлган ҳолатлар кўриб чиқилади.

«Ким кўпроқ топади?».

Мақсад: Расм асосида сўздаги берилган товушни аниқлаш.

Жиҳоз: Берилган товуш иштирок этган сўзлар расми тасвирланган сюжетли расм.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга тегишли мавзуга оид сюжетли расм кўрсатади, масалан «Полизда». Болалар расмни диққат билан кўриб чиқадилар. Логопед болаларга: «Болалар полизда нима теришмоқда?» деган савол билан мурожаат қилади, болалар жавоб берадилар. Кейин эса «Қайси предметлар номида «Р» товуши (с товуши ва ҳоказо) бор?» кўринишида вазифа топширилади.

Ҳар бир тўғри топилган сўзга доирача берилади. Ким кўпроқ доирача олса, ўша бола қолиб ҳисобланади.

«Балиқ ови».

Мақсад: Луғат бойлигини ошириш, товушнинг сўздаги ўрнини аниқлаш.

Жиҳоз: Металл скрепкалар, предметли расмлар, қоғозли коробка, магнитли қармок.. Скрепкалар предметли расмларга ўрнатилади.

Ўйиннинг бориши: Болалар навбат билан қармок, ёрдамида предметли расмларни тута бошлайдилар ва номлайдилар. Тегишли товушнинг (масалан «Р» товуши) сўзда бор ёки йўқлигини, сўздаги ўрнини (бошида, охирида, ўртасида) аниқлайдилар. Тўғри жавоб учун очко билан тақдирланади. Очкоси кўп бола ғолиб ҳисобланади.

«Ким диққатлирок?».

Мақсад: Товушларни эшитиб фарқлашга ўргатиш, фонематик идрокни ривожлантириш.

Жиҳоз: Тегишли товушга оид расмлар.

Ўйиннинг бориши: Болалар стол атрофида ўтирадилар.

Логопед: «Ҳозир сизларга расмлар кўрсатаман ва номини айтаман, сизлар эса диққат билан эшитиб, барча сўзлар учун умумий бўлган товушни топасизлар. Ким топса қўлини кўтариб жавоб беради», деб болаларга ўйиннинг шартини тушунтиради. Кейин логопед расмларни кўрсатиб номлайди. (масалан, с товушидан бошланган сўзларни: стакан, сомса, сумка, супурги, совун). Болалар эса: с товуши, деб жавоб берадилар.

Логопед: «Тўғри, бу сўзларнинг барчаси с товушидан бошланади. Сўзларни қайта номлаб беринг дейди». Болалар эслаб, уларни номлайдилар. Кейин, ўзлари товушдан бошланадиган бошқа сўзларни топиб номлашлари керак. Ўйинни мураккаблаштириш мумкин.

«Ким кўпроқ сўз топади?»

Мақсад: Товушларни фарқлашга ўргатиш.

Жиҳоз: Копток, фишкалар.

Ўйиннинг бориши: Логопед бирор товушни айтади ва болалардан ушбу товушга оид сўз топиш кераклигини сўрайди. Кейин болалар доира шаклида турадилар. Иштирокчилардан биттаси коптокни бирорта болага қарата улоқтиради. Коптокни илиб олган бола товуш иштирокидаги бирорта сўзни айтиши керак. Жавоб берган болага фишка берилади. Жавоб беролмаган ёки айтилган сўзни қайтарган болага фишка берилмайди. Ғолиб фишкалар сонига қараб аниқланади.

**Сирғалувчи ва шовқинли товушларни шакллантиришда қўлланиладиган ўйинлар.**

Товушлар талаффузини бузилиши асосан артикуляцион жиҳатдан талаффуз қилиш қийин бўлган товушларда кузатилади. Шундай товушлар қаторига сирғалувчи ва шовқинли товушлар киради.

Бу товушлардаги камчиликларни бартараф этиш ишларини болалар учун қизиқарли бўлган ўйин фаолияти билан боғлаб ўтиш орқали, коррекциялаш ишининг самарадорлиги ошади.

Қуйида келтирилган ўйинлар сирғалувчи ва шовқинли товушларни шакллантиришга қаратилган.

«Насос».

Мақсад: Болаларга «С» товушини тўғри талаффуз этишини ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар стулчаларда ўтиришади. Тарбиячи болаларга шундай дейди: - Ҳозир биз велосипедда сайр қиламиз. Велосипедда сайр қилишдан аввал унинг камерасига ҳаво дамланганми ёки йўқми шуни текширамиз. Велосипед узоқ вақтгача минилмаганлиги сабабали камераси бир оз бўшаб қолибди. Унга дам бериш керак. Насос билан камерага ҳаво юборамиз. Насосдан чиқаётган ҳаво С-С-С, деб овоз чиқаради.

Болалар аввал бирма-бир, сўнгра биргаликда насос ҳаракатига тақлид қилиб, камерага дам урадилар. Камерага дам бериш вақтида С-С-С товушини чўзиброқ этадилар.

Методик кўрсатма: Болалар С товушини тўғри талаффуз ишлари учун лаб, тил ҳолати ва ҳаво оқимининг тил ўртасидан ишига эътибор бериб бориш зарур.

«Арракашлар».

Мақсад: Болаларга З товушини тўғри талаффуз этишни ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар икки гуруҳга бўлиниб, юзма-юз туриб оладилар. Қўлларини «крест» ҳолида кесиштириб оладилар. Ёғочни аррада кесиш ҳаракатини бажариб туриб, З товушини чўзиб талаффуз қиладилар. З товушини нотўғри талаффуз қилган болалар ўйиндан чиқади. Тарбиячи бу боладан алоҳида З товушини талаффуз қилишни сўрайди.

«Бўрон».

Мақсад: З товушини мустаҳкамлаш.

Ўйиннинг бориши: Болалар довулни тасвирлайдилар. Тарбиячининг имоси билан болалар З товушини аввал паст овозда, кейин баланд овозда, кейин яна паст овозда талаффуз қиладилар.

Ўйинни аввал ойна қаршисида олиб бориш ҳам мумкин.

Методик кўрсатма: Ҳар бир бола учун товушни чўзиб туриш вақти 5-10 секунд атрофида бўлиши керак.

«Разведкачилар».

Мақсад: Болаларни Ц товушини сўзларда тўғри талаффуз этишга ўртатиш.

Ўйиннинг бориши: Тарбиячи болаларга расмларни кўрсатади, болалар расмларнинг номларини айтадилар. Сўнгра тарбиячи разведкачиларни танлайди. Разведкачилар хонадан чиқиб турадилар. Тарбиячи қолган болалар билан расмларни хонанинг турли бурчакларига яшириб чиқади. Разведкачилар келиб, расм яширилган жойни қидирадилар ва топиб олган расмларни болаларга кўрсатиб, унинг номини айтадилар. Сўнгра болалар роль алмашадилар.

Методик кўрсатма: Нарсаларнинг номини айтаётганда Ц товушини аниқ талаффуз этишлари керак. Ц товушини чўзиб талаффуз этмаслик лозим. Акс ҳолда Ц товуш С товуши бўлиб эшитилади.

«Шар ёрилди».

Мақсад: Болаларга Ш товушини нутқда тўғри талаффуз эттиришни машқ қилдириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар қўл ушлашиб зич доира ҳосил қилиб турадилар. Тарбиячининг «шаримизни шиширамиз» дейиши билан ҳудди шарни шишираётгандай болалар доираси кенгаяди.

Тарбиячининг «шар ёриляпти» деб чапак чалиши билан болалар қўлларини ёндан пастга туширадилар ва Ш товушини талаффуз этадилар.

«Ўргимчак туридаги пашшалар».

Мақсад: Ж товушини тўғри талаффуз эттиришга эришига.

Ўйиннинг бориши: Болаларнинг бир қисми ўргимчак турини тасвирлайди, қўлларини туширган ҳолда доира бўлиб туриб оладилар. Болаларнинг қолган қисми пашшалар бўлиб, «Ж-Ж-Ж» деган ҳолда, доира ичида ва атрофида учиб юрадилар.

Тарбиячининг ишораси билан, доирадаги болалар қўлларини ушлаб олган ҳолда ўргимчак тўрини ҳосил қиладилар. Доирадан чиқишга улгурмаган болалар тўрга илинган ҳисобланиб, ўйиндан чиқиб кетади.

Пашшаларнинг барчаси тутиб бўлинмагунча, ўйин шу тариқа давом этади. Кейин эса роллар алмаштирилади.

«Р», «Л» товушларидаги камчиликларни бартараф этиш жараёнида қўлланиладиган ўйинлар.

Болалар учун артикуляцион жиҳатдан талаффуз қилиш қийин бўлган товушлардан яна бири бу сонор (р, л) товушлари ҳисобланади.

Бу товушларнинг аниқ талаффузига баъзан тақлид усули орқали ҳам эришиш мумкин.

Қуйида, тақлид усулида фойдаланган ҳолда р, л товушларидаги камчиликларни бартараф этиш жараёнида қўлланиладиган ўйинлардан намуналар келтирилади.

«Рубоб чаламиз».

Мақсад: Болаларнинг Л товушини тўғри талаффуз этишларига эришиш.

Ўйиннинг бориши: Тарбиячи болаларга: «Ҳозир сизлар оркестр бўласизлар. Оркестрда кўп мусиқа асбоблари чалинди. Сизлар рубоб чаласизлар», деб рубобни қандай ушлаб чалиш кераклигини кўрсатади (чап қўли билан худди рубобнинг пардасини ушлаётгандек, ўнг қўли билан эса торни чертаётгандек ҳаракат қилиб «ла-ла-ла», деб айтади). Тарбиячининг ишораси билан ҳамма болалар рубоб чаладилар.

«Параход».

Мақсад: Л товушининг тўғри талаффузига эришиш.

Ўйиннинг бориши: Тарбиячи шундай дейди: «Болалар ҳозир ҳаммамиз параходга тушиб сайр қилгани борамиз. Сизлар параход қандай овоз беришини биласизларми. Эшитинглар: и-и-и. . . Параход қандай гудок беришини биргаликда такрорлаймиз.

Энди кенг тилни тишлар оралиғига қўйинг, уни секингина тишланг ва параходнинг гудок чалишини бажариб кўрсатинг». Болалар бу ҳаракатни бажарадилар, тишлар оралиғида Л товуши ҳосил бўлади.

Тарбиячи ва болалар бу машқни кетма-кет такрорлайдилар.

Методик кўрсатма: Болаларга энг баланд масофада учиб кетаётган самолётнинг овози Л товушига ўхшаш эканлигини эслатиб ўтиш лозим.

«Отлар».

Мақсад: Болаларнинг Р товушини тўғри талаффуз этишларига эришиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар уч гуруҳга бўлинадилар. Биринчи гуруҳ болалари эса отлар бўлишади. Отларни тасвирловчи болалар иккитадан бўлиб, қўл ушлашиб, (қўлларини солиштириб) турадилар.

Отлар ҳайдовчининг бошқаруви остида отлардек югурадилар. Тарбиячининг буйруғига биноан ҳайдовчи отларни «тррр...» деб тўхтатади. Сўнгра болалар рол алмашадилар.

Методик кўрсатма: р товушининг артикуляцияси болаларга тушунтирилади.

«Қарғалар».

Мақсад: Болаларни Р товушини нутқда тўғри талаффуз этишлари устида машқ қилдириш.

Ўйининг бориши: Болалар уч гуруҳга бўлинадилар. Биринчи гуруҳ болалари арчаларни тасвирлаб гулларини пастга туширган ҳолда доира ўртасида турадилар ва шундай дедилар: «ланди-ланди ўйинимиз бошланди ва яшил арча тагида қарғалар қағиллашмоқда».

Иккинчи гуруҳ болалари: Қарғалар бўлиб доира ичига сакраб-сакраб киришади ва «қар-қар-қар...» деб қағиллашади.

Биринчи гуруҳ болалари шундай дейдилар: «пўчоқ учун урушдилар, томоқларин қиришдилар».

Иккинчи гуруҳ болалари – «қарғалар» доира ичида туриб «қар-қар-сувлар тезда оқар» - деб тез-тез қағиллашади.

Биринчи гуруҳ болалари – «қарғалар», «югуришди тоз итлар, учиб кетди қарғалар, қўниб дарахт шоҳига қар-қар-қар деб қариллашар», - деб айтишлари билан учинчи гуруҳ болалари (итларни тасвирловчи) доирага «р-р-р...» деб ирриллаб югуриб кетар вовуллаб, югуриб кирадилар ва қарғаларнинг кетидан қувадилар.

Қарғалар (олдиндан белгилаб қўйилган жойга) «инларига» учиб кетишади. Ушланган қарғалар итлар билан бирга қайтишади ва махсус жойга қамаб қўйилади. Ўйин то икки-учта чаққон қарға келиб қамалган қарғаларни қутқармагунча давом этади. Сўнгра болалар роль алмашадилар. Ўйин яна давом этади.

Методик кўрсатма: Болалар сўзларини баланд овозда, аниқ мазмунли гапиришлари керак.

**Тил орқа (к, г, х, й) товушлардаги камчиликларни бартараф этиш жараёнида қўлланиладиган ўйинлар.**

Артикуляцион жиҳатдан талаффуз қилиш қийин бўлган товушларнинг қолган турига тил орқа (к, г, х, й) товушлари киради.

Тил орқа товушларининг аниқ талаффузини ҳосил қилишда, асосан механик усулдан кенг фойдаланилади. Бу товушларни ҳосил қилишда тақлид усулидан унумли фойдаланиш яхши натижа беради. Қуйида келтирилган ўйинлар тақлид

қилиш усули орқали тил товушларидаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган.

«Нима қандай қичқиради?».

Мақсад: Товушларга тақлид қилишда К товушини аниқ ва тўғри талаффуз этиш.

Ўйиннинг бориши: Тарбиячи болаларга мурожаат этиб шундай дейди: «Эсингиздами, болалар, биз сизлар билан ўрмонга сайрга борган эдик. Бизлар сайрга отландик, йўлда кетаётиб, катта полиз ёнидан чиқиб қолдик. Қарасак, чумчуқлар полиздаги кунгабоқарларни чуқишяпти, уларни болалар ҳайдаб юборишди. Сизлар чумчуқларни ҳайдаб юборган эдингиз?» («киш-киш»).

Биз ўрмонга етиб бордик. У ер жуда ҳам чиройли эди, гуллар тера бошладик. Бирданига какку сайрай бошлади: «ку-ку, ку-ку...». Какку қандай сайрайди? (ку-ку, ку-ку). Кўп гуллар териб орқамизга қайтдик. Ариқ бўйидан ўтдик. Қурбақа қандай қуриллайди? (Ква-ква-ква).

Методик кўрсатма: Товушларга тақлид қилишда К товушини аниқ талаффуз этиш лозим. К товушини овоз кучи билан ажратиш керак.

«Телефон».

Мақсад: Болаларни Г товуши билан келадиган сўзларни аниқ ва тўғри талаффуз этишга ўргатиш.

Ўйининг бориши: Болалар стулчаларида бир қатор бўлиб ўтиришади. Тарбиячи биринчи бўлиб ўтирган болага сўзни пичирлаб айтади. У ҳам сўзни ёнидаги болага шипшитиб айтади. Шу тариқа, айтилган сўзни бир-бирларига пичирлаб айтадилар. Сўнгра сўзни биринчи бўлиб айтган бола қаторнинг охирига бориб ўтиради. Болалар охирги сўзни айтиб бўлганларидан кейин уларга тарбиячи расм бўйича кичкина гап тузишни таклиф этиши мумкин.

Методик кўрсатма: «Телефон» ўйинини ўйнаганда болалар сўзни бир-бирига пичирлаб айтадилар.

«Нима етишмайди?».

Мақсад: И товуши билан келадиган бўғин, сўз, гапларни тўғри ва аниқ талаффуз этишга эришиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар стулчаларида ўтиришади. Тарбиячи стол устига майка, лейка, чайка, қўй, йўлбарс, ой, той, трамвай, сой расмларини ёки ўйинчоқларни териб қўяди ва болаларга бу уйинчоқларни диққат билан кўриб олишни таклиф этади.

Чақирилган бола эшик орқасида туради. Бошқа бир бола эса ўйинчоқлардан биронтасини яширади, эшик орқасида турган бола келиб қайси ўйинчоқ етишмаслигини айтади.

Шундан кейин тарбиячи, номида И ҳарфи бор бўлган расмларни кўрсатади, болалар уларнинг номларини айтадилар.

Методик кўрсатма: Сўзларни талаффуз этганда И товушини овозда ажратиб талаффуз этиш, А товушини эса чўзиб талаффуз этмаслик лозим.

Товушларни автоматизация ва дифференциация қилиш жараёнида қўлланиладиган ўйинлар.

Нутққа қўйилган товушларни автоматизация ва дифференциация қилиш жараёнлари муҳим аҳамиятга эга.

Бу жараёнларга оид бир турдаги машқлардан қайта-қайта фойдаланиш натижасида болаларнинг логопедик машғулотларга бўлган қизиқишлари йўқолиб боради.

Қизиқарли ўйинлар эса болага хушкайфият ва тетиклик бағишлайди. Демак, бу иборага асосланиб, товушларни автоматизация ва дифференциация қилиш жараёнида ўйинлардан фойдаланиш яхши самара беради, деган фикрга келишимиз мумкин.

Қуйида эса товушларни автоматизация ва дифференциация қилиш жараёнида қўлланиладиган ўйинлардан намуналар келтирамиз.

«Расмларни танла».

Мақсад: С-Ш товушларини бир-биридан фарқлашга ўргатиш.

Ўйинларнинг бориши: Номида С ва Ш товуши бор бўлган расмлар, сўзлар танланади.

Тарбиячи болаларни икки гуруҳга ажратади, биринчи гуруҳ болалари С товуши бор бўлган расмларни танлаб олади. Иккинчи гуруҳ болалари эса Ш товуши бор бўлган расмларни танлайди. Тарбиячининг столи устига расмлар ўнг томони билан тартибли қилиб қўйилган бўлади. Ҳар бир гуруҳдан биттадан чиқиб, ўзларига таълуқли бўлган товуш учун расм олиб, жойларига ўтирадилар. Ҳамма расмларни болалар олиб бўлгандан сўнг, ҳар бир бола ўрнидан туриб, расмларнинг номини айтади.

Расмларни номини айтганда С ёки Ш товушини бошқа товушлардан ажратиб талаффуз этишлари керак.

Қолган болалар расм номини айтаётган бола уни тўғри танлаганми ёки йўқми кузатиб борадилар. Сўнгра болаларнинг ўзлари шу товушлар учун сўз ўйлайдилар ва айтадилар.

Тарбиячи С ва Ш товушлари бор бўлган сўзларни айтади, болалар эса бу сўзларни такрорий айтганда С-Ш товушини тўғри талаффуз этишлари керак. Масалан, шоссе, машинист, Шамсия, шерсть ва бошқалар.

Методик кўрсатма: Болалар сўзлардан С ва Ш товушини кўрсатиб, бошқа товушларга нисбатан чўзиброқ талаффуз этишлари С ва Ш товуши қаерда келишини аниқлашлари лозим.

«Топ-чи, менда қайси товуш?».

Мақсад: З-Ж товушларини бир-биридан фарқлашга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Ўйинларнинг бошқарувчиси тайинланади. Бошқарувчи эшикдан ташқарига чиқиб туриб, қолган болалар номида Ж товуши бор бўлган сўз ўйлаб топадилар. Ўйинни бошқарувчи қайтиб келиб, ҳар қайси боланинг ёнига боради, у кимнинг ёнига борса, шу бола ўйлаган сўзни айтади. Агарда бошқарувчи айтилган сўзлардан Ж товушини эшитса, «ғинғиллайди» агар З товушини эшитса, «зизиллайди», деб тушунтиради тарбиячи.

Сўнгра тарбиячи расмларни болаларга тарқатиб чиқади. Ҳар бир бола навбатма-навбат чиқиб, расмни болаларга кўрсатади ва унинг номини билдирувчи сўзда З товуши бўлса, уни чивин расми тасвирланган расм

полотноси чўнтагига солиб қўяди, агарда Ж товуши бўлса қўнғиз расми тасвирланган расм полотноси чўнтагига солиб қўяди.

Машғулотнинг охирида тарбиячи болаларга бир неча сўзларни айтади ва уни такрорлашларини таклиф қилади: зажигалка, занжир, жазо, жигарранг қўнғиз, ғижжак, Замиранинг сариқ жўжаси бор ва бошқалар.

Методик кўрсатма: Агар бола З ёки Ж товуши учун сўз топишда қийналса, тарбиячи ёрдам беради.

«Адашма».

Мақсад: С-З товушларини бир-биридан фарқлашга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Болаларга иккитадан расм берилади. Биттасида насос тасвирланган, иккинчисида чивин. Насос тасвирланган расмни болалар чап қўлларига оладилар. Чивин тасвирланган расмни эса ўнг қўлларига оладилар. Чивин тасвирланган расмни эса ўнг қўлларига оладилар. Тарбиячи номида С ёки З товуши ҳамда бир сўзда С. Ва З. товуши бо бўлган рарсмларни болаларга кўрсатади ва номини айтади. Масалан: сабзи, сумка, Юлдуз, газета, сомса ва ҳоказолар.

Агар расмнинг номини билдирувчи сўзларида С товуши бўлса, сўнгра болалар номини билдирувчи сўзда ҳар икки товуш бор бўлган расмларни кўрсатадилар ва С, З товушларида қайси бири сўзнинг бошида келаётганлигини айтадилар.

Методик кўрсатма: С ва З товушини расмлар орқали таққослаш керак. Машғулот пайтида номида С ва З товуши бўлган расмлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Агарда тарбиячи болаларга бундай расмларни кўрсатса, болалар қўлларидаги расмларини кўрсатмасликлари керак.

«Ўрмонда сайр».

Мақсад: Ш-Ж товушларини бир-биридан фарқлашга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Хонанинг бир бурчагида болалар туришади, иккинчи бурчагида эса икки-уч қатор стулчалар қўйилган бўлиб, булар ўрмонни тасвирлайди.

Тарбиячи шундай дейди: «Болалар ҳозир биз ўрмонга сайрга борамиз (ана у стулчалар турган жойга). У ерда ўтириб дам оламиз ва ўрмонда нималар бўлаётганлигини кузатамиз». Болалар жимгина бориб, стулчаларга ўтирадилар.

Тарбиячи: «Ўрмон жуда сокин, шу пайт майин шабада эсиб, дарахтларнинг шохларини тебрата бошлайди. Ўрмон бир зумда шовуллай бошлайди: «ш-ш-ш...». Дарахтнинг шохчалари қандай шовуллайди? (Болалар «ш-ш-ш») Шамол тинди, ўрмон яна тинч.

Ўтлоқда қўнғизларнинг «ж-ж-ж» деб ғинғиллаши эшитилади. Қўнғизлар қандай ғинғиллашади? (Болалар «ж-ж-ж»» деб айтадилар). Болалар ўрмонда дам олишиб, кўп гуллар теришиб, уйга қайтишади.

Методик кўрсатма: Болалар Ш-Ж товушларини бир-биридан фарқлашлари учун қўл кафти орқа томонини бўйинга (томоққа) қўйишлари керак.

Болаларнинг ҳаммаси бу машқда фаол қатнашишилари ва Ш, Ж товушларини бир-бирига аралаштриб юбормасликларини тарбиячи кузатиб туради.

**Нутқни ўстиришда бармоқ машқларидан фойдаланиш.**

Боланинг қўл панжаси ва бармоқларини ҳаракатлантириши ўзига хос ривожлантирувчи таъсирга эга.

Мутахасисларнинг таъкидлашича, қўл ва бармоқлар иштирокидаги ўйинлар тана ва онгнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлайди, мия тизимини зарур ҳолатда тутиб туради. Қўл, кафт бармоқларни ривожлантиришнинг мия ривожига таъсири катталиги тасдиқланган. Қўлнинг оддий ҳаракатлари билан нафақат қўлнинг балки, лаб, юз мускуллари зўриқишларни сусайтиради, ақлий камчиликнинг олдини олади. Шунингдек товуш талафузини яхшилашга ҳам ёрдам беради.

Бармоқларнинг майда ҳаракатлари бўғинлар артикуляциясига ўзига хос таъсир этади. Бармоқлар ривожланиши эвазига мияда нутқнинг равон бўлиши кузатилади.

Бармоқ машқлари нафақат қизиқарли, балки мароқли ҳамдир.

Товушлар талафузидаги камчиликларни бартараф этишда бармоқ, машқларидан фойдаланиш болага комплекс ёндошишга имкон беради.

Бармоқ машқларининг нутқ иштирокида бажарилиши эса кўникмаларнинг шакилланишига ва мустаҳкамланишга ёрдам беради.

Қуйида биз, бармоқ машқларидан намуналар келтирамиз.

## Э ч к и.

Учли – эчкининг шохи,

Сузмоқчи бўлар гохи



Кафтнинг ички томони пастга қаратилиб, кўрсаткич бармоқ ва жимжилоқ олдинга узатилади. Ўрта ва номсиз бармоқ ичкарига қайтарилиб, бош бармоқ билан қамраб олинади.

## К ў з о й н а к.

Бувим кўзойнак тақиб,

Оппоғим, дер менг боқиб.

Ўнг ва чап қўлнинг бош бармоқ -ларини букиб, қолган бармоқлар би лан доира шаклига келтирилади. Иккала қўлни кўзга олиб келиб, мўралаб қаралади.



Ола бўйин, ола қуйруқ.

Ўнг қўл кафтини очиқ тутиб, бош бармоқ юқори кўтарилади. Кўрсаткич, ўрта ва намсиз бармоқлар ёёпишиб туради. Жимжилоқ эса, пастга, тепага харакатланиб туради.



## П у ф а к.

Пуфагим семир,
Хаволи семир.
Майли, кўп шошма,
Ёрилма, тошма.

Иккала қўлинг бармоқ учларини бир-бирига бирлаштириб, кафтимиздан аввал кичикроқ, кейин катта "пуфак" хосил қиламиз. Пуфакдан "хаво чиқиб кетса" яна кафтимизни аввалги холатига келтирамиз.



## Капалак.

Капалагим, капалак,
Қучгил осмону фалак.
Сакрайвер гулдан – гулга,
Рақсинг ёқар кўнгилга.

Иккала қўлинг билаклари туташтирилиб, кафтнинг орқа томони бир – бирига ёпиштирилади.



Бармоқлар тўғрига узатилган. Бу қўнган капалак шакли. Кафтлар тўғри ва таранг. Бармоқларни букланмаган холда, қўлни билаклар орқали харакатлантириб, учаётган капалак харакатига таклид қилинади.



## Гул.

Ғунча, ғунча, тез бўртгил.
Сендан очилар зўр гул.

Иккала қўл бармоқ учлари жипслаштирилади. Кафтлар бироз букилган. Бу “ғунча” шакли.



Кафтларнинг пастки қисми бир-бирига жипслаштирилиб, бармоқлар бироз букилган холда, доира шаклида кенг очилади. Шунда очилиб турган “гул” хосил бўлади.



## **Узук.**

Узугим бор думалоқ,
Тилла каби ялтироқ.
Уни бермам бировга,
Чунки онамдан совға.

Бош ва ўрта бармоқлар халқа қилиб бирлаштирилади, қолганлари эркин қўйилади.



## **Қуён.**

Оқ қуён, оппоқ қуён,

Қарайди уён – бу ён.

Дикир – дикир сакрайди,

Уйчасида ўйнайди.

Тирсакни столга тираб, кўрсаткич ва ўрта бармоқни айри қиламиз, қолган бармоқлар мушт қилиб тугилади.



**Ари.**

Ширинликка ўч бўлади арилар,
Чақмасин деб юрдим ундан нарилар.



Ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғини олдинга чўзилган холда айлантириб, олдинга харакатлантирамиз, кейин худди шу харакат чап қўл билан бажарилади.

**Қулф.**

Бармоқлар чирмашар – у, қулф бўлади,
Яна бир бор қайтарсак, зўр бўлади.

Кафтлар бир – бирига жипслашиб, бармоқлар чирмаштирилади. Очиб – ёпиб турилади.



Арча.
Бармоқларни чирмаштирсак,
Кўтарилса бир оз тирсак
Бўлади тайёр арча,
Байрамга келсин барча.

Кафтларни бурчак остида тутиб, иккала қўлнинг бармоқлари ўзаро чирмаштирилади. Бунда бармоқларни олдинга йўналтириб, тирсакларни биқинга ёпиштирмаст кўтариб туриш лозим.



## Товушлардаги камчиликларни бартараф этишда қўлланиладиган тез айтиш, санама, чорлашма, қиқиллама, айтишув, чеклашмачоқ, айтишма ўйин, яраштиргич, топишмоқ ва шеърлардан фойдаланиш.

Товушлардаги камчиликларни бартараф этишда биз, асосан, анъанавий бўлган тез айтиш, топишмоқ ва шеърлардан фойдаланиб келамиз. Шубҳасиз, улар болаларга хушкайфият ва тетиклик бағишлайди. Бундан ташқари, болаларга берилган логопедик топшириқларни осон ва эркин бажаришлари учун қулай шароит яратиб беради. Логопедик машғулотлар ва ўйинларда тез айтиш, топишмоқ ва шеърлардан кенг фойдаланиш натижасида, болаларнинг нутқи ўсади, шу билан бирга нутқнинг равон бўлишида, тўғри оҳангнинг шаклланишида катта аҳамиятга эга. Миллий адабиётимиз намуналари бўлиши санама, чорлашма, қиқиллама, айтишув, чеклашмачоқ, айтишма ўйин ва яраштиргич каби халқ оғзаки ижоди, нафақат боланинг нутқини ўстиришда, балки уларни миллий руҳда тарбиялаш, миллий қадриятларимизни ҳурмат қилиш ва ватанпарварлик ҳиссини уйғотишда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Қуйида биз, ўзбек тилимизнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, (болаларни тўғри талаффузга ўргатишда логопедик ўйинлардан фойдаланиш йўлларини такомиллаштириш борасида бой адабий меросимиздан намуналар келтирамиз.

# ТЕЗ АЙТИШЛАР.

Оқ чойнакка оқ қопқоқ,
Кўк чойнакка кўк қопқоқ.

Оқ от оқ ўт ейди,
Кўк от кўк ўт ейди.

Тубсиз денгиз денгизми?
Денгиз тенгсиз дедингизми?

Новвой нон ёпар,
Нонни новвот деб сотар.

Ғани ғилдиракни ғизиллатиб ғилдиратди,
Ғилдиракни Ғани ғилдиратиб ғизиллатди.

Тўлқин турпни тўрда тўплади.

Адҳам Раҳматга шахмат бердими?
Раҳмат Адҳамга шахмат бердими?

Қўш қўлқоп
Қўшоғи ҳам бўш қулқоп

Севара саватчага седана солдими?

Нодир новвойхонадаги
Новвойдан нон олдими?

Қурилишда бурилиш,
Бурилишда қурилиш.

Отамнинг отасининг оти,
Отасининг отидан ортиқ.

Тоҳир Тўлқиннинг тўпидан тортдими?
Тўлқин Тоҳирнинг тўпидан тортдими?

Ҳали Вали, Соли шоли урди.

Тўти тутган тўртта тўти тўрда турибди.

Ойдин ойдинда онасидан олдин борди.

Турди тунда ўнта тўнка тўплади.

Норнинг нордон анори нарида.
Қирғовул қирёқдамас қирғоқда.
Мавлуда ҳовлида,
Синглиси Мавжуда қўлида.

Тоғам тоғда бир тоғора тоғолча,
Тағин бир тоғорача олча терди.
Соқи қуритган қоқи қоқ қуруқ қоқи.

Сабиҳа, Соҳиба, Забиҳа
Саҳифани синчиклаб ўқиди.

Тўп-тўп кўк копток,
Ҳар тўп кўк коптокда,
Биттадан катта кўк копток.

Қувондиқнинг қовун қоқоиси
Қовунчидан.

Машҳура мошхўрдани,
Маъсуда мошуврани,
Шура шўрвани шошиб шимирди.

Чумчуқ чуғурчиқни чўқимаса,
Чуғурчиқ чумчуқни чўқимайди.

Олма шохида олмахон,
Олмахонни олма Олимахон.

Олтин олмай, олқиш олган
Одам – одам.

Ўткир-ўткир ўроқда ўт ўргил.

Оқил оқ олма олди,
Оқ олмани Оқил олди.

Хумсонлик рассом Асом,
Исомнинг расмини солди.

Толиб тоғанинг тоғолчали тоғорачаси тоғда турибди.

Эркин эртаги экин экишни
Эртага эрталаб эплайди.

Ниёз пиёз арчади,
Фаёз пиёз артди.
Пиёздан Ниёзнинг кўзи
Ачидими, Фаёзними?

Совуқда товуққа товоқда
Бодроқ сочдим.

Бедарак бедана бедада бедор бўлди.

Турсунда тўртта тўр қоп
Унсинда битта қўлқоп бор.

Тожининг тождор хўрози
Гултожихўроз тагида.

Жажжи жўжа жиблажибон билан жўра.

## САНАМАЛАР

Дадаму ойим,
Бор иккита синглим
Боҳодир Дилдор,
Боғчага кетар,
Санаб кўр чавдон,
Бизлар неча жон,

Ҳил-ҳил пишиб
Оқ шафтоли,
Шохда турар,
Тоқ шафтоли
Усмон тўртта ебди кеча.
Ойим менга
Берди бешта.
Қани топ-чи,
Бари нечта?

Онам берди помидор
Ишонмасанг санаб кўр.
Иқ биқ
Сен чик.
Чумчуқ учди, жарга тушди.
Иқ биқ
Сен чик.

Лола, ҳой Лола,
Ангишвона,
Дўппи кийган қиз
Маҳмадона.

Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак,
Қоши, кўзи қийилган,
Гулноранинг ўзи керак.

Бир, икки, олма дики
Сафар ойи сариқ чумчуқ
Боғда турмай тез учиб чиқ
Бир, икки, олма дики,
Сариқ чумчук, уйга кирди,
Сен тезроқ чиқ.

Йиғлама қизча, йиғлама,
Сени ҳеч ким олмайди.
«Победага» солмайди,
Бир, икки, уч, тўрт,
Беш, олти, етти, олиб кетти!
Азиз кўчага чиқди,
Араваси бузилди.
Унга нечта мих керак?

Бир, икки, уч, тўрт,
Беш, олти, етти - кетти.
Ғужум-ғужум помидор,
Ойим берган помидор,
Қани санаб кўрай-чи?
Бир, икки, уч, тўрт,
Беш, олти, етти - кетти.
Чумчуқ, учди, жарга тушди,
Илюнмасанг санаб
Бир, икки, уч, турт,
Беш, олти, етти - кетти.
Олма думалаб кетди,
Қаққа думалаб кетди?
Боққа думалаб кетди.

Бир, икки, у...ўн икки,
Ўн икки деб ким айтди?
Бабала кучук ўлсин
Боласи бизга қолсин!
Бир, икки, уч, тўрт,
Беш, олти...ўн олти
Ўн олти деб ким айтди?
Оппок, кучукча айтди.

Оппа-оппа
Ҳалима хоппа
Тилло-милло,
Тилла-пилла...ҳой!
Поезд ўтдими,
Ҳалима холам ўтдими?
Ҳалима ҳолам келибди,
Муродига етибди,
Бир, икки. Бир икки...
Уч, тўрт, уч тўрт...беш, олти. Беш олти...
Етти. Етти.
Етаклаб кетди!
Бир, икки айлана,
Айланага кир яна.
Анқов бўлма, эй ўртоқ,
Давринг келади яна.

Бир буғдой, икки буғдой,
Уч буғдой, пуч буғдой.
Якшанба дедим, ётдим,
Душанба дедим, ётдим,
Сешанба дедим, ётдим,
Чоршанба дедим, ётдим,
Пайшанба дедим, ётдим,
Ва жума дедим, ётдим,
Ҳамма ясаниб чиқди,
Мен хумга кириб ётдим.

Бир, икки, уч,
Учдан қолган пуч,
Агар билган бўлсанг,
Сен жойингдан кеч!

Бир дон, икки дон,
Уч дон, тўрт дон
Беш дон, олти дон,
Етти дон, саккиз дон,
Тўққиз дон, ўн қоп
Гўнг қоп.

Бир анор, икки анор,
Уч анор-учгинасан.
Тўрт анор-тўртгинасан,
Беш анор - чамбарада
Олтинчиси омборда...
Алагай-палагай,
Учди-ю, кетди.
Бир, икки, уч...
Пиёланинг гули,
Бу гулни ким чизган?
Лолахоннинг қўли.

Одина-бадина; ягона,
Мисли Вали жаҳона.
Жаҳон-жаҳон қизининг
Отини қўйди Фазила,
Фазиланинг отини,
Дарбозага қоқибди,
Бўри келиб ўқибди,
Чумчуқ келиб чўқибди,
Бир, икки, уч, тўрт,
Беш,олти, етти,

Етаклаб кетди!

Бирим - билак, икким - элак,
Учим - учак, тўртим - тўшак,
Бешим - бешак, олтим - ошиқ,
Еттим - елкан, саккизим - сармоғим,
Тўққизим - тўқмоғим,
Ўним - ўймогим,
Ўн бирим - ўн боғим!

## ЧОРЛАШМАЛАР

Баче, баче, бози,
Кимни қора кўзи,
Ким ўйингга тушмасса,
Бўйнига тош-тарозу.

Токчага буғдой сепувдим,
Ундимикин-о, ундимикин,
Машраббой уйдан чиқмайди,
Ётдимикан-о, ётдимикан?
Томда товуқ ётарми,
Оёғингдан тортарми?
Ўйин ёқмас болалар
Номозшомда қотарми?

Ашула, шула, шула,
Қозонда пишди шовла.
Келинг, қўшиқ айтайлик,
Жўр бўлишиб бир йўла.

Бизлар ўйнаяпмиз,
Давра қураяпмиз.
Даврага келинглар,
Сизлар ҳам қўшилинглар,
Бу даврани қурган
Гулнорани кўринглар.

Ҳой болалар, болалар,
Бекинмачоқ ўйнаймиз.
Тарқалишманг ҳар томон,
Қочиб нима қиласиз?
Дўст, оталар қўйди мани,
Дўст, болалар кўрди мани.
Ўйнамоққа, кулмоққа,
Хумор-хумор қилди мани.

Саримсоқ, димоқ чоқ
Ўйинга кел-кел ўртоқ.
Кун ботди, ойижон, момо ётди
Ётиши билан уйғонмай қотди.

Кун ботди-ю, кун ботди,
Раҳима хола ётди,
Ётди-ю - қотди

## ҚИҚИЛЛАМАЛАР.

Каччи-качи дона,
Думала дугона.
Тўрга ўтинг тўралар,
Паловни енг жўралар.

Эчки келади маъраб,
Ўз эгасига қараб.

Атта-матта,
Санми катта.

## АЙТИШУВЛАР

«Ашула, шула-шула»,
- Ашула шула-шула,
- Чинни товоқда шовла,
- Шовлани кимга бердинг?
- Катта холамга бердим.
- Холанг нима туғибди?
- Эгизаклар туғибди
- Отини нима қўйибди?
- Тоҳир, Зуҳра қўйибди.

## ЧЕКЛАШМАЧОҚЛАР.

- Она, она, ким она?
- Мен она (биз она).
- Сизга осмондаги ой керакми?
Кишнаб турган той керакми?
Кишнаб турган той менман.
Ўт, биздан экансан!
Биз икки гулу-лола,
Кимга гул, кимга лола?

Мати, мати, кимнинг навбати?
- Меники (онабошлардан бири).

Тарвузни оласанми? ё қовунни?
Она бола, она боши, - Йигитларнинг қалам қоши.
- Кимни оласан - Товукними, хўрозними?

Кимга олма, кимга нок?
Кимга от, кимга арава?
Кимга офтоб, кимга юлдуз?
Дарахтми, гул? Олчами, гилос?

## ЯРАШТИРГИЧЛАР.

Каримага бердим тойчоқ,
У олавермади ҳар чоқ.
Тойчоғим ким олса,
Мен у билан чин ўртоқ.

Ялинчиқ-ялинмачоқ,
Писта пўчоқ.
Қиличми, тўқмоқ, қирқ йилгача ўртоқ,
Тўқмоқ - тўқсон йилгача ўртоқ

## АЙТИШМА ЎЙИНЛАР.

- Биз бояги ҳовлида,
Бўлиб тарафма-тараф.
Навбат билан айтишдик,
Тараф-тарафга қараб.
Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак?
Бизга керак боғчадан,
Энг одобли қиз Дурдона.
Оқ теракми, кўк терак,
Бизга Дурдона керак!
- Ок, теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак?
- Сайраб турган дил керак!
- Дилларнинг қайси бири
- Гулчеҳрахон ўткири.
Соҳибжамол уйдан чиқса:
Ҳаммани қаратади.
Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак?
- Жилмайибгина турган
Қоракўз Зумрад керак!
Ўйнаб-ўйнаб куйлаймиз,
- Куйлаб-куйлаб ўйнаймиз.
Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак?
Эркин қўзичоқ керак!
Ола-була капалак
Орқа сочи жамалак.
Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак?
Бизга кулиб турган
Барно қиз керак

## «ХОЛАМ КЕЛДИ»

- Ойи, ойи, ҳолам келди.
- Мана-мана.
- Эсонмисиз, омонмисиз?
Қопга тиққан сомонмисиз?
Орқа бошингиз оловдай

Дамлаб қўйган паловдай.

**«Оқ шоли, кўк шоли».**

- Оқ шоли, кўк шоли,
- Оқ шолини оқлайлик!

Кўк шолини кўклайлик!
Гуручидан Ойхоннинг
Тўй кунида сақлайлик!
- Хўп-п
- Хўп-п

**«МАШИНА»**

Авазхоннинг уйига,
Унинг суннат тўйига
Биз келтирдик машина,
Баландлиги мана бунақа,
Торлиги мана бунақ
Катталиги кундай,
Қани, ўйнагин-чи бундай,
Ўйнаб бер, ўйнаб бер.
Хоҳлаганингни танлаб бер.

**«ЛОЛАГУЛ»**

Болалар давраси. Бири ўртада. Бошқаси совға узаётгандай қўлини давра ўртасидаги болага чўзганича:

Шаҳзоданинг уйига,
Шу туғилган кунига
Биз келтирдик «лолагул»,
Лолагул, лолагул.
- Баландлиги уч метр!
- Эни мана бундай!
- Бўйи мана бундай!
- Гўзаллиги кундай!
- Қани, ўйнанг-чи бундай
- Ҳе- ўйна, ўйна, ўйна-е
- Гулни чакканга

**ТОПИШМОҚЛАР.**

Бир парча патир. Оламга татир
(Ой)

Тўртдир унинг оёғи,
Темир михли туёғи,
Манзилга етиштирар,
Тошдан қаттиқ туёғи.
(От)

Ўтириши тойлоқдай,
Ўт ейиши йилқидай.
(Чигиртка)

Келиб оғзин очар, тишлаб қочар.
(Омбир)

Ғит-ғит дейди, ишлайди,
Ерга кукун ташлайди.
(Арра)

Куш эмас қаноти бор.
Чиройли савлати бор,
Учса лочин етолмас,
Толмас зўр қуввати бор.
(Тайёра)

Асалдан ширин,
Заҳардан аччиқ
Бировни сўлдирар,
Бировни куйдирар.
(Тил)

Дум-думалоқ.
(Кором)

Том устида пиёла,
Атрофида гул-лола.
(Ой ва юлдузлар)

Жони йўқ юради,
Жўякларни оралаб,
Уйчасини момиққа,
Тўлдиради саралаб.
(Пахта териш машинаси)
Чор қулоқ,
Чандир қулоқ,
Чор қулоғи,
Шалпанг қулоқ.
(Қозон)

Ғоқ-ғок-ғоқ,
Димоғи чоқ,
Сувда сузиб юраман,
Куп кайфлар сураман.
(Ғоз)

Қатор-қатор тош тердим,
Жайрон отни бўш қўйдим.
(Тиш ва тил)

Гули тўртта ярим ой,
Бошгинамдан олар жой.
(Дуппи)

Кичкина декча,
Ичи тўла михча.
(Анор)
Қиздирсанг ишлар,
Кийим текислар.
(Дазмол)
Қордай оппоқ,
Қордай юмшоқ.
(Пахта)

Бирлаштириб кийимни,
Иссиқ тутади сизни.
( Тугма)

Ўзим силлиқ таёқман,
Кексаларга ёқаман.
(Хасса)

Тунда кўриб чўғ дейсан,
Тонгда кўриб йуқ дейсан.
(Юлдуз)

## «ШЕЪРЛАР»

Эркин Воҳидов

### Қарағай

Бўйин чўзиб
Қарағай,
Ён- атрофга
Қарағай.
Дер у:
Барча дарахтдан
Баланд аканг-
Қарағай.

### ОЛМА

Мен сизларнинг
Олмангиз,
Хомлигимда
Олмангиз,

### МАЖНУНТОЛ

Бошим эгик,
Мажнунтол,
Мажнунтолман,
Мажнунтол.
Дам олсангиз
Соямда,
Мен қизлардан
Мамнун тол.

### ШАФТОЛИ

Сарик оқ
Шафтолиман,
Зарғалдоқ,
Шафтолиман

Нортожига
Ўхшаб сўнг
Вой қорним, деб
Қолмангиз!

Ўлтирмайман,
Мақтанчоқ
Шафтолиман.

**НАШВАТИ**

Мени дерлар
Нашвати,
Шарбатларнинг
Шарбати,
Мазаларнинг
Мазаси,
Лаззатларнинг
Лаззати.

**ТЕРАК**

Мен теракман
Теракман,
Мен ҳаммага керакман.
Осмон менинг
Елкамда.
Мен оламга
Тиргакман.

**ГИЛОС**

Мен гилосман
Кулоқ сол,
Рангим олу
Тотим бол
Топсанг
Қўшалоғимни,
Қулоғинга
Тақиб ол.

**ЎРИК**

Қантак ўрик
Оти бор,
Хўп мазали
Тотим бор
Мағизмга беркитган
Қантим бор,
Новвотим бор.

**Ринолалия камчилиги бор болалар билан логоритмик машғулот олиб бориш.**

Ринолалияда овознинг патологик манкаланишини бартаф этишда кулланилаётган усулларнинг хилма-хиллигига карамай, катта кийинчилик тугдиради. Бу кийинчилик биринчи навбатда нуксоннинг огирлиги ва хар доим хам етарли даражадаги анатомик ва функционал самарадорликни бермайдиган хирургик аралашувни характери билан белгиланади. Овоз тембрини тиклаш танглайнинг тугма ёругликларда овоз хосил булиш механизмини азият чекиши билан мураккаблашади, кайсики юмшок танглайнинг инервацияси овоз бурмаларининг фаолиятига таъсир килади. Коррекцион иш овоз ва нутк хосил булишининг бутун тизимга таъсир килишини талаб килади. Танглай ёрукларига эга болаларни патофизиологик урганиш уларда нафас олиш, фонация ва артикуляциядаги узига хос хусусиятларни аниклаб, нутк структураси хакидаги тасаввуримизни кенгайтириб, логопедик ишнинг бир мунча максадга каратилган методларини танлаш имкониятини берди. Уз вактида утказилган профилактик ва комплекс коррекцион тадбирлар алохида ахамият касб этади. Чунки факат уларгина нуксоннинг ривожланишини сусайтириб, танглайни тугма нуксонларига эга шахсларни ижтимоий реобелитация килиш имкониятларини ярата олшлари мумкин.

Машкларни уз вактида олиб бориш, вактида эътибор берилган беморларда камчиликлар бартарф этилиши осон кечади. Улар Билан логоритмик иш куйидаги тартибда олиб борилади:

- юз мимик харакатларини ривожлантирувчи машклар – «Биз лимон еяпмиз», «Мураббо еймиз» каби ;

- умумий харакатларни ривожлантирувчи (моторика) машклар, умумий моторикани ривожлантириш учун турли хил харакатли уйинлар олинади;

- нутк харакатларини ривожлантирувчи (моторика) турли артикуляцион машклар, танглай харакатчанлигини оширувчи машклардан йутал харакати, ютиш, куйловчи уйинларни олиш мумкин ;

Фойдаланилаётган кушик унли товушлардан иборат булиши керак, масалан – Поезд кичкирмокда – у-у-у; Урмонда адашшиб колдик ау-ау-ау; Чаколок йиглаяпти – уа- уа-уа;

Ринолаликларда логоритмик машгулот шух мусика остида олиб борилса максадга мувофикдир. Болалар юриш машкини бажариётганда холати куйидагича булиши керак: боши баланд кутарилган,елкалар тика, кадам ташлаганда оёк в акул харакатлари бир – бирига мутаносиб холда. Юриш машкини турли куринишларидан фойдаланиш керак (калонна булиб, бир катор, кетма-кет). умумий ва нуткий маторика бузилишларининг механизмларини билиш, ҳамда боланинг шахсий ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.Артикуляцион машклар худи дислалиядаги каби бажартирилади.

Дизартрик болалар билан олиб бориладиган логопедик иш дизартриянинг барча шаклларида нутк бузилиши, умумий ва нуткий маторика бузилишларининг механизмларини билиш, ҳамда боланинг шахсий ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Нуткгача булган даврда олиб бориладиган коррекцион-педагогик ишларнинг асосий максади бола нуткининг ва шахсини уз вактида шакллантиришни таминловчи ривожлантиришдан иборат.

Коррекцион-педагогик иш махсус жиҳозланган хонада ҳар куни индувидуал равишда олиб борилиши лозим. Машгулот вактида ќар бир боланинг индивидуал хусусиятини ќисобга олган ќолда гавданинг ќолати керакли холат буйича жойлаштирилади. Бу ќолат албатта бола учун кулай шу билан бирга патологик тоник рефлексни минимал равишда юзага чикишни таъминлаши ќам зарур.

Коррекцион-педагогик ишларнинг асосий йуналиши булиб куйидагилар ќисобланади:

а) диференциялашган жойли укалаш;

б)артикуляцион машклар оркали артикуляцион органларнинг функциясини нормал ќолатга келтириш;

в) куриб ва эшитиб кабул килишни ривожлантириш;

г) эмоционал таъсирларни ривожлантириш;

д) кул харакатлари ва буюмлар билан ишлаш фаолиятини ривожлантириш;

е) нуткни тушунишни ривожлантирувчи тайёрлов даврини шакллантириш;

ё) фаол нуткни шакллантирувчи таёрлов даврини ривожлантириш.

Бу йуналишлар боланинг ёшига ва унинг индивидуал ривожланиши холатига боглик холда узгартирилиши мумкин.

Коррекцион-педагогик ишларнинг олиб борилиши нуткгача булган даврнинг ривожланишининг турт даражаси боскичлари буйича амалга оширилади.

Нуткгача булган даврнинг ривожланишининг биринчи даражасида олиб бориладигин коррекцион-педагогок ишларнинг асосий вазифаси-бу овозли реакцияларнинг стимуляциясидир.

Олиб бориладиган ишларнинг асосий йуналиши куйидагилардан иборат:

-артикуляцион аппарат мускуллари ва тонусини норма даражага келтириш;

-нафас чикаришни вокализацияси;

-овозли компонентлар билан биргаликла «жонланиш мажмуи»ни ривожлантириш;

-овозли реакцияларни стимуляцияси;

-куриш фиксацияси ва кузатишни ривожлантириш;

-кулок солиб эшитишни ривожлантириш;

-кул ва бармоклар харакатини норма даражасига келтириш, чунки бу курув-мотор координациясини шакллантиришга ёрдам беради.

Машгулотлар болалар билан индивидуал ќолда овкатлантиришдан олдин ва кейин олиб борилади. Машгулот 7-10 минутгача давом этиши мумкин. Ќар бир машгулот оналар иштирокида утказилиши лозим. Чунки она коррекцион-педагогок иш усулларини куриши, урганиши ва мустаќкамлаш максадида узи утказиши керак.

Нуткгача булган даврнинг иккинчи даражасида олиб бориладиган коррекцион педагогик ишларнинг асосий вазифаси бу гугулашни кучайтиришдан иборат.

Коррекцион-педагогик ишнинг асосий йуналишлари:

-артикуляцион аппарат мускуллар тонуси ва харакатини норма даражасига келтириш;

-нафас чикариш ќажмини ва кучини кенгайтириш;

-кузатиш куникмасини тургунлигини ривожлантириш;

-атрофдан келаётган овозни кайси томондан келаётганини топиш куникмаларини шакллантириш;

-буюмларни ушлаб туриш вазифасини ривожлантириш.

Олиб борилаётган машгулотлар индивидуал тарзда булиб, 10-15 минутдан чузилмаслиги зарур. Машгулотлар махсус жиҳозланган, ёруг ва илик ќоналарда олиб борилади. Машгулотлар боланинг уйку ва овкатлантиришдан олдинги ва кейинги соатлари ажратилади. Машклар логопед режаси асосида кун давомида оналар ёки тиббий ќодимлар томонидан давом эттирилади.

Нуткгача булган даврнинг ривожланишидаги 3-даражасида олиб бориладиган коррекцион-педагогик ишларнинг асосий вазифаси интонациялашган овозли мулокот ва гулдирашни кучайтириш.

Коррекцион-педогогик ишларнинг асосий йуналишлари:

**-артикуляцион аппарат мускуллар тонусининг ва моторикасини норма даражасига келтириш;**

-бола ќаракатлари ва нафаснинг бир меъёрда булишини таъминлаш;

-гулдирашни кучайтириш;

-машгулотларга ижобий эмоционал муносабатларни шакллантириш;

-курув дифференциясини шакллантириш;

-бармоклар оркали пайпаслаш асосида кинестетик сезишни кучайтириш ва ривожлантириш;

-товуш ва овозга булган акустик установкасини ишлаб чикиш;

-эшитиш дифференциясини шакллантириш;

-нуткни тушунишнинг тайёрлов даврини шакллантириш.

Логопедик машгулотлар индивидуал равишда хар куни олиб борилади. Машгулотлар 20 минутдан ошмаслиги лозим. Логопедик машгулотлар махсус мебеллар ва керакли уйинчоклар билан жиҳозланган хоналарда утказилади.

Нуткгача булган даврнинг 4 даражасида олиб бориладиган коррекцион-педагогик ишларнинг асосий максади бу-интонацион товушлар, гулдирашли сузлар оркали катталар билан мулокотга киришишни ривожлантиришдир.

Коррекцион-педагогик ишларнинг асосий максади ва йуналишлари:

-артикуляцион аппарат мускуллар тонуси ва моторикасини нормаллаштириш;

-нафас чикаришнинг давомийлиги ва кучини кучайтириш;

-кул ќаракати ва дифференциаллашган кул бармоклар ќаракатини ривожлантириш;

-аник вазиятларда нуткий инструкцияларни тушунишни шакллантириш.

Машгулотлар логопедик хонада утказилади. Машгулотларда болага кулай ќолат танланади.

Машгулотлар муваффакиятли утиши учун болада машгулотга ва логопедга ижобий муносабатни уйготиш муќим факторлардан бири ќисобланади. Боланинг фаоллигини ривожлантириш учун унинг ёшига мос уйинчок танланиши лозим. Бу даражага кирувчи болалар уларга каратилган нуткни тушунганликлари учун, бола узи мустакил берилган топширикни бажарилишига эътибор бериши керак.

Дизартрияни бартараф этиш буйича олиб бориладиган логопедик таъсир тизими комплекс равишда амалга оширилади, яъни артикуляцион аппарат массажи ва гимнастик машклари, овоз ва нафас устида ишлаш, умумий даволаш, даволовчи жисмоний-тарбия, физиотерапия ва дори-дармонлар билан даволаш ишлари.

**Таянч тушунчалар.**

**1.** Адаптация - (лотинча adaptatio) - мослашмоқ.

2. Коррекция - (лотинча corregere) - тўғрилаш. Камчиликларни тўғрилаш.
3. Компенсация - (лотинча compenso) мувофиклаштирмок.
4. Реабилитация - (лотинча rehabilitatio) - касал организмни тикланиши.
5. Дизартрия («диз»+ грекча «arthroo»товушларни сузлардаги бирикиши) - ишни бузилиши.
6. Прогнатия («про»+ грекча «gnathos») - юқори жағ.
7. Прогения («про»+ грекча «genys») - пастки жағ.
8. Ринолалия (грекча rhis (rhinos) - бурун, lalio - нутқ) – бурунли.

**Текшириш саволлари.**

1. Товуш талаффузи бузилган болалар Билан логоритмик иш кандай олиб борилади?
2. Товушлар талаффузини коррекциялаш учун нутқий ўйинлар ва машқларга мисоллар келтиринг?
3. Ринолалик болалар билан олиб бориладиган мусиқали-ритмик машғулотларкай тарзда олиб ьорилади?
4. Дизартрияни бартарф этишда олиб бориладиган коррекцион – педагогик ишлар кандай олиб борилади?
5. Нуткни шакллантиришда кулланиладиган айтишмаларга мисоллар келтиринг.
6. Болалар нуткининг ривожланишида шеър, макол, топишмок ва бармок машкларининг роли кандай?

**Адабиётлар**


1. Логопедия (под.ред. Л.С.Волковой) М., Просвеҳение, 1989.
2. Логопедия (Л.Муминова, М. Аюпова) Т., 1993 й.
3. Л.Муминова Нутқи тўлиқ ривожланмаган мактабгача ёшдаги болалар Нутқини логопедик текшириш бўйича методик йўлланма. Т., 1989 й.
4. Основы теории и практики логопедии (под.ред. Р.Е.Левиной) - М., 1968 г.

Мустакил иш топшириклари: Артикуляцион моторика ва умумий моторикага таълукли маклар намунаси ёзиб келиш.

5. Логопедическая ритмика (учебно-методическое пособие для логопедов спец.дет. садов) Тошкент – 2006.Э. Н. Назарова, Ш. БолтаеваД. Нуркелдиева


## Мавзу: Дудуқланишни бартараф этишдаги комплекс психолого-педагогик иш тизимидаги ва тиббий тадбирлардаги логопедик ритмика.

**Режа:**

1. Дудуқланиш тарихи. Дудуқланишни юзага келиш сабаблари. Этиологияси.
2. Мактабгача ёшдаги дудуқланувчи болаларнинг нутқи, хулқи ва моторикасини турли иш босқичларида логопедик ритмика воситалари билан коррекциялаш.
3. Машқлар, ўйин турларнинг классификацияси, тавсифи.

Дудуқланиш – бу нутқ аппарат мускулларининг тортишиши натижасида нутқнинг темп, ритм ва равонлигининг бузилишидир.

Дудуқланиш бошқа нутқ бузилишлари ичида энг қадимий тарихга эга бўлган нутқ бузилишидир. Унинг моҳияти намоён бўлиши, сабаблари ҳақида қадимги даврлардан турлича талқин этишлар мавжуддир.

**Гиппократ** (эрамиздан аввал) дудуқланишни кўпроқ бош мияда намликни тўпланиб қолиши деб кўрсатса, **Аристотель** артикуляцион аппарат қисмларининг ўзаро нотўғри муносабати билан боғлиқ ҳолдаги касаллик деб қараган.

**Гален, Цельс ва Ибн Синолар** – дудуқланиш пайтида нутқ аппаратининг марказий ёки переферик бўлимларида бузилиш бўлиш мумкинлигини эътироф этадилар.

XVII-XVIII асрларда **дудуқланиш** ташқи нутқ аппаратининг етарли даражада ривожланмаганлиги натижасидир деб кўрсатадилар.

**Санторим –** дудуқланиш қаттиқ танглайнинг ёрилган пайтида вужудга келади ва гўё шу ёриқ орқали тилга суюқлик тушади бу нутқни қийинлаштиради.

**Вутцер** – эса буни пастки жағнинг нотўғри тузилиши яъни чуқурлиги дудуқланишга сабаб бўлади деб кўрсатса.

**Эрве-де-Шегуан** эса – тилнинг узун бўлиши, тилнинг тил юганчасига ниҳоятда зич ёпишиб туриши билан боғлайди.

**Арнот, Шульте** дудуқланишни нутқ аъзолари ҳаракатининг бузилиши неатижасидир деб кўрсатадилар.

**Коккераль –** ҳаддан ташқари тез нафас чиқариш;

**Итар, Ли, Диффенбах –** тил мускулларини статик қисқариши;

**Блюме –** тафаккур ва нутқ жараёнининг номувофиқлигида деб кўрсатадилар.

Тадқиқотчиларнинг бир қисми эса дудуқланишни руҳий жараёнлардаги бузилишлар билан боғлайдилар. Масалан: **Блюменнинг фикрига кўра;** дудуқланиш шундай пайдо бўладики, киши тез фикрлайди, натижада нутқ аъзолари тўлиқ ҳаракатга келишга улгурмайди шу боис дудуқланади ёки аксинча, нутқий ҳаракатлар «фикрлаш жараёнидан ўзиб кетади». Натижада нутқ аппарати мускуллари ана шу номувофиқликни тўғрилашга ҳаракат қилиб, «чангак бўлиб қолиш сингари» ҳолатга келади.

XIX аср бошларида француз тадқиқотчилари дудуқланишни нутқ аппаратининг переферик ва марказий бўлимлардаги бузилишлар билан боғлайдилар. Жумладан врач **Вуазен** (1821) дудуқланиш механизмини **марказий** асаб системаси фаолияти билан боғлайди.

Врач Дело (1929) дудуқланишни товуш талаффузининг бузилиб чиқиши, нутқ аппаратининг органик бузилиши ёки бош миядаги органик бузилишлар деб кўрсатади.

Россияда И.А.Сикорский (1889), Э.Андрес (1894) дудуқланишни функционал бузилишларга боғлайдилар.

Шундай қилиб, XIX аср бошларида дудуқланиш бу мураккаб психик бузилишдир, деган фикрга келина бошланди. Айримларнинг эътирофига кўра, унинг асосида **физиологик** харакатердаги бузилиш ётади, **руҳий бузилишлар** эса иккиламчи характерга эга. (А.Гутцман 1879, А.Кусмауль 1978, И.А.Сикорский 1889 ва бошқалар).

Бошқалар **руҳий** жиҳатларни бирламчи, физиологик кўринишларни эса руҳий бузилишларнинг оқибати деб ҳисоблайди. (А.Коэн – 1878, Коменко 1900).

XX асрнинг 30 ва 50-60 йилларида дудуқланиш механизмини **И.П.Павловнинг** инсон олий нерв фаолияти ва қисман невроз механизми ҳақидаги таълимотларига суянган ҳолда кўриб чиқа бошлашди. Бунда айрим тадқиқотчилар дудуқланишни **невроз аломати** тарзида (Ю.А.Флоренская), бошқалар – унинг **алоҳида формаси** сифатида (В.А.Гиляровский, М.Б.Хватцев, И.П.Тяпугин, С.С.Ляпидевский) талқин қилдилар.

Иккала ҳолатда ҳам дудуқланиши бу мураккаб ва турлича механизмлари невроз механизмлари ривожланиши учун ягонадир. Дудуқланиш бошқа неврозлар каби қўзғалиш, тормозланиш ва патологик шартли рефлекснинг шаклланиш жараёнларидаги зўриқишни келтириб чиқарадиган турли сабаблар натижасида пайдо бўлади. Дудуқланиш бу айрим белгилар ҳам, белгилар йиғиндиси ҳам эмас, балки марказий нерв системасининг бузилишидир.

XX аср бошларидаги дудуқланишни тушунишдаги турли фикрларини 3 назарий йўналишга ажратиш мумкин.

**1.** Дудуқланиш нутқ марказларини мувофиқлаштирувчи аппаратнинг қўзғалувчанлигини заифлашуви оқибатида содир бўладиган координацион невроздир.

Булар Г.Гутцман, И.А.Куссмаул кейинчалик И.А.Сикорскийнинг илмий ишларида жуда ажойиб ифодаланган. Кейинчалик улар дудуқланиш бу – пай тортишга ўхшаш спазмалардир деб тушунтиришди.

**2.** Дудуқланиш – руҳий характердаги ассоциатив бузилишдир. Бу йўналиш Т.Бефнер ва Э.Фрешельс томонидан олға сурилган.

**3.** Дудуқланиш руҳий жароҳатланишда атроф-муҳит билан бўладиган турли зиддиятлар натижасидир.

А.Адлер, Шнейдер бу назария тарафдорлари эдилар.

**Е.Пишон** органик дудуқланишнинг иккита формасини ажратади:

**Биринчиси** – мия қобиғи афазияси кўринишида, бунда ассоциатив толалар системаси бузилади ва ички нутқ издан чиқади.

**Иккинчиси** – нутқнинг дизартрия кўринишидаги ўзига хос нотўкис ҳаракатини акс эттиради ва қобиқ ости тузилишининг шикастланиши билан боғланади.

Органик дудуқланиш муаммоси ҳозирги даврга қадар ҳал этилмаган. Айрим тадқиқотчиларнинг тахминига кўра, дудуқланиш умуман марказий нерв системасининг органик касалланиш турига киради ва мия озиқланишидаги бузилиш тўғридан-тўғри миянинг нутқ бўлимига ёки у билан алоқадор системага таъсир этади (В.Лев 1947, Э.Гард 1957, С.Скмоил ва В.Ледезич 1967).

Дудуқланиш патогенезини ўрганган кўпгина муаллифлар дудуқланувчи кишиларда турли хил вегетатив ўзгаришлар бўлишини айтишади. Масалан, М.Зееман ҳисобига кўра, 84 % дудуқланувчи кишиларда вегетатив дистония бор.

Вегетатив асаб системасининг оғир бузилиш ҳолларида хусусан дудуқланиш иккинчи планга кўчади, қўрқув, ҳаяжонланиш, ваҳима юз беради. Кишида титрашга, терлашга, қизаришга мойиллик пайдо бўлади. Болаларда (дудуқланувчи) уйқунинг бузилиши, уйқуда чўчиб тушиш нотинч, юзаки уйқулар, тунги ваҳимага тушишлар кузатилади. Машғулот пайтларида дудуқланувчиларда бир мақсадга киритилган диққат ва қатъиятлик тез-тез йўқолиб туради. Улар ўз имкониятларига, эришган натижаларига етарлича баҳо бермайдилар, чунки нутқнинг яхшиланиши уларнинг умумий кайфиятини кам миқдорда енгиллаштиради.

70-йилларда психиатрияда невротик ва неврозга ўхшаш бузилишларни ажратиш учун тиббий маъёрлар таклиф этилган эди. Бунда дудуқланишни ҳам невротик, ҳам неврозга ўхшаш шаклларга ажратишга мойиллик аниқланди (Н.М.Асатиани, Б.З.Драпкин, Л.И.Белякова ва бошқалар).

Ҳозирги даврга қадар тадқиқотчилар дудуқланиш механизмини нафақат тиббий ва физиологик жиҳатдан, балки нейрофизиологик, психологик, психолингвистик нуқтаи назардан ҳам ўрганишга уринишмоқда.

Нутқ фаолиятини ташкил этишда дудуқланишни **нейрофизиологик** жиҳатдан текширилиши қизиқиш уйғотаётир (И.В.Данилов, И.М.Черепанов, 1970). Мавжуд тадқиқотлар шуни кўрсатадики, нутқ вақтида дудуқланувчиларда доминант (чап) яримшар ўнг яримшарларга нисбатан ўзининг етакчилик вазифасини тўлиқ маънода бажара олмайди. Дудуқланишнинг нутқ талаффузидаги қандайдир доминантлик билан ўзаро муносабати ҳақидаги қоидани В.М. Шкловский маълумотлари тасдиқлайди.

Дудуқланиш муаммоларини **руҳшунослик** борасида ишлаб чиқиш дудуқланиш генезисини очиш, дудуқланувчиларнинг коммуникация жараёнидаги ҳатти-ҳаракатларини тушуниш, уларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини аниқлаш учун унинг муаммоларини психологик нуқтаи назардан ишлаб чиқиш долзарб масалаларидандир. Дудуқланувчиларнинг диққат-эътибори, хотираси, тафаккури, руҳий ҳаракатини ўрганиш шуни кўрсатадики, уларда руҳий фаолият тузилиши, унинг ўз-ўзини мувофиқлаштириш жараёни ўзгарган. Улар юқори даражада автоматлаштирилишини (хусусан фаолиятга тезда киришишни) талаб қиладиган фаолиятни ёмон ўтайдилар, лекин ихтиёрий бажарилиш биланоқ дудуқланувчи ва соғлом киши орасидаги самарадорлик фарқи йўқолади.

Руҳий ҳаракат фаолияти бундан мустаснодир: агар соғлом болаларда руҳий ҳаракатлар маълум миқдорда автоматик тарзда содир ўлса ва ихтиёрий мувофиқлашувини талаб қилмаса, бу ҳолда мувофиқлаштириш дудуқланувчилар учун эркин назоратни талаб қиладиган мураккаб вазифадан иборат бўлади.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, дудуқланувчилар нуқсонсиз сўзловчиларга нисбатан руҳий жараёнларнинг ўта фаолиятсизлиги билан фарқ қиладилар.

Дудуқланувчиларнинг шахсий хусусиятларини ҳам тиббий кузатишлар ёрдамида, ҳам тажриба психологик методикаларни қўлланиш билан текшириш самаралидир. Улар ёрдамида ҳавотирли бадгумонлик хусусияти, гумонсираш, ишончсизлик, одамовилик, руҳий тушкунликка мойиллик, нуқсонга нисбатан бефарқлик кабилар аниқланади.

Дудуқланиш механизмларини **психолингвистик** нуқтаи назардан кўриб чиқиш ҳам эътиборга моликдир. Ўрганишнинг бу жиҳати дудуқланувчи нутқ талаффузининг қайси палласида мускуллар тортишуви юзага келишини аниқлашни тақозо қилади.

Нутқ коммуникацияларининг қуйидаги босқичлари ажратилади:

**1.** Нутққа (гапиришга) эҳтиёжнинг борлиги ёки коммуникатив мақсад;

**2.** Баён қилиш фикрининг ички нутқда туғилиши;

**3.** Баён қилишнинг товуш орқали бажарилиши.

И.Ю.Аблеева фикрига кўра, дудуқланиш сўзловчида коммуникатив мақсад, тутилмай гапириш имконияти бўлгани ҳолда, унинг нутққа ҳозирлик кўрган пайтида юзага келади.

Дудуқланиш муаммосига нисбатан турли нуқтаи назарларни кўриб чиқиб, дудуқланишнинг пайдо бўлиш механизмлари бир хил эмас, деган асосий хулосага келиш мумкин.

## Дудуқланишни юзага келиш сабаблари. Этиологияси.

Дудуқланиш этиологик сабабларига кўра икки типга фарқланади:

1. Эволюцион дудуқланиш. Марказий ва периферик нерв тизими нутқий механизмларини органик бузилишлари мавжуд бўлмаган, ёйиқ нутқ формаси шаклланаётган, икки ёшдан 5 ёшгача бўлган даврда юзага чиқади.

2. Симптоматик дудуқланиш марказий нерв тизимни органик бузилишлари фонида (асосан, катталарда) юзага келади. (бош мия травмалари, нейроинфекция қон-томирларни шикастланиши). Бир қатор олимлар, дудуқланиш биологик, психологик, ижтимоий омилларга боғлиқ деб ҳисоблайдилар.

Асосийларини кўриб чиқамиз:

1. **Биологик омиллар.**

1. бола ривожланиши билан боғлиқ, дудуқланишга мойиллик;
2. 2-5 ёшли болаларда нутқий функцияли бузилишга боғлиқ, марказий нерв тизимини ривожланиши индивидуал хусусиятлари;
3. эрта нутқий ривожланиши;

4. нутқни тўлиқ ривожланмаганлиги (ўз фикрини баён этиш учун луғат бойлиги ва грамматик воситалар етишмаслиги);
5. чапқўлликни тарбиялаш (33 % болаларда қайта тарбияланган чапқўлликка дудуқланишни ривожлантиради);
6. жинсий деформизм (ўғил болаларда қизларга нисбатан 4 марта кўп дудуқланиш ҳолати мавжуд).
7. марказий нерв тизимини органик касалликлари (бош мия шикастланиши ривожланишининг турли босқичларида амалга ошиши мумкин);
8. ҳомиладорликни патологик кечиши (механик, химик, эндокрен, инфекцион-шамоллаш жараёнлари);
9. туғруқ травмалари;
10. соматик мойиллик (инфекцион касалликлар, интонация, турли болалар касалликлари травмалари натижалари).

**2. Психологик омиллар.**

Дудуқланиш юзага келгунга қадар ота-оналар фарзандида ўзига ишонмаслик, қатъиятсизлик, қўрқув, уятчанлик ёки қарама-қарши сифатлар, асабий, негатив, агрессивликка мойиллик белгилари мавжудлигини таъкидлайдилар.

**3. Ижтимоий омиллар.**

Бола ривожланишига ижтимоий шарт-шароитлари ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Дудуқланиш юзага келишига тарбия шарт-шароити, яъни нотўғри тарбия жараёни сабаб бўлиши мумкин.Эркаланган бола, одатда, атрофдагилар билан фаол муносабатга киришмайди. Унинг атрофдагилар томонидан қўйилаётган паст даражали талаблар, болани ўз имкониятини ҳар томонлама намоён этишга тўсқинлик қилади, уни бошқа болаларга бўйсунишга олиб келади. Бу шароитда бола қўрқоқ, ўзига ишонмайдиган бўлиб тарбияланади.

Агар бола ота-она муҳаббати ва уни тушуришдан маҳрум бўлса ёки ҳаддан ортиқ эрта тарбияланган бўлса, мажбур қилишга реакция билан жавоб беради, баъзан қарама-қаршилик, агрессия билан таъсир кўрсатади.

Кўпинча оилада, ота-оналарни болага нисбатан, талабларни бирлиги мавжуд бўлмайди. Баъзан талабаларнинг юқори даражада қатъийлиги, баъзан паст даражада юмшоқлиги, отанинг қаттиққўллиги, онанинг қатиққўллиги, онанинг ҳаддан ортиқ эркалашлари болада икки хил ҳолат, бир вақтида нерв жараёнларини таъсирланиши ёки тормозланишга олиб келади. Бундай нервли тарбиялаш дудуқланишга сабаб бўлувчи, қўрқув (фобияли) га олиб келади.

«Намунали бола» ни тарбиялаш юқори талаб, ҳаддан ортиқ шуҳратпарастлик билан характерланади.

Бундай бола ҳар қандай муваффақиятсизликка депрессия ва қўрқув билан жавоб беради.

Бола нутқига қўйиладиган ҳаддан ортиқ талаблар: қийин мураккаб сўзларни такрорлаш бегоналар олдида шеърлар ёдлатиш, ёшига ва ривожланишига мос келмаган матнларни ўқитиш ҳам дудуқланиш ҳолати юзага келишга сабаб бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Атрофдагиларни нуқсонга муносабати дудуқланишни кечиши учун муҳим аҳамиятга эга. Ота-оналар болага дудуқланиш юзага келган даврда ёрдам бериши ва унинг нутқига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Лекин уларни кўпчилиги бола нутқини мустақил тўғриламоқчи бўлиб, уни тақлид асосида, сўзни тўғри такрорлашга мажбур қиладилар. Натижада бола нутқ нуқсонига янада диққатини жамлаб олади, дудуқланувчи ўзини нутқий муваффақиятсизлигига қанча диққат-эътиборда бўлса, уни нутқи шунчалик бузилади.

Бола дудуқлангач, ота-она у билан касал боладек мулоқотга киришадилар. Улар унга ўз ҳиссиётларини билдирадилар, аяйдилар, ҳаддан ортиқ эркалайдилар. Бола дудуқланиш унга яхши шароит бераётганини ҳис этиб, бу нуқсондан қутулишга ҳаракат қилмайди. Баъзи ота-оналар бола дудуқланиш доимий койишлар билан бартараф этишга ҳаракат қиладилар. Бола бунда ҳимоя ёки агрессив позицияни эгаллайди.

Дудуқланиш тақлид асосида юзага келиши мумкин.

Дудуқланишни юзага келишида ўткир хроник бўлган психик травмалар ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Ўткир травма – кучли, тўсатдан юзага келувчи, бир мартали психик шокдир. Бу травма қўркув ва қўрқитиш ёки ҳаддан ортиқ ҳурсандчилик эмоциялари асосида юзага келади.

Хроник травма – давомли, конфликт шароитлар билан мустаҳкамланувчи қатъий психик жараёнларнинг салбий эмоциялари асосида юзага келади. Улар оиладаги таранг психологик иқлим билан боғлиқ.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, қайд этилган омиллар болаларга уни характерли, нутқи ва шахсини шаклланиши даврида таъсир кўрсатса (4-5 ёш), бу ёшдаги энг нозик жараён, нутқ функцияси биринчи навбатма жароҳатланади.

## Дудуқланиш сиптоматикаси ва турлари

Дудуқланишнинг асосий ташқи белгиси нафас олиш, овоз ва артикуляция аппаратида нутқ пайтида титрашни юзага келишидир. Титроқ локализация (ҳосил бўлиш ўрни) ва ифода кучига кўра турлича бўлади.

Титроқнинг икки тури мавжуд, тоник ва клоник. Тоник титроқ бир неча мускул гуруҳларини (тил, халқум, диафрагма) мускул тонусини тўсатдан ортишида намоён бўлади.

Дудуқланувчининг нутқий аппарати таранглашган, оғзи кўпинча ярим очиқ ёки аксинча зич жисплашган, юзи кичик таранглашган ва товуш талаффуз этиш учун кетадиган жисмоний ҳаракат ифодаланган бўлади. Нутқда сўз боши ёки ўртасида узун тўхташлар кузатилади. (к...ровать, линей.... ка).

Клиник титроқлар – нутқий аппаратнинг мускулларини наслий, ритмик, кўп мартали қисқаришидир. Бунда дудуқланувчи ё айрим товуш, ёки бўғинни такрорлайди (к-к-к конфет).

Одатда тоник ва клоник титроқ битта дудуқланувчида бўлади, унда бунинг аралаш – клоно-тоник ёки тоно-клоник тип сифатида намоён бўлади.

Баъзи тадқиқотлар дудуқланиш давомидаги бошланғич босқичда клиник титроқ, оғирлашишига кўра тоник титроққа ўтади, деб таъкидлайдилар.

Титроқни локализацияси. Мулоқот жараёнида мускулни титроқли қисқариши нутқий аппаратнинг периферик қисмида юзага келиши мумкин. Артикуляцион, овоз, нафас олиш титроқлари ажратилади. Одатда титроқ аралаш бўлади, лекин қайсидир тур юқори туради (нафас-артикуляцион, нафас-овоз, артикуляцион-овоз).

**Нутқий титроқларни юзага келиш оғирлиги.** Дудуқланишнинг уч даражаси ажратилади: оғир, ўрта, енгил даража. Дудуқланиш бола нутқига таъсир этмаса, сезиларли бўлмаса, заиф ҳисобланади, нутқий мулоқот узун титроқлар ҳисобига тушунарсиз бўлса ва у кучли дудуқланиш саналади. Демак, енгил даражада боғланган нутқда бир-бир титроқ юзага келади. Ўрта даражада монологик ва диалогик нутқда, оғир даражада нутқнинг барча формалари дудуқланиш кузатилади. Дудуқланиш даражаси бир неча сабабларга боғлиқ бўлади. Бундан ташқари кучли даражада ўзига мос келувчи ҳаракатлар ва эмболафразия кузатилади.

Дудуқланувчида юзага келувчи ҳаракатлар, одатда дефект прогрессия ҳолатига киришганда, оғир формага ўтганида намоён бўлади. Улар бўйин, юз, тананинг мускулатурасидаги титроқли ҳаракатлар сифатида кузатилади. Бу ҳаракатлар ихтиёрий ва ихтиёрсиз ҳаракатлар сифатида тавсияланади.

Ихтиёрсиз ҳаракатлар нутқий аппаратнинг турли қисмларида юзага келиб, юз ва тананинг бошқа қисмлари иродирация қилади. Шунингдек, кўз қисми, бурун қисмини кенгайиши, бошини эгиш, ёнга буриш, бўйин мускулларни таранглаштириш, бармоқларни жипслаштириш, оёқларини тўпиллатиш ва тананинг турли ҳаракатлари юзага келиши мумкин.

Ихтиёрий ҳаракатлар ихтиёрсиз ҳаракатлар билан биргаликда намоён бўлади. Дудуқланувчи нутқий аппаратда юзага келувчи титроқларни йўқотишга ҳаракат қилиб, онгли равишда турли усулларга ёндошади: йўталади, оёғини-оёғига уради, бошини айлантиради, қулоғини ушлайди, тугмасини ўйнайди.

Дудуқланишни хроник кечишида бирга дудуқланувчилар «а», «э», «мана», «у», «она» каби сўзларни такроран кўп қўллайдилар. Бу ҳолат эмболафразия ёки эмболама деб аталади. Эмболамаларни дудуқланувчилар қийин талаффуз этилувчи товушлар олдидан қўллайдилар.

Дудуқланишни яна бир симптоми оғзаки нутқдан олдинги қўрқув ҳисобланади. Бу нутқ қўрқуви ёки логофобиялар деб аталади. Қўрқув остида дудуқланувчи товуш ва сўзларни тўғри талаффуз этолмай, дудуқланувчи англамайди.

Дудуқланишни яна бир хусусияти нафас олишни бузилишидир. Дудуқланувчида нутқий нафас олиш ритми ноаниқ қатъий эмас, эмоционал ҳолатларига кўра тез бузилади. Уларда нутқий нафас олиш бузилиши ёрқин намоён бўлади.

Дудуқланишни пайдо бўлиш товушларни фонетик тавсифига ҳам боғлиқдир. Кўпроқ жарангсиз ва портловчи ундошларни титроқ билан талаффуз этилади (асосан [п], [т], [к] товушлари). Бу товушлар бошқа товушлар билан бирга келганда титроқ кучаяди.

Титроқларни юзага келишида сўзнинг ритмик таркиби ҳам муҳим аҳамиятга эга. Улар асосан урғули ва урғу тушган товушлар олдинги бўғинлар талаффузида юзага келади ва урғусиз бўғинлар талаффуз этиш амалиётида намоён бўлмайди. Асосан титроқ сўз ёки фразанинг биринчи бўғинда юзага келади.

Дудуқланишнинг қайд этилган белгилари доимий эмас, ўзгарувчандир. Одатда, дудуқланиш махсус логопедик ёрдамсиз кучайиб боради. Бир болани ўзида дудуқланиш даражаси ўзгарувчан бўлади, бунда нутқ амалга ошаётган муҳит ҳам ўйнайди. Масалан, бола ўйинчоғи, ўртоғи, ўз-ўзи билан титроқсиз гаплашади, лекин бошқа одамлар ўртасида дудуқланади. Ўзини эркин тутувчи одамлар ўртасида бола нутқида қийинчилик юзага келмайди. Лекин нотаниш одамлар орасида бола уялади, қўрқади ва дудуқланиш кучаяди.

Нутқ ҳолати умумий жисмоний ва эмоционал фонга ҳам боғлиқдир. Дудуқланиш касаллик, чарчаш ҳолатида, ҳаракатли ўйинларда ҳаяжонланишдан ҳам кучайиши мумкин. Шунингдек, об-ҳаво, йил фасллари, ҳаёт шароити, овқатланиш билан боғлиқликда ҳам дудуқланиш ҳолатлари намоён бўлиши мумкин.

## Дудуқланиш белгилари.

Дудуқланишнинг дастлабки тўлиқ белгилари И.А.Сикорскийнинг «Дудуқланиш» (1989) номли илмий ишида кўрсатиб берилган.

Кишиларнинг турлича ёш даврларидаги дудуқланишнинг юзага келишини М.Е.Хватцев, М.Зееман, Э.Фрешельс, В.А.Гиляровский, Н.П.Тяпугин, С.С.Ляпидевский ва бошқа кўпчилик олимлар ўрганишди.

Ҳозирги даврда дудуқланишни белгилари иккита гуруҳга ажратилади:

1. Биологик (физиологик).
2. Социал (психологик).

**Физиологик** белгиларга нутқнинг ҳосил бўлишида иштирок этувчи аъзоларнинг тортишиши, марказий нерв системаси ва жисмоний саломатлигининг, умумий ва нутқ ҳаракатларининг бузилиши киради.

**Психик** белгиларга – нутқда тутилиш ва ҳис-ҳаяжонли нутқнинг бошқа бузилишлари, нутқда қайд қилиш **феномени**, логофобиялар, найранг ишлатиш ва бошқа руҳий жиҳатлар киради.

Нутқ акти жараёнидаги мускул тортишиши дудуқланишнинг асосий ташқи белгилари саналади.

Аслида мускул тортишиши **3 хил** бўлади:

1. Клоник.
2. Тоник.
3. Аралаш (клоно-тоник ёки тоно-клоник).

Клоник мускул тортишиши вақтида товуш, бўғин ёки сўз бир неча маротаба такрорланади (о-о-о-лма, па-па-па-парта).

Тоник мускул тортишиши вақтида эса сўз бошида тўхталиш рўй беради ва дудуқланувчи бир товушдан, бўғиндан ва сўздан иккинчи товушга, бўғинга ва сўзга ўтолмайди, узоқ тўхталиб қолади (... ол ... ма, п...арта, ... н...он).

Учинчи тури аралаш – клоно-тоник ёки тоно-клоник мускул тортишиши кузатилади.

Одатда бундай тортишишлар билан барча нафас-товуш-артикуляцион аппарат издан чиқади. Мавжуд пай тортишишининг устунлигига қараб нутқнинг у ёки бу органлари: **нафас олиш, овоз пайчаларида ва артикуляцион аппаратида** жойлашади.

Дудуқланиш пайтидаги нафас олишнинг бузилиши **3 та** шаклга ажратилади:

1) Экспиратор (тортишишли нафас чиқариш).
2) Инспиратор (тортишишли нафас олиш).
3) Респиратор (тортишишли нафас олиш ва чиқариш).

**Овоз пайчалари** аппаратидаги пай тортишиши қуйидаги ҳолатларда бўлади.

**1.** Бирлашган (тортишиб бирлашган овоз бурмалари ўз вақтида ёзилиб кетмайди) – товуш бирданига узилади, ёҳуд клоник ёки чизиқли тортишиш юзага келади. (о-о-о-олим).

**2.** Ажралишган (овоз тирқиши очиқ қолади – бу ҳолда бутунлай сукут сақлаш ёки шивирлаган нутқ кузатилади).

**3.** Вокалга оид – бу болаларга хосдир. Бунда болалар сўзда унлиларни чўзиб талаффуз қиладилар.

Артикуляцион аппаратдаги пай тортишишлар қуйидаги органларда кузатилади:

1. Лабга оид тортишишлар.
2. Тилга оид.
3. Юмшоқ танглайга оид.

Улар кўпинча портловчи ундош товушлар (к, қ, ғ, г, п, б, т, д) ни талаффуз қилишда тез намоён бўлади.

Дудуқланадиган болаларнинг ҳаяжонли нутқида фонетик-фонематик ва лексик-грамматик бузилишларга кўзга ташланади. Мактабгача тарбия ёшидаги дудуқланадиган болаларда – 43,7 %, уйга мактаб ёшидаги болаларда – 14,9 % ва юқори синф ўқувчилари орасида эса 13,1 % ни ташкил этади.

Дудуқланишда талаффуздаги урғу, интонация, ритм бузилади. Нутқ асосланмаган паузалар, қай-тариқалар билан узилиб-узилиб чиқади, жарангдорлик ва талаффуз суръати, товуш кучи, баландлиги ва ширадорлиги бузилган бўлади.

Дудуқланишнинг пайдо бўлишига, шунингдек, умумий ва нутқ моторикасининг турлича бузилишларига хосдир. Улар зўраки (нутқий тортишишлар, пай, бўйин, юздаги учишлар) ва ихтиёрий тутиб қолиш тарзида бўлиши мумкин. Дудуқланувчилар ўзларининг қийин нутқини ниқоблаш ва енгиллаштириш мақсадида бундай ҳаракатлардан фойдаланадилар.

Ўзининг нотўкислигини ҳис этиш невротик касалликнинг ривожланишида асосий омиллардан бири ҳисобланади. Хасталанган киши ўзининг кўп эътибор берса, у шунчалик зўрайиб бораверади. Натижада шундай оғир аҳвол пайдо бўладики, бемор ундан сира қутила олмайди, касаллик белгилари унинг эътиборини чулғаб олади, бунинг оқибатида белгилар янада ривожланади ва беморнинг эътиборини ўзига яна ҳам кўпроқ жалб этади.

Дудуқланиш муаммолари билан шуғулланувчи тадқиқотчилар нуқсонга эътиборни жалб этиш тушунчаси борасида турлича қарашларни келтирадилар: диққат-эътиборнинг алоҳида хусусияти, нуқсонни идрок этиш, у ҳақида тасаввурга эга бўлиш, унга нисбатан турлича ҳиссиётли муносабатда бўлиш.

Шулар муносабати билан дудуқланадиган кишиларни 3 гуруҳга ажратиш учун «касалликка диққатни жалб қилиш» атамасининг киритилиши ўринлидир.

**1.** Касалликка диққатни жалб қилишнинг нолинчи даражаси: болалар гўё ўз нуқсонини сезмагандек, у ҳолда ўйламайдилар ва ташвишланмайдилар.

**2.** Касалликка диққатни жалб қилишнинг мўътадил даражаси: юқори синф ўқувчилари ва ўсмирлар ўз нуқсонларидан тавсияланадилар, ундан уяладилар, дудуқланишларини яширадилар, турлича ҳийлалар ишлатадилар. Атрофдагилар билан камроқ муносабатда бўлишга уринадилар.

**3.** Касалликка диққатни жалб қилишнинг яққол ифодаланган даражаси: дудуқланувчиларда нуқсон борасидаги ташвишланиш ўзининг нотўкислигини доимий чуқур ҳис этишга айланади. Дудуқланишдан чуқур ташвиш чекадилар.

Нутқий нуқсонни англаш, ундан қутилиш ёки уни ниқоби учун бўладиган самарасиз уринишлар уларда турли хил руҳий хусусиятлар: заифлик, ҳимоясизлик, қўрқоқлик, тортинчоқлик, таъсирчанлик ва шу кабиларни пайдо қилади. **Дудуқланиш учта даражага ажратилади:**

**1. Енгил дудуқланиш** – киши асабийлашган ҳолатида ёки тез гапираётганида дудуқланади. Бундай пайтда дудуқланиш тезда бартараф этилади.

**2. Ўртача дудуқланиш** – киши тинч, одатдаги вазиятда осон гапиради ва кам дудуқланади: ҳис-ҳаяжонли ҳолатда кучли дудуқланиш юзага келади.

**3. Оғир дудуқланиш** – киши бутун нутқи давомида, доимий чалғитувчи ҳаракатлар қилиш билан дудуқланади.

Дудуқланиш давом этишига кўра қуйидаги турларга ажратилади:

**Доимий** – дудуқланиш пайдо бўлгач, турли нутқ шакллари ва вазиятларида бевосита намоён бўлади.

**Тўлқинсимон** – дудуқланиш гоҳ кучаяди, гоҳ камаяди, лекин бутунлай йўқолмайди.

**Қайталанувчи** – дудуқланиш йўқолиб, яна пайдо бўлади, яъни қайталаниш юзага келади.

## Дудуқланишни баратараф этиш.
## (Чевелева методикаси).

Дудуқланишни бартараф этиш, дудуқланувчини нутқини яхшилаш борасида жуда кўп илмий изланишлар, тадқиқотлар олиб борилган ва ҳозир ҳам олиб борилади.

Ҳар бир ёш категориясидаги дудуқланувчи болалар билан улар ёш, руҳий хусусиятларидан келиб чиқган ҳолда, логопед таъсир кўрсатиш усули, методикаси баён қилинади. Миронова С.А нинг мактабгача ёшдаги болаларнинг, Ястребова А.В нинг мактаб ўқувчиларининг, Мўминова Л.Р.нинг боғча ўсмирларни Чевелёва Н.А.нинг боғча болалари ва нутқ мактаблари иккинчи бўлими ўқувчиларининг Слеверстов В.И.нинг болаларни дудуқланиш деб аталувчи мураккаб нутқ бузилишидан фарқ қилиш, нуқсонни имкони борича баратараф қилиш, юмшатиш йўллари баён этилган методикаларни келтиришимиз мумкин. Биз Н.А.Чевелеванинг «Таълим жараёнида ўқувчиларда дудуқланишни тўғрилаш» («Исправление ») қўлланмасида баён этилган фикрларни қуйида ёритмоқчимиз.

Қўлланмада кичик мактаб ўқувчиларда, дудуқланишни баратараф этиш бўйича логопедик иш методикаси ёритилган. Қўлланма муаллифи дудуқланишни бартараф этишда умумий тан олинган комплекс методикаларни рад этилган ҳолда, Логопедик таъсирга янгича ёндашувни баён қилади. Методика (услубият) мактаб дастури материалида болаларни боғланган нутқ системасини кўзда тутади. Бу системани ишлаб чиқаришда муаллиф болалар нутқи ривожланишининг қонуниятларидан келиб чиқган ҳолда ёндашиш.

Муаллиф кичик мактаб ўқувчиларида «1-3 синфларда» нутқи ривожланиши нормада бўлган болаларда махсус мактабнинг иккинчи бўлимда ўқийдиган ўқувчилар нуқсони-дудуқланишни бартараф этиш масалаларига бағишланади.

Дудуқланувчиларни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, дудуқланишни бартараф этиш бўйича иш икки йўналишда олиб бориши керак: 1. Нутқни қайта тарбиялаш. 2. Нутқий жараённи нормал кечишга таъсир қилувчи психик фаолият хусусиятларини коррекциялаш.

Нормал нутқни тарбиялаш жараёнида сўз ва жумлаларни механик қайтаришдан эмас, ўргатилган текст ва жумлаларни, автоматик қайтаришдан эмас, мустақил нутқни секин-аста ривожлантиришни процессида кечиши керак.

Секин-аста айтилган икки йўналиш бўйича мактаб программасининг ҳар бир предмети давомида иш олиб борилади.

Ўқув процесини коррекцион мақсадда қўллаш ўзига хос афзалликларга эгадир, алоҳида ташкил қилинган логопедик машғулотлардан фарқли ўлароқ биринчидан, ўқув процесини нормал нутқини тарбиялаш билан бирикиши болаларни кучини кўп бўлимидан сақлайди, иккинчидан болаларни бу ннннн «Яширин» логопедик машғулотларга қизиқиши доимо ушлаб турилади.

Учинчидан, бундай услубият дарсдан ташқари вақтда ҳамда тўғри нутқ малакаларини мустаҳкамлаш, болаларни эркин сўраш, жавоб бериш каби кўникмаларини такомиллаштириш.

Дудуқланувчиларда нутқнинг каммуникатив функциясини ривожлантиришнинг асосий йўли нутқни секин-аста ситуациясидан нотекс нутқга ривожлантиришдан иборат. Бу нарса таълим билан боғлиқдир, таълим эса мантиқий тафаккурни ривожланишдан мустасно эмаслиги учун, болаларни тафаккур жараёнларини тобора ривожлантиради.

Дудуқланувчи болаларнинг нутқини коммуникатив функциясини ривожлантиришнинг бутун жараёни шартли равишда тўлиқ тўрт даврга бўлинади, ҳар бир давр ўқув чораги билан тўғри келади.

Давр муддатини қисқартириши ёки бошқасини ҳисобига чизиш мумкин. Бошқа даврга ўтишнинг асосий шарти бўлиб, ишнинг белгиланган этапига зоир нутқ шаклларини эгаллаш ҳисобланади.

**I даврнинг** асосий вазифаси болаларда констатция нутқидан унинг кўргазмали конкрет шаклларида фойдаланиш масаласини шакллантириш.

Дастлаб болаларни нутқи предметларни номлашдан иборат локоник жавоблардан ташкил топади. Дастлаб болалардан тўлиқ жавоб талаб қилинмайди. Бундан ташқари биринчи дарсларда ўқитувчи бир неча бор болаларга қисқача бир икки сўз билан жавоб беришни эслатиб туради.

Кейичалик ҳам (бир ой) болаларни қисқа жавоблардан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир. Чунки қисқа жавобларни болаларнинг ҳаммаси бера оладилар. Айнан бир сўзли нутқдан коррекцион ишни бошлаш керак, чунки кўпчилик дудуқланувчилар кўпсўзликдан азият чекадилар. Улар керакли, асосий сўзни топа олмайдилар.

Бўладиган саволлар олдин фақат конкрет, сўзларга оид бўлади, саволларни қандай тартибда тузиш керак, жавоблардан асосий (сўзни топа олмайдилар) фикрни ифодаловчи изчил хикоя пайдо бўлсин, бир ойдан кейин болалардан тўлиқ, ёйилган жавоблар талаб қилинади.

1 даврда болалар нутқи ситуацияси бўлади. Лекин нутқнинг бу шакли секин-аста мураккаблашади. Бу нарса ўқитувчи саволларининг мураккаблашиши билан амалга ошади.

Бунга алоҳида аҳамиятни бериш зарур. 1 давр давомида болаларда нутқ вақтида кузатганларда характерлаш, предметларни таққослаш, анализ қилиш кўникмалари ривожлантирилади. Бу нарса келгуси дастур материалини ёйилган, асосланган таҳлилига тайёргарлик яратади.

**II даврда** 2 даврдан кескин фарқ қилиб болалар кўргазмали қуролга асосланмаган нутқнинг мураккаб шаклидан фойдаланадилар.

Биринчи даврдан иккинчи даврга ўтиш аста-секин бўлади. Биринчи пайтларда болалар нутқи аввалги ситуацион нутқдан жуда ҳам фарқ қилмайди. Шунинг учун ўқитувчи ўзининг тушунтиришларини кўргазмали материал билан имострация қилиши керак. болаларда бу вақтда вужудга келадиган тасаввурлар аниқ, янги бўлади ва улар жавоб пайтида хотирада сақлаб қолиш осанлашади. 2 даврда кўргазмали қурол ўрнини аниқ тасаввурлар эгаллайди.

Дастлаб болалар яхши биладиган материал асосида савол жавоб ўтказилиб болаларни берадиган жавоблари қисқа бўлиши керак. Дарсликдаги саволлардан фойдаланиш ўринли эмасдир, чунки улар муҳокама характеридаги тушунтиришни талаб қилади. II давр бошидан болаларда кўргазмали оғзаки жавоб беришни ривожлантириш керак. Ўқув дастурини мураккаблашиши болалардан бирмунча мураккаб жавобларни олиш имкониятини.

Ўқуитувчининг саволларига жавоб бериб суҳбатга киришиб муҳокаманинг мантиқий алоқаси оид фикрлар юритадилар. Бирмунча қийин ситуациялардагина болалар кўргазмага таяниши мумкин. II даврда болалар кўргазмасиз умумлашган колтекит нутқдан фойдаланадилар. Бу давр давомида улар нутқи секин-аста мураккаблашиб боради.

**III давр** бошига келиб, ўқувчилар мустақил равишда умумлаштиришга ва ўз фикрларини нутқларида жиҳозлашга тайёр бўладилар.

Уларнинг жавоблари ёйилган гаплар белгиланган мантиқий изчилликда белгиланган бўлади. III даврда бир мунча енгил, яхши ўзлаштирилган мавзуларда болаларга ўқилган тема бўйича бир қатор саволлар бериш мумкин. Лекин бунинг учун ўқилган текст мазмуни устида янги сўзларни тушунтириш устида иш олиб борилиши керак. бу каби дастлабки ишдан сўнг болаларни ўзларига, дўстларига савол беришни тавсия қилиш мумкин. Бу нарсани бутун ўқув йили мобайнида қўллаш керак. Бу фақат уларда савол туза билиш малакасини ҳосил қилмай кўпчилик одамлар билан суҳбатга киришишни ривожлантиради.

**IV давр** Охирги бўлиб, бу даврда ўқувчилар мустақил равишда атрофлича ҳикоялар, тушунтиришларни, тўлиқ баёнларни мустақил туза билишлари керак. Бу пайтда кўпроқ дарсларда суҳбатлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

IV даврнинг асосий мақсади III даврда олинган, эгалланган кўникмаларни мустаҳкамлаш IV давр шу билан ҳаракатланадики, болаларни нутқи бутунлай мустақил, ёйилган, изчил, бўлиши керак, болалар ўз фикрларини ифодалаш учун жуда тез аниқ сўз ва жумлаларни топа биладилар. Бу даврда айниқса математика дарслари катта аҳамиятга эга. Бу болаларни ўзлари ҳам ишонч ҳосил қиладилар чунки нотўғри айтилган ҳар бир сўздан масаланинг ечими ҳам бўлади. Она тили дарсларига программада кўзда тутилган иш турларидан ташқари хатолар устидаги ишни ҳам киритиш мумкин. Ўқувчилар фақат турли хатоларни топиб тўғрилашни эмас балки уларни сабабини топиш хатоларни фақат дўстларини эмас, балки ўз нутқларида ҳам топишлари керак. Баҳслар ташкил қилиш мумкин. Бу болаларнинг нутқига бир эмоционал кайфият бағишлайди.

Грамматика ва тўғри ёзув бўйича машғулотлар нутқ ўстириш машғулотлари билан узвий боғлиқ бўлиши мумкин. Бу даврда берилган мавзу бўйича план асосида ҳикоя тузиш, қўшма, содда, ўзга ва ўзлаштирма гаплардан фойдаланган ҳолда матнларни қайта ҳикоя қилиш, анологияси бўйича ҳикоя туздирилади. Бунда айниқса баённинг мантиқийлиги ва кетма-кетлигига режага риоя қилишга, сўзларни аниқ танлаш билишга аҳамият бериш керак.

Бундай иш турлари умумтаълимий аҳамиятдан ташқари коррекцион аҳамият касб этади.

Шу тариқа барча дарсларда ўқувчиларнинг ёйилган контекст нутқлари қўлланилади. Қайсики у катта мустақилликни талаб қилади.

Махсус мактаб шароитда дудуқланишни бартараф этиш бўйича ишни ташкил қилишда баъзи бир хусусиятларни ҳисобга олиш лозимдир.

Жавоб бераётган вақтда дудуқланувчилар жойларида ўтиравеpишлар. Чунки дудуқланувчилар тез чарчашга мойил бўладилар ҳамда ўртоқларидан уяладилар.

Иш фаолиятларини тез-тез ўзгартириш керакдир. Контрол дарслардан кейин дарс тартибини ўзгартириш, бирор нарса ўқиб бериш ёки енгил машқлар бериш мақсадга мувофиқдир. Дарсни шундай ташкил қилиш керакки,ўқувчилар доимо тутилмасдан гапирсинлар. Болалар нутқининг темпи нормал бўлиши керак. Бунга дарс темпи, ўқитувчи нутқи таъсир қилади.

Ўқувчининг дарсини ижодий ёндашган ҳолда, турли хил услубиятлардан фойдаланиш ўқувчиларни дарсда актив иштирок этишларининг гаровидир. Кўп дудуқланувчилар тез хафа бўладилар, уларга кўп танбеҳ бериш керак эмас. Уларни ижобий томонларини топиб мақтай билиш керак «Ким бундан яхшироқ ўқийди?» саволини бериш мумкин. Ўқувчини ўзи тушуниб олади. Танаффусларда болалар гаплашмасликлари, нутқий тинчликка риоя қилишлари керак. Танаффусда уларни қўзғатмаслик, тинч ўйинлар билан банд қилиш керак, болаларни қизиқтириш, тинчлантириш керак. Нутқий активлаштиришда ўқувчиларнинг индувидуал хусусиятларини ҳисобга олиш керак. Талаффуз бузилишларини йил бошидаги машғулотларда бартараф этиш керак. Товушларни нутққа киритиш индувидуал, мустаҳкамлаш, фарқлаш нутққа киритиш-фронтал тарзда олиб борилади. Нутқий ритмни логопед назорат қилади. Тарбиячилар, ота-оналарни бу ишга сафарбар қилади. Суҳбатлар ўтказади. Дарсларда ўқитувчи томонидан ўтказиладиган иш жараёнида нутқ дудуқланишсиз бўлади. Бу малакалар йўқолмаслиги учун тарбиячи ва ота-оналар дарсдан ташқари вақтда кузатишлари керак.

I чоракда (даврда) ўтказиладиган жимлик ритмнинг маъсулияти ва мураккаб жараён эканлигини тан олиш керак. Шивирлаб гапиришгина мумкин бўлади, чунки болалар жуда қизиқувчан бўлганликлари учун тўлиқ жимликка эришиб бўлмайди.

Жимлик режимнинг моҳияти дудуқланишга бўлган потологик рефлексни ўчиришдан иборатдир, нерв системасини тинчлантиради.

Дарсдан ташқари вақтдаги жимлик режимига тарбиячилар дўқ-пўпса билан эмас, балки педагогик маҳорат, ижодийлик билан эришишлари керак. Кун тартиби моментлари, уйқудан туриш, эраталбки ва кечи туалет, нонушта, тушлик, сайр, кечки овқат вақтида ҳам нутқни максимал даражада чеклаш керак. Асосий талаб ошхона остонасини босиб ўтдингми тинчликни сақла! Шаклида қуйидаги онгли интизомда янги натижаларга эришилади.

Бутун персонал томонидан болалар тўғри, баланд бўлмаган нутқ намунасини кўрсата билиш керак.

Ота-оналарга турли хил тавсиялар берилади, улар билан савол-жавоблар ўтказилади. Нафақат мактаб шароитда, балки уйда ҳам тинч шароитни яратиш керак, кино-театрларга, оромгоҳларга меҳмонга бориш ман этилади. Агар бола IV давр 1 йил ичида нутқнинг белгиланган шаклларини эгалламаса, бу иш кейинги ўқув йилида давом эттирилади.

Чевелёва ушбу методикаси дудуқланишни реуедивсиз бартараф қилади. Катамнистик маълумотларга қараганда 10 йил давомида дудуқланувчиларда дудуқланиш қайталанмаган.

**Дудукланувчи болалар билан олиб бориладиган логоритмик машгулотлар.**

Дудукланувчи болаларда харакатлар ривожланиши 2 хил куринишда - харакатлар тезлиги ва харакатлар сустлиги кузатилади. Мактабгачатарбия муассасалари тарбияланувчиларининг харакатчанлигини 4 гурухга булиш мумкин:

- ритм, темп, мускуллар тонуси ва мулжалга олишнинг бузилиши;

- чакконлик, аниклик, тезликнинг йуклиги. Темп суст, диккати таркок, хис – туйгу кисман йук, берилган топширикларни кийналиб бажариши кузатилади.Мускуллар тонуси нимжон, харакатлари устида иш олиб бориш кийинчилик тугдиради.

- мушакларнинг кучли тортишиши (тормозланиш) кузатилади. Тортишишлар асосан буйин ва елка кисмда кузатилади, кул бармоклари мушт холда ёки бушашган очик, куллар букилмайди, кул ва оёк харакати бир бирига номутаносиб. Болалар жамоа билан уйнашни хохламайди, юзда туйгулар ифодаси сезилмайди (жиддий). Улар билан олиб бориладиган коррекцион иш узок муддат талаб этади.

- кузгалувчан, тез харакатли, лекин кучсиз болалар, осойишталик улар учун ёт, уларда мускуллар тонуси юкори, уйинларга кучли истак хохиш билан ёндашади, харакатли уйинлар улар кузгалувчанлигини оширади. Узгалар уйинларига хам аралашиб кетишадиган, айрим пайтлар агрессив харакатли, уйинда асосий бош ролда булишни хохлайдиган болалар туридир.

## Мактабгача ёшдаги болаларнинг дудуқланишини ўйин асосида бартараф этиш.

Дефектология соҳасидаги илмий тадқиқотлар орқали нуқсонни эрта аниқлаш ва уни олдинроқ тузатиш катта аҳамиятга эга эканлиги исботлаб берилиган.

Дудуқланувчи болаларда дудуқланишни ўйин асосида бартараф этиш самарали кечади. Чунки ўйин болаларнинг етакчи фаолияти бўлиб ўзининг қатор хусусиятлари билан ажралиб туради. Боаликнинг даслабки кунларидан тақлид қилиш орқали юзага келиб, мактабга давргача у бола учун атроф муҳитни актив ижодий акс эттириш шакли бўлиб қолади. Ўйин инсоннинг бошқа фаолиятлари каби, ижтимоий характерга эга. Комплекс характерлар билан амалга оширилиб нутқни ҳам ўз ичига олади.

Дудуқланишни йуқотишда қўлланиладиган ўйин методикаси болалардаги моҳирликни, фаолликни, мустақил мулоқот усулларини шакллантиришга қаратилган. Ушбу методика болаларга бирдек ёндошишга, методик ва тарбиявий ишларни биргаликда олиб боришга махсус машғулотлардан ташқари пайтларда болаларда ташаббускорликни бенуқсон нутқни мустаҳкамлашига шароит яратади. Турли ўйинлар тизимида болалар ўйин ва ўйиндан ташқари, аммо одамларнинг ҳаётий муносабатларини акс эттирган ҳолларда ўзини тутиш қоидаларни ўзлаштирадилар. Натижада ўзлаштирилган муносабат шакллари дудуқланувчи болаларнинг ахлоқи ва нутқини қайта қуришга ва нуқсонни йуқотишга замин яратади.

Мактабгача ёшдаги дудуқланувчи болаларни дудуқланишини бартараф этишда фойдаланиладиган ўйин турлари мавжуд. Буларга:

- дидактик ўйинлар;
- ҳаракатли ўйинлар;
- драматизациялаштирилган ўйинлар;
- сукут сақлаш режимига қаратилган ўйинлар;
- шивирлаб гаплашишга қаратилган ўйинлар;
- ашула айтиш билан олиб бориладиган ўйинлар киради.

Болаларда дудуқланишни бартараф этишда юқорида кўрсатилган барча ўйинлардан фойдаланиш мумкин.

**Дидактик ўйинлар.** Бунда кўрув, нафас, овоз, эшитиш, товушлар талаффузини ривожлантиришга қаратилган дидактик ўйинлар ўтилади. 6-7 ёшли дудуқланувчи болалар учун дидактик ўйинлардан «овозидан билиб ол», «шаҳарларга саёҳат», «хат» ўйинларини мисол қилиш мумкин. Стол устида ўйналадитан ўйинлар масалан: «лото, домино, мозайка, шашка, пирамида» ўйинлари эса дудуқланувчи болаларнинг кўрув ва эшитув идрокини, диққатини, майда моторикасини хотирасини ривожлантиришда хизмат қилади.

«Овозидан билиб ол» ўйини 6-7 ёшлар учун. Бир бола орқасини ўтириб туради, Бошқалари навбат билан қўлларидаги претметларни полга тушурадилар. Логопед ерга тушаёттан нарсаларни кўриб туради на шивирлаб «бу тушган нарса нима?» деб сурайди бола «Бу тушган нарса қалам, бу эса линейка » ва ҳокозоларни айтади.

«Шаҳар бўйлаб саёҳат».

Логопед болалар сонига қараб расмлар танлаб олади. Одамлар расми; ишчи, ўқувчи, спортсмен, она ва бола, сават кўтарган кампир.

Транспорт; трамвай, автобус, такси ва бошқалар.

Бино ва безаклар; фонтан ҳайкал, хиёбон.

Машина маркалари: Москвич, Волга, Чайка, Жигули.

Гуллар; лола, сирень, атиргул, ромашка. Расмлар комплекта хонанинг турли гомонларига қўйилади. Болалар шаҳарга топширик билан борадилар ва аниқлайдилар.

Шаҳарда кимлар яшайдилар, қандай транспортларда юрадилар, шаҳарда қандай бинолар ва безаклар, хушманзара жойлар бор, ҳиёбонда қандай гуллар

ўсади. Топшириққа асосан топилган расмларии олиб, болалар логопед ёнига қайтадилар ва биргаликда кўрганларини гапириб берадилар.

**Ҳаракатли ўйинлар.** Дудуқланувчи болалар билан секин бажариладиган ҳаракатли ўйинлар ўтказилади. Чунки болаларда нафас ва нутқ темпи бузилмаслиги керак. Шунинг учун оддий ҳаракат билан бажариладиган ҳаракатли ўйинлар бажарилади.

Яъни копток, обруч, лента, байроқлар билан ўйналадиган ўйинлар. Бундай ўйинларнинг асосий мақсади болаларнинг умумий ҳаракати ва нутқини мустаҳкамлашга қаратилган.

**Мисол учун** «Копток билан бажариладиган ҳаракатли ўйинлар».

I) Болалар давра кўриб турадилар, уларнинг ҳар бирида копток бир логопед курсатмасига кўра улар коптокни бир қўлидан иккинчи қўлига отиб илиб оладилар, осмонга отадилар, ёнидагиларга узатадилар, ярим ўтирган ҳолда ўз атрофларида думалатадилар, коптокни тушириб юбормай қўлдан қўлга энг кўп ўтказган ўнинчи ғолиб ҳисобланади.

2) Болалар санаси орқали "овчини" сайлайдилар, у стулга ўтиради, қўлида 2-3 та копток, сигнал хуштак чалингач "қуёнлар" чизиқдан ичкарига кириб "овчи" атрофида чопа бошлайдилар, шундан кейин иккинчи сигнал чалингач "қуёнлар" чизиқдан ташқарига югурадилар, "овчи" эса уларга копток отади копток кимга тегса у "овчи" вазифасини бажарадиган бўлади.

3) "Ким ушлайди?" Болалар иккитадан бўлиб бўлинадилар ва навбатчидан ёғоч қошиқлар олиб, унга шарчалар соладилар ва тез қадам ташлаб кабинетнинг оҳирига юриб борадилар. Мақсад шарчани тушириб юбормаслик. Мураккаблашган варианти: Қошик, билан юрувчининг кўзини боғлаб қўцилади. Бундай жуфтликларга навбат бериш санаш орқали бажарилади.

**Драматизациялашган ўйинлар (саҳналаштирилган).** Драмали ўйинлар дудуқланувчи болаларда тассаввур, шахснинг шаклланиши, боланинг ўйин давомида фаоллигини ва нутқини ривожлантиришга қаратилади. Масалан «Ўйинчоқлар учун ателье» ўйини.

**Ўйинга тайёргалик:** Логопед топшириғига кўра болалар ательега экскурсияга борадилар. Машғулотда эса расмларга қараб «ательеда» деган савол-жавобдан иборат суҳбат ўтказилади. Агар болалар ательеда бўлишган бўлса. Ҳар бир бола кўрганларини гапириб берадилар.

**Жиҳозлар:** Қўғирчок, ўйинчоқлар, дазмол, қайчилар, иплар, сантиметр, игналар, газлама бўлаклари, илиб қўйиш учун «Ўйинчоқлар учун ателье», «Очиқ», «Ёпиқ» белгилари.

**Роллар:** Тикувчи, буюртмачи, ателье мудираси.

**Уйиннинг бориши:** Ателье мудираси ательени очилганини ҳабар беради. Тикувчи учун стул-столлар, тайёр образец учун кўйлакларни илиб қўйиш буюрилади ва керакли жиҳоз тайёрлаб қўйилади ва буюртмачиларини қабул кила бошлайди.

Ўйин қизиқарли ўтиши учун хатоликларга йўл қўйиши, бошқа кийимни тикиб қўйиши ёки ўлчамлари катта ёки кичик бўлиб қолиши ҳолатларини акс эттириш мумкин.

**Тахминий диалоглар:**

***Тикувчи:*** Сиз нима тиктиришни хохлайсиз?

***Буюртмачи:*** Мана мени қуёнчамга кўйлакча керак (Тикувчи олдига қуёнча ўйинчоғини қўяди).

***Тикувчи:*** Газламангиз борми?

***Буюртмачи:*** Олинг марҳамат (газламани узатади)

***Тикувчи:*** Қани куёнча тўғри туриб олчи. Мени сени ўлчамларингни оламан (сантиметр билан қуёнчани ўлчаб олади).

***Буюртмачи:*** Бизга яна калпоқча ҳам керак.

***Тикувчи:*** Бизнинг ательемизда тайёр қалпоқчалар бор. Мана кийиб кўринглар. Балки сизларга тўғри келар.

***Буюртмачи:*** (Калпоқчани қуёнчага кийдириб кўради). Йўқ бу қалпоқча тўғри келмади. Қулоқлари учун тешикчалар йўқ экан.

***Тикувчи:*** Ундай бўлса қалпоқчага иккита тешикча қуёнчангиз учун тайёрлаб қўяман, фақат пешиндан сўнг буюртмангизни олишга келинг, (тикувчи бошқа буюртмаларни қабул қилади.)

***Тикувчи:*** Қабулимни тугатаман ва буюртмаларимни бичиб-тикишим керак - дейди.

***Тикувчи:*** Келинглар ателье очилди буюртмаларингиз тайёр бўлди.

(Тикувчи ҳамма буюртмачиларга кийимларни тарқатади, улар кийиб кўрадилар ва хурсанд бўлиб кетадилар).

Ўйин охирида логопед ижрочининг нуткини ва ролини баҳолайди. Ўйиннинг ҳамма учун қизиқарли булиши учун логопеднинг педагогик маҳоратига боғлиқ. Логопед ўйинни шундай ташкил этиши кераккки, бунда ҳаддан ташқари ҳис-ҳаяжонга берилишга, нутқнинг тезлашиб кетишига йул қўймаслиги ва равон нутқни рағбатлантириш керак бўлади.

Сукут сақлаш режимига қаратилган ўйинлар. Болалар билан нутқсиз (гапирмасдан) дидактик ўйинлар ўтилади. Сукут сақлаш режими, болани тўғри гапириш малакаларини шакллантиришга қаратилгандир. Нутқсиз дидактик ўйинларга масалан «Сукут сақлашни биласизми?» ўйини. Болалар 5-7 минут мозаика билан ўйнашлари, расм чизишлари, кубик ўйнашлари мумкин. Лекин умуман гапирмасдан сукут сақлайдилар.

<u>«Овозни эшитиш ва кўрсатиш»</u> ўйини.

Болалар кўзларини юмиб ўтирадилар. Логопед бирор овоз чиқарадиган ўйинчоқни чалади, масалан сурнай, побрикушка ёки чилдирма сўнгра бола кўзини очиб қайси ўйинчоқ чалинганини гапирмасдан қўли билан кўрсатади.

«Шифохонада» ўйини.

Логопед болага айтади:

- Қани қараб чиқайликчи сени уйинчокларингни ҳаммаси согломми? Мана бу айиқчангни қўли осилиб қолибди, қуёнчангни эса қулоғи оғрияпти уларни даволашимиз керак. Ким буни уддасидан Ким чиқа олади? (бир бола чиқади)

*Логопед:* Яхши демак сен докторсан! Сени ўйинчоларинг касал – энди уларга тинчлик, жимжитлик керак.

(Логопед ёрдамида доктор бола ўйинчоқларини даволайди, ухлатади иситмасини ўлчайди, ухлатади тезроқ тузалиши учун барча чораларни кўради).

«Лекин қўғирчоқлар ухлаётганда ҳеч ким гапирмаслиги керак» деб логопед тушунтиради.

Ўйинга турли жиҳозлар шприц, фонендоскоп, дорилар, бинт, пахталар керак бўлади.

Ўйин якунида бола «меҳрибон доктор» деган номини олади.

**Шивирлаб гапиришга қаратилган ўйинлар.** Боланинг ўзини эркин, бўш тутишига қаратилган ўйинлар ўтказилади.

Масалан «Биз ухлаяпмиз», «Топишмоқли халтача», «Денгиз тўлқинланаяпти» ўйинлари.

**«Денгиз тўлқинланаяпти» ўйини.**

*Логопед:* Денгиз тўлқинланаяпти – бир.
Денгиз тўлқинланаяпти – икки.
Денгиз тўлқинланаяпти – уч.

деганда болалар қўл ҳаракатлари билан денгиз тўлқинлашишини ифодалайдилар. Лопопед «денгиз тинчланди» деганда болалар қай ҳолатда бўлсалар, шу ҳолатда жим, қотиб қоладилар, сўнгра логопед ҳар бир боланинг олдига келиб шивирлаб «сен нимани тасвирладинг?» деб сўрайди, бола ҳам шивирлаб «тўлқинни» ёки «тинчланган денгизни» деб шивирлаб жавоб беради.

**«Топишмоқли халтача» ўйини.** *Логопед:.* Боғбон барча меваларни териб халтачага солди, лекин халтачада сабзавотлар ҳам бор экан. Болалар сиз диққат билан мени эшитасиз. Агар мен меваларни олсам сизлар шивирлаб «ҳа» дейсиз, агар мен сабзавотларни олсам сизлар шивирлаб «йўқ» дейсиз деб тушунтиради.

*Логопед:* Олма дарахтда ўсадими?
Болалар «ҳа» - шивирлаб сабзи ерда ўсадими? –
Болалар шивирлаб – «ҳа».

*Логопед:* Болалар сизлар дарахтда ва ерда нималар ўсишини яхши билар экансизлар, энди нима тепада, нима пастда ўсишини бармоқларингиз билан кўрсатинг. Мен сизларга шивирлаб мева ва сабзавотларни айтаман сизлар эса шивирлар уларнинг қаерда ўсишини айтасизлар ва бармоқларингизни ҳаракати билан кўрсатасизлар. (пастда ёки тепада).

Бу ўйин болаларда майда қўл моторикаси, ҳамда нутқни ривожлантиришга қаратилган.

«Ашула айтиш билан олиб бориладиган» ўйинлар. Дудуқланувчи болалар билан ашулали ўйинлар ташкил этиш жуда яхши самара беради. Ашулали ўйинлар қўзғалиш ва тормозланиш процессини нормаллаштиради. Болалар хор билан ёки якка ҳолда ашула айтишлари мумкин.

Масалан: «Ҳосил йиғини» қўшиғи ҳаракатлар билан айтилади.

Биз саватча кўтариб
Бирга ашула айтиб
Ҳосилларни тергани
Биз далага борамиз

Биз болалар чаққонмиз
Бодринглар терамиз
Ловия ва нўхат
Бизда ҳосил ёмонмас

Ҳа ҳа ёмонмас
Бизда ҳосил ёмонмас
Ҳой хой семиз бақлажон
Жуда қорин қўйибсан
Ухлама тур тезроқ
Саватчага туша қол
Ҳа ҳа туша қол
Саватчага туша қол

Биз қайтамиз уйимизга
Юк ташиш машинада
Дарвозани очинглар
Даладан ҳосил келди

Шундай қилиб мактабгача ёшдаги дудуқланувчи болаларнинг дудуқланишини бартараф этишда дидактик, ҳаракатли, драммалаштирилган, сукут сақлаш режимига қаратилган, шивирлаб гапиришга қаратилган қўшиқ айтиш билан олиб бориладиган ўйин турларини қўллаш мумкин.

Бу ўйинлар дудуқланишда нафасни тўғирлашда, пай тортилишини камайишга, эркин ҳолда ўз фикрини баён этишга ёрдам беради.

Ўйин мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун энг яқин, энг севимли машғулотдир. Ўйин болалар учун эрмак эмас, балки болаларнинг куч ва қобилиятини ўстиришга ёрдам берадиган муҳим воситадир. Болалар ўйин жараёнида теварак-атрофдаги ҳаёт ва табиат ҳодисалари билан танишадилар, нарсаларнинг ўзига хос хусусиятларини билиб оладилар.

Болалар теварак-атрофдаги кўрган нарсаларини ўйинда ифодалаб, ҳар хил ҳаракатларни бажарадилар, кўрган-билганларини ўзларича фаол талқин қилишга ҳаракат қилиб, пировардида ифодаланаётган нарсаларини яхширок тушуниб, билиб оладилар.

Ўйин давомида болалар юрадилар, сакрайдилар, югурадилар, ўрмалайдилар, бирон буюмни ирғитадилар, натижада уларнинг мускуллари ва сезги органлари ривожланади, улар организмининг ҳаёт фаолияти янада ўсади.

Болалар ўйин вақтида ўртоклари билан, катталар билан, ўйинчоқлари билан гаплашадилар, жамоа бўлиб ўйнаганларида ҳар бир боланинг нима иш қилиши кераклигини биргаликда муҳокама қиладилар. Булар болаларнинг нутқ ва фикрлаш қобилиятини ўсишга, билим савияси кенгайишига, хотирасини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Ўйинда боланинг иродаси, ўз ҳаракатларини ўйин қоидасига бўйсундира олиш кўникмаси ўсади, у ўзини кўпол (ҳатти-ҳаракатлар қилишдан тияди, зарур бўлганда чаққон ҳаракат қилишга (бекиниш, югуриш, тез фикрлар ва оғир аҳволдан қутулиб кета олиш чорасини топишга) ўрганади.

Умуман, болалар жамоа ҳолда ўйинлар ўйнар эканлар, улар бу жараёнда жамоа орасида ўзини қандай тутиш қоидаларини ўрганадилар, уюшқоқлик билан ўйин ўйнаш кўникмаларини ҳосил қиладилар. Ўз зиммаларига тушган ролларни бажаришда катта маъсулиятни ҳис этишга одатланадилар.

Ўйиннинг муҳим хусусияти шундаки, болалар эгаллаб олишлари қийин бўлган билим ва кўникмаларни ўйин орқали осонгина ўзлаштириб оладилар.

Бола фаолияти жараёнида ўзига завқ уйғотадиган ёрқин, оҳангдор нарсалар билан ўйнашга интилади. Бола сезги органлари орқали идрок

этган теварак-атрофдаги нарса ва табиат ҳодисалари унинг хотирасида тасаввур тарзида сақланиб қолади. Ўйинга раҳбарлик қилиш дегани ўйинни шунчаки четдан кузатиб туриш ва унга четдан туриб иштирок этиш дегани эмас, албатта. Логопед ўйин хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзига хос йўллар билан раҳбарлик қилиш керак.

Логопед ўйинга раҳбарлик қилиб, ўйин мазмунини бойитади, боланинг ижодий қобилиятини ўстиради, яхши ахлоқий сифатларни тарбиялайди. Шундай қилиб, ўйин болаларни ҳар томонлама ривожлантириш воситаларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Ҳар хил гуруҳ ёшидаги болалар билан ўтказилган ўйинлар турли-туман бўлиб, уларнинг бир-биридан фарқи катта. 5-6 ёшли дудуқланувчи болалар билан ўтказиладиган ҳаракатли ўйинларнинг кўпи сюжетли ўйинлар бўлиб, унда болалар муайян бир қоидага (масалан: қуён инидан маълум сигналдан сўнггина чопиб чиқиши мумкинлигига) риоя қилган ҳолда айиқ, қуённинг юриши сингари ҳаракатларни бажардилар. Логопед болалар билан кўпинча биргаликда ўйнаб, уларни ўйин қоидасини бажаришга одатлантирадилар. Шу билан бир қаторда сюжетсиз ўйинлар ҳам ўтказилади, бунда чопиш, сакраш, мувозанат сақлашни машқ, қиладилар. Улар ҳар бир ҳаракатни энди илгаригига қараганда қоидага риоя қилган ҳолда бажарадилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, ҳаракатли ўйин дудуқланувчи болаларнинг ҳаракат қилишига бўлган зарурий эҳтиёжини қондирувчи энг севимли ва қизиқарли фаолиятдир. Дудуқланувчи болалар бино ичида ҳам, очиқ ҳавода ҳам сайрга чиққанлари мумкин. Бунда керак бўладиган махсус жиҳозлар: мувозанат сақлаш машқларини бажариш учун скамейкалар, тирмашиб чиқиш учун илгакли нарвончалар шулар жумласидандир. Ҳаракатли ўйинларни ўтказишда гуруҳ хонаси ёки залдан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун гуруҳ хонасида кўпроқ жой қолдириш: болаларнинг эркинроқ ҳаракат қила олишга имкон яратиш мақсадида столларни хонадон ташқарига олиб чиқиш, қолган мебелларни иложи борича четроқда суриб қўйиш лозим. Тез таъсирланадиган, ҳаддан ташқари ҳаракатчан болалар алоҳида эътиборни талаб қилади: улар билан кам ҳаракатланувчан органларни ҳаракатга келтирадиган ҳаракатли ўйинларни тез-тез ўйнаб туриш зарур.

Қуйида, биз мактабгача тарбия ёшидаги дудуқланувчи болалар учун текширув натижалари таҳлилига асосланиб қуйидаги ҳаракатли ўйинларни тавсия қиламиз.

**1. «Арғимчоқ-арғимчоқ" ўйини.**

Нутқий нафасни меъёрлаштириши, умумий ва нутқий моторикасини ривожлантириш, мувозанатни сақлаш.

Болалар жуфт-жуфт бўлиб, қўл ушлашиб, навбати билан ўтириб турадилар. Ҳаракатга муайян ритм, суръат қўшиш учун шеър айтиш мумкин.

Арғимчоқ, арғимчоқ,
Сенда учсам кўнглим чоқ!

**Услубий кўрсатма:** Ўйин иштирокчиларининг ўтириб-туришига, қаддини тўғри тутишга эътибор бериш лозим.

**2. «Дўппи яширма» ўйини.**

Майда қўл моторикасини ривожлантириш, нутқий нафасни ривожлантириш, нутқий моторикани ривожлантириш.

Болалар давра қуриб турадилар. Она боши ўртадан жой олади: Ўйин иштирокчиларига дўппи берилади. Улар дўппини ўйин бошига билдирмаган ҳолда бир-бирига оширадилар. Онабоши дўппи кимнинг қўлида эканлигини кўрмай туриб, топиши керак. Топса улар ўрин алмашадилар.

Услубий кўрсатма: иштирокчилар дўппини бир-бирларига ошириш вақтини онабоши қуйидаги сўзлар билан белгилаши мумкин:

*Кўрдим-кўрдим,*
*Кўзларингни қочирма!*
*Топдим-топдим,*
*Зар дўппингни яширма!*

**3. Қизиқчилар ўйини.**

Умумий ва майда қўл моторикасини ривожлантириш, ҳаракатларни фаоллаштириш.

Болалардан бири қизиқчи этиб тайинланади. У давра ўртасида туради. Қолган болалар қўл ушлашиб, доира бўйлаб юрадилар ва

*Доира бўйлаб*
*Кетма-кет*
*Борамиз қадам, бақадам,*
*Жойингизда тўхтангиз,*
*Биргаликда ҳаммамиз, мана бундай қиламиз.*

- дейишади. Болалар тўхтаб, қўлларини туширадилар. Қизиқчи бирор ҳаракатни қилиб кўрсатади, қолган ҳамма болалар бу ҳаракатни такрорлайдилар. Ўйинни 2-3 маротаба такрорлайдилар, қизиқчи ўз ўрнига ўйинчилардан бирини тайинлайдилар, сўнгра ўйин яна давом эттирилади. Ўйин 3-4 маротаба такрорланади. Қизиқчилар бир ҳаракатни такрорламай, балки хилма-хил ҳаракатларни такрорлаши керак.

**4. «Акс-садо» ўйини.**

Мушаклар тонусини фаоллаштириш умумий ва нутқий моторикани ривожлантириш.

Логопед болаларни икки гуруҳга бўлади. **Биринчи гуруҳ қ**уйидаги шеърни айтади:

*Биз ўрмонга борамиз*
*Қўзиқорин терамиз*
*Бақириб чақирамиз АУ! АУ! АУ!*
*Ҳеч жавоб келмас бизга*
*Акс-садо келар бизга.*

Иккинчи гуруҳ эса паст овозда АУ! АУ! АУ! Деб жавоб беради. Кейин болалар жойларини алмаштиришади.

**5. «Арра» ўйини.**

Нутқий нафасни меъёрлаштириш, умумий, майда қўл моторикасини ривожлантириш.

Болалар иккитадан бўлиб, ўнг қўлларини ушлашади ва ўтин арралашга тақлид қилишади.

*Арра, арра, аррала,*
*Ари каби гувулла.*
*Арра, арра, аррала,*
*Тезроқ аррала яна.*

Ўйин давомида болалар ўрин алмашадилар.

**6. «Жимжитлик» ўйини.**

Эркин ҳаракатларни таъминлаш, умумий моторикани ривожлантириш, ўз-ўзини бошқаришни шакллантириш.

Бошловчи девор олдида туради, болалар эса рўпарадаги девор олдида туришади. Болалар эҳтиёткорлик билан бошловчининг олдига етиб келишлари керак. Болалар эҳтиётсизлик билан ҳаракат қилсалар, бошловчи огоҳлантириш беради ва бола тўхтайди. Бошловчининг олдига қайси бола биринчи бўлиб етиб келса ўша бола ғолиб саналади ва ўша бола бошловчи бўлади.

**7. «Копток» ўйини.**

Умумий моторикани ровожлантириш, ҳаракатларни фаоллаштириш, майда қўл моторикасини мустаҳкамлаш.

*Болалар айплана шаклида туриб, копток ўйнайдилар.*
*Баланд-баланд учгин (тўпни юқорига отадилар),*
*Юза бўйлаб сен чопгин (тўпни полга отадилар).*
*Чаққон бўлиб сакрагин (тўпни полга урадилар),*
*Шўхлик қилиб яйрагин (тўпни бир-бирига оширадилар).*

**8. «Қувноқ ғозлар» ўйини.**

Умумий, нутқий, майда қўл моторикасини ривожлантириш, ҳаракатларни эркинлаштириш.

Болалар ғозларни ифода этишади. Логопед «буви» вазифасини бажариб, ғозларни майдончага чақиради. Болалар ғозлар юришига тақлид қилиб, логопед томон юришади.

*Логопед:* ***Ғозларжон, ғозларжон,***
***Қорнинг очдими?***
***Кечикмасдан келингиз,***
***Таомингиз ейингиз.***

Мактабгача ёшдаги дудуқланувчи болаларда турли даражада (ифода топган ҳаракат камчиликлари, шунингдек, қўл бармоқларини ҳаракатлантиришдаги камчиликлар кузатилади. Хусусан, текширувлар асосида қуйидагиларни аниқладик: агар майда қўл моторикаси ҳаракатларнинг ривожланиши ёшига мос бўлса, нутқини ривожланиши ҳам меъёр даражасида бўлади. Бармоқлар ёрдамида турли машқларни бажариб. бориб, бола қўллари ҳаракатларини яхши ривожланишига эришилади. Бу эса боладаги дудуқланишга ижобий таъсир кўрсатибгина қолмай, балки болани расм чизиш ва ёзиш малакасини ўзлаштиришга тайёрлаб беради. Қўл панжалари ҳаракатчан, эгилувчан бўлиб боради, ҳаракатларнинг чекланганлиги бардам топади.

Биз тавсиямизда икки турдаги топшириқларни келтирамиз:

**1- бармоқлар билан ишлаш.**

**2- Саноқ ёки гугурт чўплари билан ишлаш.**

**1-турда** турли ашёлар, ҳайвонлар ва қушларни ифодаловчи шакллар танлаб олинган. Ҳар бир шаклга аталган шеър ва суръатлар ҳам мавжуд. Ҳар бир машқни бажаришда барча бармоқларнинг иштирок этишига интилиш зарур, машқларни ҳам ўнг қўлда, ҳам чап қўлда бажариш лозим.

Шеър билан тўлдириб бориладиган 2-туркумда саноқ ёки гугурт чўплари ёрдамида ифодаланадиган буюмлар тасвирлардан фойдаланилади. Дастлаб геометрик шакллар билан танишиб олинади ва барча таъсвирлар ана шу шакллар асосида кўрилганлиги кўрсатилади. Бу тасвирларнинг шеър билан тўлдириб борилиши дудуқланувчи болаларни дудуқланишини бартараф этиш билан болада кўриш хотираси, эшитиш хотирасини ҳам мустаҳкамлашга қаратилган.

Бу машқларни дудуқланувчи мактабгача ёшидаги болалар билан шу билан бирга нутқида нуқсони бор болалар билан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

## Бармоқлар машқи.

| | | |
|---|---|---|
| **Ғоз.**<br>Бўйин чўзиб «ғо-ғо» лар,<br>Сени чўқишни хоҳлар.<br><br>*Тирсакни тик тутиб, кафт бармоқлари тўғри бурчак шаклида букилади. Кўрсаткич бармоқ бош бармоққа тегиб туради. Бармоқлар жипслашган.* | |  |
| **Хўроз.**<br>Гердайиб турар хўроз,<br>Дер овозим мунча соз!<br>*Кафтни кўтариб кўрсаткич бармоқни бош бармоққа тиркаймиз. Бошқа бармоқларни юқорига кўтариб, ораларини очиқ қолдирамиз.* | |  |
| **Товуқ.**<br>Товуқ келар лапанглаб,<br>Тухум қўйдим қаранглар!<br>*Кафт горизантал ҳолатда бўлади. Бош ва кўрсаткич бармоқ учлари жипслашиб, кўз шаклини ҳосил қилади. Қолган бармоқлар устма-уст туради.*<br><br>**Ари.**<br>Ширинликка ўч бўлади арилар,<br>Чақмасин деб юрдим ундан нарилаб!<br>*Ўрта бармоқни тўлиқ буклаб, ундан юқорироқ букмлган кўрсаткич ва номсиз бармоқ орасида қисиб туриб, айлантирамиз.*<br><br>**Тойчоқ.**<br>Тойчоқ ёли селкиллаб,<br>Ўйнар ерни тепкилаб.<br>*Ўнг кафт овчи қилиб бармоқлари ташқарисига қаратилади. Бош бармоқ тик кўтарилган. Чап кафтни унинг устига қўйиб, бармоқлар билан ел шакли ҳосил қилинади. Бош бармоқ тик кўтарилади. Иккала бош бармоқ қулоқни ифодалайди.* | | <br><br> |

| | | |
|---|---|---|
| **Фил.**<br>Фил турар бўлиб тоғдай,<br>Супра қулоқ, хартум сурнай<br>Силкитиб у бошини,<br>Чорлар қон-қардошини!<br>*Кафтни ўзимизга қаратиб, ўрта бармоқни пастга букамиз. У бирёқдан жимжилоқ ва номсиз, бошқа ёқдан кўрсаткич ва боғи бармоқлар билан қисилган. Ўрта бармоқ қимилатилади.* | |  |
| **Дарахт.**<br>Дарахтнинг шохи қани?<br>Шохда бутоғи қани?<br>Бутоқларда ям-яшил<br>Гўзал япроғи қани?<br>*Қўлнинг орқа томонлари жипслаштирилиб, бармоқлар очиқ ҳолда тепага қаратилади. Панжалар ва бармоқлар қимирлатилади.* | |  |
| **Қушча.**<br>Бош бармоқлар бош бўлсин,<br>Кафтлар қуш қанот бўлсин.<br>*Кафтларни ўзимизга қаратиб, бош бармоқларни бир-бирига чирмаштирамиз, бош бармоқлар қуш боши, қолганлари ёйиқ ҳолда қанот ҳосил қилади. Уларни силкитамиз.* | |  |

| | | |
|---|---|---|
| **Хаскаш.**<br>Дарахт тўкар баргини,<br>Хаскашда йиғай уни.<br>*Қўлларнинг кафтларини ўзига қаратиб, бармоқлар ички томондан чирмаштирилади.*<br><br>**Кема.**<br>Кема денгизда борар,<br>Тўлқинларни қирқ ёрар.<br>*Иккала кафтни жипслаштириб, жимжилоқлар бирлаштирилади. Бош бармоқлар эса юқорига кўтариб турилади.*<br><br>**Қулф.**<br>Бармоқлар чирмашар у,<br>Қулф бўлади.<br>Яна бир бор қайтарсак,<br>зўр бўлади.<br>*Кафтлар бир-бирига жипслашиб, бармоқлар чирмаштирилади. Очиб ёпиб турилади.*<br><br>**Сичқон.**<br>Сичқон қоғоз шитирлатар,<br>Тишларини қимирлатар.<br>*Ўрта ва номсиз бармоқлар бош бармоққа тиралади. Кўрсаткич бармоқ ва жимжалоқ эгилтирилиб, кўрсаткич ва ўрта бармоқ устига жипслаштирилади.* | | <br><br><br> |

## Чўплардан шакл ясаш.

| | | |
|---|---|---|
| **Кубик.**<br>Тенг томонли қутидир кубик,<br>Қирралари тўппа-тўғри, тик.<br><br>**Кўзойнак.**<br>Ўқишда беради ёрдам<br>беминнат,<br>Ёзиш чизиш, тўқишда қилади<br>хизмат.<br><br>**Тегирмон.**<br>Тегирмон парраги айланади<br>Ун қопларга жойланади.<br><br>**Балиқ.**<br>Сув ичида сузишар,<br>Бир-биридан ўзишар.<br><br>**Арча.**<br>Ўрмонда ўсар арча,<br>Япроқлари нинача.<br><br>**Кроватча.**<br>Кароват бор ётоғда,<br>Чорлайди, ётар чоғда. | | <br>змат. <br><br><br><br> |

| | | |
|---|---|---|
| **Курси.**<br>Курсида ўтираман,<br>Ўтириб ўй сўраман.<br><br>**Ракета.**<br>Ракета фазони ёриб учади,<br>Фазогир юлдузлар сари кўчади.<br><br>**Елканли кема.**<br>Кема ясай – елкани бор,<br>Саёҳатда турсин тайёр.<br><br>**Телевизор.**<br>- Нега бўлиб қолдинг жим?<br>- Бошланди-да мултфильм.<br><br>**Чана.**<br>Чана учсам, корда елар,<br>Учган сари, учгим келар.<br><br>**Белкурак.**<br>Белкуракда қум казидим,<br>Машинамни тўлғаздим. | | <br><br><br><br><br> |

**Таянч тушунчалар**

**1.** Нейрофизиология (нейро + физиология) - физиологиянинг бир бўлими, нерв системаси механизм фаолиятини урганиш.

**2.** Патопсихология - (пато + психология) - психологиянинг бир бўлими. Психик фаолиятнинг узгариш конуниятларини урганади.

**3.** Нейропсихология - (нейро + психология) - психологиянинг бир бўлими. Бош мия тизимидаги маълум бир психик жараёнлар билан алоқадорлигини урганиш.

4) Экспиратор (тортишишли нафас чиқариш).
5) Инспиратор (тортишишли нафас олиш).
6) Респиратор (тортишишли нафас олиш ва чиқариш).
7) Биологик (физиологик).
8) Социал (психологик).

**Текшириш саволлари**

**1.** Дудукланувчи болаларга тавсиф Беринг.

2. Дудуқланиш этиологик сабабларига кўра икки типга фарқланади , улар хакида маълумот Беринг.

3. Мускул тортишилари неча хил булади?

4. Логопедик ритмика воситалари Билан дудуқланувчи болаларнинг нутқи, хулқи ва моторикасини коррекциялаш деганда нимани тушунасиз?

5. Умумий моторикани ривожлантириш учун ҳаракатли ўйинларга мисоллар келтиринг.

6. Эшитиш диққати ва хотирасини ривожлантириш учун машқлар ва ўйинлардан наъмуналар айтинг.

**Адабиётлар.**


**1.** Волкова Г.А. Логопедическая ритмика. Москва. Просвещение. 2003 г.

**2.** Логопедия (под.ред. Волковой Л.С. и Шаховской С.Н.) Москва. 2003.

**3.** Филичева Т.Б., Волкова Л.С., Чиркина Г., Муминова Л., Аюпова М. Логопедия. Тошкент. Ўқитувчи. 1993 йил.

**4.** Хрестоматия по логопедии. (под.ред. Л.С.Волковой и В.И.Селиверстовой) Москва. Владос. 1997 йил.

5. Логопедическая ритмика (учебно-методическое пособие для логопедов спец.дет. садов) Тошкент – 2006.Э. Н. Назарова, Ш. БолтаеваД. Нуркелдиева


**Мавзу: Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар билан олиб бориладиган иш тизимида логопедик ритмика.** (НУР)

**Маруза режаси:**

**1.** Болалар нутқининг нормада ривожланиши.

**2.** НТРивожланмаган болаларнинг нутқига тавсиф (характеристика)

**3.** НТРивожланмаганлигини уч даражаси

**4.** НУРни бартараф этишда олиб бориладиган логопедик иш методлари.

А) НТР нинг 1-даражасида олиб бориладиган логопедик иш мазмуни.

Б) НТР нинг 2-даражасида олиб бориладиган логопедик иш мазмуни.

В) НТР нинг 3-даражасида олиб бориладиган логопедик иш мазмуни.

5. Мактабгача тарбия муассасаларида логопедик ёрдамни ташкил этиш.

## Адабиётлар.


1. Основы теории и правктики логопедии. / Под ред. Проф. Р.Е.Левиной. _ М, 1968.
2. Логопедия / Под. ред проф. Л.С. Волковой. _ М, 1989
3. Т.Б.Филичева, Н.А.Чевелева, Г.В.Чиркина. Основы логопедии. М , 1989.
4. Ястребова А.В. коррекция нарушений речи у учащихся обшеобразовательной школыке. 1984.


Умумий ва махсус педагогиканинг асосий муаммоси болаларда тўғри нутқни шакиллантиришдир.

Болалар нутқининг мактабгача тарбия ёшида шакиллантириш ўз она тилисини эгаллашда, теварак атроф билан танишишда, шахс сифатида ҳар томнлама ривожланишда катта аҳамиятга эга бўлади.

Нутқ камчиликлари боланинг руҳий ҳаётига салбий таъсир кўрсатади. Бола фикр алмашишга қий налади, билиш фаолиятини нг шакилланиш жараёни орқада қолади. Бу эса шахснинг ҳар томонлама тўлиқ ривожланишига тўсқинлик қилади.

Ҳозирги кунда болаларда оғир нутқ бузулишлари долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда ва фақатгина назарий эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам қизиқиш уйғотмоқда.

Нутқнинг нормал ривожланишида болалар 5 ёшда турли хил муракккаб гап конструкциялардан, ёйиқ фразали нутқдан эркин фойдалана оладилар. Улар етарли даражада луғат бойлигига эга бўладилар. Бу вақтга келиб тўғри талаффуз тўла шакилланган, товушнинг анализ ва синтез қила олишга болалар тайёр бўладилар.

Аммо ҳамма вақт ҳам бу жараёнлар мувофақиятли кечмайди: баъзи болалар нормал эшитиш ва ақлий фаолиятга эга бўлсаларда тилнинг ҳар бир компонентлари, яъни *фонетик, лексик ва гromматик* шакилланишида кескин орқада қолиш ҳоллари кузатилади. Бу нутқ бузулишини биринчи бўлиб *Р.Е.Левина* томонидан аниқланган ва *нутқнинг умумий ривожланмаганлиги* деб белгиланган.

Шуни таъкидлаш керак-ки, ҳар қандай нутқ бузулишларини тушуниш учун бола нутқнинг нормал ривожланиш йўлларини, бу жараённинг ўзига хос хусусиятларини, нутқнинг мувофақиятли шакилланишида катта роль ўйновчи шароитни билиш керак. Бундан ташқари бола нутқи ривожланишининг ҳар бир даврини билиш зарурдир. Бу эса у ёки бу камчиликларни ўз вақтида сезиш ва аниқлаш учун керак бўлади.

*Масалан,* 1 ёшу 4 ойлик гўдак бола ҳали гапирмаяпти. Педагог боланинг нормал ривожланишида биринчи сўзлар қачон пайдо бўлишини билса, у ҳолда педагог бола нутқининг нормал ривожланаётган ёки ривожланмаётганини ҳал қила олади.

Бола нутқининг тўғри ривожланиш жараёнларини билиш нутқ бузулишига тўғри диагноз қўйиш учун ҳам зарурдир. Баъзи мутахасислар 3 ёшли болани товуш талаффузидаги камчиликларни бартараф этиш учун логопед олдига юборадилар. Бу эса нотўғридир. Чунки нутқи тўғри ривожланаётган болага ҳали бу ёшда баъзи бир товушларни нотўғри талаффуз этиш хосдир. Бу кўриниш физиолагик товушларни нотўғри талаффуз этиш деб аталиб, бу ёшдаги болаларда артикуляцион аппаратнинг етарли даражада шакилланмаганлигидан далолот беради.

Нутқ камчиликларини бартараф этиш, тўғри ва аниқ тарбиявий-коррекцион иш режаларини тузиш учун ҳам бола нутқининг ривожланиш қонуниятларини билиш зарур ҳисобланади.

*Масалан,* гапирмаётган бола (алалик) га таълим бераётганда барча болаларда аввало нутқни тушуниш шакилланиб, сўнгра актив нутқни эгаллашини билиш жуда зарурдир. Агар бирданига нутқ активлигини шакиллантириш билан иш олиб борилса, олиб борилаётган иш яхши натижа бермайди.

Муаллифлар бола нутқининг нормал ривожланиш давирларини турлича кўринишда кўрсатадилар ва номлайдилар.

А.Н.Гвоздев бундай ёзади: “ Товушли нутқни ўзлаштиришнинг умумий жараёни эшитиш ва мотор соҳаларинининг биргаликда ҳаракати билан белгиланади. Эшитиш соҳаси шу жиҳатдан етакчидир-ки, бола эшитиш қобилияти барвақт ўсиб бориши туфайли хилма-хил фонематик элементларни биринчи эшитиш орқали фарқ қилишга ўрганади: фанематик элементларнинг аниқ эшитиш тасаввурлари уларни тўғри талаффуз қилишни ишлаб чиқиш учун регулятор (тартибга солувчи) бўлиб қолади. Акммо бола нутқида фонематик элементларнинг вужудга келиши учун, эшитиш тасаввурларидан ташқари, артикуляция (талаффуз) малакалари ҳам бўлиши зарур... Бу малакалар кейинчалик вужудга келади ва улар ҳосил бўлиши билан товуш элементлари бола нутқидан ўрин олади.”

Боланинг пассив луғати, яъни у тушунадиган сўзлар, унинг актив луғатидан, яъни у айта оладиган сўзлардан анча тез ривожланади.

Болалар билан муомалада бўлган ҳар бир кишига шу нарса малумки, хатто бир яшар бола ҳам айта оладиган сўзларига қараганда кўпроқ сўзларни тушунади.

Болалар нутқидаги камчиликлар тадқиқотчиси профессор Р.Е.Левина, болалар нутқининг нормал ва патологик таркиб топиш қонуниятларини ўрганиб боланинг нутқини эгаллашдаги 5 та даврни ажратиб кўрсатади.

*Биринчи давр.* Фонематик давргача бўлган даврда бола товушларни бир-биридан мутлақо ажрата олмайди, нутқни тушунмайди ва унда актив нутқ бўлмайди.

*Иккинчи давр.* Бола бир-биридан катта фарқ қиладиган фонемаларни фарқлай бошлайди, аммо бир-бирига яқин фонемаларни фарқлай олмайди. Бола талаффузи нотўғри бўлади. Бола бошқа кишиларнинг тўғри ва нотўғри талаффузларини фарқлай олмайди.

*Учинчи даврда.* Ҳал қилувчи силжишлар рўй беради. Бола энди тил товушларини тўғри эшита бошлайди. У нотўғри талаффуз қилинган сўзларни пайқайди ҳамда тўғри ва нотўғри талаффуз ўртасидаги фарқни сеза бошлайди. Нутқи ҳали ҳам нотўғрилигича қолади. Аммо товушларни янгича идрок этишга мослашиш вужудга кела бошлайди.

*Тўртинчи даврда.* Товушларнинг идрок этишнинг янги образлари устун бўла бошлайди. Актив нутқи деярл тамомила тўғри даражага етади.

*Бешинчи даврда.* Фонематик камол топиб бориш жараёни тугалланади. Бола тўғри эшитади ва тўғри гапиради.

Г.Л Розенгард- Путго бола нутқининг нормал ривожланиши даврини иккига бўлиб кўрсатади:

*Биринчи давр* – тайёрлов даври туғилгандан икки ёшгача бўлган даврни ўз ичига олади:

*Иккинчи давр* – мустақил нутқнинг шакилланиш даври.

А.Н.Леонтыв бола нутқининг нормал ривожланиш даврини тўрт даврини кўрсатади:

*Биринчи давр* – тайёрлов даври (туғилгандан бир ёшгача);

*Иккинчи давр* – боғчагача бўлган давр (1 ёшдан 3 ёшгача);

*Учинчи давр* – мактабгача бўлган давр (3 ёшдан 7 ёшгача);

*Тўртинчи давр* – мактаб даври.

Энди бу даврларга тўлиқ характеристика бериб чиқамиз.

Шундай қилиб, биринчи давр – тайёрлов даври.

Бола туғилган дақиқадан бошлаб, овоз чиқаради. Тўғри бу овоз одам нутқидан узоқ. Лекин бу қичқириқ ва йиғи нутқ апаратининг 3 бўлимини (нафас олиш, овоз ҳосил бўлиш, артикуляцион.) ривожланишида катта роль ўйнайди.

Икки хафта ўтгач бола гапираётган одамнинг овозига эътибор бера бошлайди, унга гапираётганда қулоқ солади, йиғлашдан тўхтайди.

Ойнинг охирига бориб уни майин қўшиқ (алла) остида тинчлантириш мумкин бўлиб қолади. Кейинчалик бола гапираётган одам томонга бошини буради ёки уни кўзлари билан кузатади.

2,5 – 3 ойликда бола гугулай бошлайди. 5 ойлигида товушларни эшитиб, атрофдагиларнинг лабларидан артикуляцион аппарат ҳаракатларини кўриб, унга тақлид қилишга ҳаракат қилади. 6 ойлигидан бошлаб бола тақлид қилиш орқали баъзи бўғинларни талаффуз эта бошлайди. Кейин болада пассив нутқ ривожланади ва оддий сўзларни, кичик гапларни  тушуниб ажрата бошлайди.

7 – 9 ойлигидан бошлаб бола катталар кетидвн  турли бўғинларни қайтара бошлайди. Бу даврда атрофдагиларнинг тўғри, аниқ нутқи катта роль ўйнайди. Биринчи йилнинг охирига келиб биринчи сўзларни бола талаффуз эта бошлайди.

Иккинчи давр – боғчагача бўлган давр. Болада биринчи сўзлар пайдбўлгандан сўнг тайёрлов даври тугаб, пассив ва актив луғат ўсиб боради. Бу вақтда болалар катталарнинг сўзларини қайтарадилар, лекин артикуляцион жиҳатдан қийин талаффуз қилинадиган товушларни талаффуз этишда қийналадилар, бу товушларни нотўғри талаффуз этадилар, товушлар ўрнини алмаштирадилар ва нутқдан тушуриб қолдирадилар. Бу бола артикуляцион аппаратини ҳали етарли даражада ривожланмаганлигини билдиради.

Боланинг 2-3 ёшида луғат бойлиги анча ўсади. Шуни таъкидлаш керак-ки кўпгина муаллифлар боланинг луғат бойлигини ўсиб боришида турличарақамларни келтирадилар. Энг кенг тарқалган маълумотга кўра болаларнинг боғчагача бўлган даврда луғат бойлигининг ўсиши қуйидагичадир: 1 ёш-у 6 ойликда 10 – 15 та сўз, 2 – ёшининг охирларига келиб 300 та сўз, 3 ёшга борганда 100 та сўз.

3 – ёшининг бошида болада нутқнинг громатик қурилишининг шакилланиши бошланади. 2 – йилдан бошлаб отларни бирлик ва кўпликда, феълларнинг шахс-сон кўринишларини, баъзи келишик қўшимчаларини ишлата бошлайдилар.

Учинчи давр – мактабгача бўлган давр.

Бу даврда болаларда фонематик эшитув ҳали етарли даражада ривожланмаганлиги сабабли товушларни бир – биридан яхши ажрата олмайдилар. Сирғалувчи, шовқинли, сонор, тил орқа товушларни талаффузида қийналадилар. Бу даврда луғат бойлигини ўсиши давом этади. Бола ҳаётининг 4 – 6 йилларида актив луғат 3000 – 4000 гача ўсади. Луғат бойлиги ўсиб бориши билан нутқнинг грамматик қурулишининг ривожланиши давом этади. Болалар мактабгача бўлган даврда боғланган нутқни эгаллай бошлайдилар.

4 ёшга келиб болаларнинг нутқида содда ва мураккаб гаплар пайдо бўла бошлайди. 5 ёшга келиб қўшма гаплардан эркин фойдалана бошлайдилар. Бу ёшга келиб болаларнинг гаплари қисқача ҳикояга ўхшаб кетади. Бу даврнинг охирига бориб болалар нутқининг товуш томони тўғри шакилланиб бўлади ва нутқлари тоза бўлади.

Тўртинчи давр – мактаб даври.

Бу даврнинг ўзига хос томони шунда-ки, болалар нутқини ривожланиши олдинги даврларга нисбатан онгли равшда рўй беради.

Бу даврда болалар товушлар анализи, жумлаларнинг қурилиши ва грамматик қонунларни эгаллайдилар. Шу билан бирга бу даврда янги нутқ тури бўлган – ёзма нутқ катта рўль ўйнайди.

Бола нутқининг ривожланиш жараёни ўз вақтида, тўғри кечиши учун махсус шароитлар зарурдир. Шундай қилиб бола руҳий ва жисмоний жиҳатдан соғлом бўлиши лозим;

1. нормал ақлий қобилиятга эга бўлиши керак;
2. нормал эшитишлари ва кўришлари зарур;
3. етарл даражада руҳий активликка эга бўлишлари лозим;
4. тўғри нутқ муҳитга эга бўлиши зарурдир.

Болаларнинг (нормал) нутқини нормал ривожланиши унга онгли тушунчага эга бўлишга, билимини ўсишига, теварак-атроф ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлишига имконият яратади, шундай қилиб, нутқ ва унинг ривожланиши тафаккурнинг шакилланиши билан узвий боғлиқдир.

*20 асрнинг* 50 – 60 йилларида Р.Е.Левина ва дефекталогия илмий текшириш институтининг бир гурух жамоаси (Н.А.Никошина, Г.А.Кали, Л.Ф.Спирова, Г.И.Жаренкова ва бошқалар) томонидан олиб борилган кўп қиррали текширишлар натижасида мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда нутқ бузулишларининг турли формаларида нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигининг намоён бўлишини биринчи марта назарий жиҳатдан исботлаб бердилар.

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигини болалар нутққ камчиликларини мураккаб формаларида яъни алалия, шунингдек ринолалая, дизартрияда кузатиш мумкин.

*Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги – бу интелекти ва эшитиш қобилияти нормал бўлган ҳолда нутқ системасининг ҳаммакомпонентларини шакилланишида камчиликлар кузатиладиган мураккаб нутқ бузулишидир.*

Олимлар нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигини турли аспектларда ўрганиб келмоқдалар: психолого – педагогик аспектда, Р.Е.Левина, Т.Б.Филичева, Л.В.Ястребова; психолого-линчвистик аспектда В.К.Орфинская, Б.М.Гринчипезн; тиббий – педагогик аспектда

С.С.Ляпидевский; клиник аспектда Ю.Я.флоренская, Е.М.мастюкова ва бошқалар.

Муаллифларнинг кўрсатишича НТР – ҳомиладорлик вақтида минингит, энцефалит касалликлари, алькоголизм, норкотик моддаларни истемол қилиш, бош миядан травмалар олиш натижасида келиб чиқар экан. Шу билан бирга НУРнинг келиб чиқиш сабабларига эрта болалик ёшида мия ва оғир нафас йўли касалликлари билан касалланиш, туғруқ вақтидаги травмаларни ҳам кўрсатиш мумкин.

Дефектнинг турли табиатига қарамай нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларда нутқ фаолиятининг системали бузулишини кўрсатувчи типик кўриниш мавжуд. Бу категорияга кирувчи ҳамма болаларда доимо товуш талаффузининг бузулиши, фонематик идрокнинг шакилланмаганлиги, луғат бойлигининг чегараланганлиги ва грамматик ўурулишнинг шакилланишида яққол орқада қолиш кузатилади. Бундай болаларда нутқнинг кеч ривожланиши кузатилади: биринси сўзлар 3-4 ёшида, баъзи ҳолларда 5 ёшида пайдо бўлади.

Нутқ грамматик жиҳатдан нотўғри тузилган, талаффуз етарлича шакилланмаган бўлади. Бу болаларнинг нутқи тушунарсиз бўлади.

Нутқ фаолиятидаги камчиликлар болаларнинг сенсор, интектуал ва аффектив ирода сферасининг шакилланишига катта салбий таъсир кўрсатади. Диққатнинг етарлича турғун эмаслиги, бола имкониятларининг тақсимланишининг чегараланганлиги кўзга ташланади. Мазмунли, логик хотира қисман сақланган ҳолда болаларда вербал хотира, эслаб қолиш сифати сусайган бўлади.

Улар вазифаларнинг кетма-кетлигини, мураккаб инструкция ва элементларни тез эсдан чиқаришади.

Нутқ бузулиши руҳий ривожланишнинг бошқа томонлари билан боғлиқлиги тафаккурнинг ўзига хос махсус хусусиятлари билан белгиланади. Болалар ёшларига мос фикрлаш операцияларини ўзларида сақлаган ҳолда логик тафаккурнинг ривожланишида орқада қолишади, махсус таълимсиз анализ ва синтез қилишни, солиштириш ва умумлаштиришни қийинчилик билан эгаллайдилар.

Нутқи тўлиқ ривожлан7маган болаларга харакат сфераси ривожланишининг орқада қолиш хос бўлиб, харакатлар корденациясининг ёмонлиги, белгиланган харакатни ишончсизлик билан секин ва уқувсизлик билан бажариши характерлидир. Айниқса оғзаки берилган инструкция бўйича вазифаларни бажаришда катта қийинчиликларга учрашади.

Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар харакатини ривожланиши ўз тенгдошларига нисбатан орқада қолган бўлади. Харакатларни кетма-кет бажара олмайдилар.

Бундай болалар коптокни бир қўлларидан иккинчи қўлларига ўтказишда, полга уриб, илиб олишда, маълум оралиқдаги ўртоқларига коптокни отишда қийналадилар ёки бу вазифани бажара олмайдилар. Бир оёқда тура олмайдилар, сакрай олмайдилар, музика остида ритмик харакат қилишда қийналадилар. Қўл, бармоқ харакатлари хамда майда қўл маторикаси яхши ривожланмаган бўлади. Харакатлар жуда суст, бир харакатдан иккинчи харакатга ўтиш қийин бўлади.

Нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларни худди шу нутқ камчилигига ўхшаш яъни вақтинча нутқ ривожланиши орқада қолган болалардан ажрата билиш лозим. Нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларда кундалик – сўзлашув нутқини тушуниш, ўйин фаолиятига қизиқиш, теварак атрофга бўлган муносабат ўз вақтида риврҗланган бўлади.

Диагностик белгилардан бири нутқ ва руҳий ривожланиш ўртасидаги дисоциацияга хизмат қилиши мумкин. Бундай болаларнинг рухий ривожланиши нутқ ривожланишига нисбатан мувофақиятли кечади. Улар нутқ камчиликларига нисбатан танқидий кўз билан қарайдилар. Бирламчи нутқ бузулишлари ақлий қобилиятни шакилланишига салбий таъсир кўрсатади.

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигини нутқ ривожланишини ортда қолишидан фарқ қилиш учун боладаги нутқ малакаларини чуқур анализ қилиш ва бола анамнезини ўрганиш керак.

Нутқий ривожланиш ортда қолган болалар нутқидаги нутқий камчиликлар нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигидан ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилади. Бундай болалар кўплик қўшимчаларини, келишик қўшимчаларини ўз нутқларида тўғри қўллай олмайди. Бундай болаларда нутқ малакалари нормага нисбатан орқада қолган бўлади.

Левина Р.Е (1969) ва унинг ҳамкасабалари НТРни уч даражага бўладилар ва уни илмий жиҳатдан исботлаб берадилар.

НТР алалия, дизартрия, ринолалия ва дудуқланиш каби нутқ бузулишларида иккиламчи нутқ бузулиши сифатида намоён бўлади.

НУР ҳамма даражалари мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда кузатилади.

*НУРнинг 1 – даражаси.* НУРнинг 1 – даражаси нутқнинг деярли йўқ бўлиши билан характерланади. Фақат 5-6 ёш баъзан ундан катта ёшдаги болаларнинг луғати айрим товушларга тақлид қилишга ёки айрим товушлар комплексидан иборат бўлади. Бу товушлар комплекси имо-ишоралар билан келиб, фақат ўзларигагина тушунарлидир. Атрофдагилар эса улар нутқини тушунмайдилар. Масалан бола машина сўзини “би-би”, сигир сўзини ”мў-мў”, қўй сўзини “ба-ба” деб тушунтиришига харакат қиладилар.

Баъзан бу болалар турмушда кенг қўлланиладиган сўзлардан фойдаланадилар, аммо бу сўзлар тўлиқ шакилланмаган ва мақсадга мувофиқ эмас. Ҳаракат номлари кўпинча предмет номлари билан алмаштирилади. Масалан, “очмоқ” сўзи ўрнига эшикни, “ейман” сўзи ўрнига олмани имо-ишора қилиб кўрсатадилар. Бу ҳолатлар НУРнинг 1 даражаси учун характерлидир.

Дефекталогия илмий текшириш институтининг логопедия секторида олиб борилган ишлар шуни кўрсатдики, бундай болалар ўзларига қаратилган нутқни ҳамма вақт ҳам тушунмайдилар, маълум бир ситуациялардагина (вазият) тушунадилар.

НУРнинг 1 – даражасига хулоса қилиб қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

1. Актив луғат бўлмайди. Болалар луғати фақат айрим тақлидий сўзлардан, товушлар комплексидан ва турмушда кенг қўлланиладиган айрим оддий сўзлардан иборат бўладики, бу сўзлар тўлиқ шакилланмаган бўлади.
2. Пассив луғат бирмунча ривожланган бўлади, лекин нутқни тушуниш чегаралангандир.
3. Сўзнинг товуш, бўғин структурасини эслаб қолиш шакилланмаган бўлади.
4. Ўз фикрларини билдиришда имо-ишоралардан кенг фойдаланадилар.

*НУРнинг 2 – даражаси.* НУРнинг 2 – даражасида болалар нутқи (нутқий имкониятлари) бир мунча кенгайганлигини кўришимиз мумкин. НУРнинг 2 – даражаси фақат тақлидий сўзлар ва имо-ишоралардангина иборат бўлиб қолмай, балки нотўғри талаффуз этсаларда айрим сўзлардан ташкил топган бўлади. Предмет, ҳаракат ва баъзан ранг, белгини билдирувчи сўзлар болалар нутқида бўлади.

НУРнинг 2 – даражасида болалар луғатида ўзлик олмошлари ва боғловчилар ўрин олган бўлади. Улар ўзларига таниш бўлган воқеа ва ҳодисаларни гапира бошлайдилар. Лекин НУРнинг 2 – даражасида болалар ўз нутқларида кўпгина сўзларни билмасликлари, товушларни нотўғри талаффуз этишлари, гапларда сўзлар структурасини бузулиши, аграматизмлар аниқ ва кескин кўринади.

НУР нинг 2 – даражасини қисқача қуйидагича тавсифлаш мумкин.

1. болалар актив луғати сўз структураларидан фақат от ва феълдан иборат бўлади.
2. Луғат бойлиги сўз ўзгартирувчиларнинг айрим формаларидан фойдаланиши хисобига кенгайиб боради. Болалар сўзларни кўплик ва бирликда, феълларни замонда қўллашга уруна бошлайдилар. Бироқ бу харакатлар кўп ҳолда мақсадга мувофиқ бўлмайди.

3. НУРлигини 2 – даражасида болалар фразали нутқдан фойдалана бошлайдилар.

4. Болаларда нутқни тушуниш ҳам кенгайиб боради. Пассив ва актив луғати ўсиб боради. Болалар оддий грамматик формаларни ҳам тушуна бошлайдилар.

5. НУРлигини 2 – даражасида артикуляцион жиҳатдан талаффуз қилиш қийин бўлган товушларни талаффузи нотўғри бўлади. Болалар сўзларни бўғин ва товуш томондан анализ ва синтез қилишга тайёр бўлмайдилар.

НУРмаганлигини 3 – даражаси. НУР лигини 3 – даражасида болалар нутқида кундалик сўз ва иборалар анча тўларoқ бўлади. Нутқнинг фонетик, лексик, громматик тузумини ривожланишида камчиликлар кузатилади. Бу камчиликлар айниқса мактаб ёшида ўқиш ва ёзиш жараёнида яққол намоён бўлади. Болалар энди ўз нутқларида содда йиғиқ гаплардан фойдалана бошлайдилар. Болалар нутқи аграматизмдан иборат бўлади. Болалар нутқининг ривожланиши чегараланган, нутқнинг товуш томони етарли шаклланмаган бўлади.НУРнинг 1 ва 2 даражадагиларига нисбатан 3 даражада болаларда сўзнинг бўғин структураси тўлиқ бўлади. Шунингдек болалар ўз нутқларида сўз туркумлари от, феълдан ташқари кам бўлсада сифат, сон, олмош, равшлардан ҳам фойдалана бошлайдилар. Лекин бу сўз туркумларини нутқда нотўғри қўллайдилар. Болаларда нутқ негативизми кузатилади. Болалар атрофдагилар билан эркин сўзлашувда бир мунча қийналадилар. Ҳаттоки тўғри талаффуз қила оладиган товушларни мустақил нутқда аниқ талаффуз қила олмайдилар. Бундай болаларга товушларни етарли даражада дифференциация қила олмаслик характерлидир. (асосан сирғалувчи, шовқинли, афоррикат ва сонор товушлар).

Лекин шу билан биргаликда болалар сўз туркумларининг ҳамма туридан нотўғри бўлсада фойдалана бошлайдилар. Болалар оддий грамматик формалардан тўғри фойдаланадилар, мураккаб гаплар тузишга харакат қила бошлайдилар. Болалар ўзларига таниш бўлган, кундалик хаётларида доимо учраб турадиган предметлар номини, ҳаракатини, белгисини, сифати ва холатини номлашга қийналмайдилар. Энди улар ўз оилалари ҳақида эркин холда гапира оладилар. Лекин сўзлар талаффузида, гапларда сўзларнинг тузилишида бир қатор хатоликлар кузатилади.

НУРнинг 3 – даражасини қисқача қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- Болалар ўз нутқларида содда йиғиқ (баъзида ёйиқ) гаплардан фойдаланадилар, лекин мураккаб конструкцияларни қўллай олмайдилар.

- Болалар нутқида аграматизм кузатилади. Қўшимчаларни нутқда қўллашда катта ва қўпол хатоликларга йўл қўядилар.
- Ўзларига қаратилган нутқни тушунишлари нормага яқинлашиб боради. Аммо мураккаб сўзлар мъаносини яхши тушуна олмайдилар.

**Нутқи умумий ривожланмаган болалар нутқини текшириш.**

Мактабгача ёшдаги болаларнинг нутқини текширишда асосий диққат боғланган нутқ малакаларини бор-йўқлигини аниқлашга, актив ва пассив луғат бойлиги, нутқнинг громматик қурилишининг шакилланиш даражасига, талаффуз малакалари ҳамда фонематик идрокни қай даражадалигини аниқлашга қаратилади.

*Биринчи даврда* – ота – оналар билан сухбат ўтказади. Суҳбат давомида логопед ота-оналар орқали боланинг ривожланиш тарихини аниқлайди ва нутқ картасини маълум пунктини тўлдиради. Бола хужжатларини ўрганиб чиқади.

Иккинчи даврда – логопед бола нутқининг ҳамма компонентларини , текшириб олинган маълумотлар асосида логопедик хулоса чиқаради.

Учинчи даврда – болани ўқитиш жараёнида логопед болада динамик кузатув ўтказади ва дефект кўринишларини анқлайди.

Болаларни текширишга киришилганда унинг физиологик эшитув қобилиятини, интелектуал холати хақидаги малумотга эга бўлиш ва эрта нутқий ривожланиш билан танишиб чиқиш лозим. Ота оналар билан бўлган сухбатда логопед боланинг қандай оилада тарбияланганлигини, болалар боғчасига бориш бормаслигини, уни қандай мухит ўраб турганлигини, ота-оналар болага қандай тарбия беришларини, боладаги нутқ нуқсони уларни қандай ташвишга солганлигини аниқлайди. Бола олдин логопедик машғулотларга борган ёки бормаганлигини аниқлаш ва қандай натижаларга эришганлигини билиш катта аҳамиятга эгадир.

Суҳбат жараёнида боланинг контактга қандай киришиши унда фразали нутқнинг қандай ривожланганлиги аниқланади. Логопед сухбатни шундай ўтказиши керак-ки, бунда бола громматик формалардан қандай фойдаланиши, луғат хажми, товуш талаффуз холатини аниқлаш имконини бериши лозим. Бунда болага таниш бўлган мавзулардан (мевалар, сабзавотлар, мебеллар...) суҳбат ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади ва тавсия этилади.

Бола нутқининг лексик томонини текширишда фақатгина от, феъл, сифатларнинг миқдорий жихатдан эмас, балки уларнинг мустақил нутқда фойдалана олишни ҳам текшириш керак.

Болаларни кузатиш жараёнида, сухбат давомида улар нутқининг товуш талаффуз томони қай даражада эканлиги аниқланади. Боланинг фонематик идрокини ривожланиш даражаси текширилади. Бунда болага қуйидаги вазифалар берилади:

А) па-ба-па, да-та-да типидаги бўғинларни эслаб қолиш ва логопед кетидан тўғри қайтариш;

Б) бир қат ор сўзлар ичидан керакли сўзни топиш;

В) малум товуш иштирокида расмлар топиш;

Г) маълум товушга мустақил равишда сўз топиш.

Боғланган нутқни текширишда оддий сюжетли расмлардан ҳамда серияли расмлардан фойдаланилади. Уларни танлашда боланинг ёши, индивидуал руҳий хусусиятлари хисобга олинади. Боғланган нутқни текширишда “Биз ўйнаяпмиз”, “Уй ва ёввойи хайвонлар” шунингдек мактабгача ёшдагиболаларнинг товушлар талаффузини текширишда эса дидактик материаллардан фойдаланиш тавсия этилади. Боланинг нутқ наъмунаси нутқ картасига ёзилади.

**НУРни бартараф этишда коррекцион педагогик иш.**

НУРни бартараф этиш бўйича олиб бориладиган коррекцион педагогик иш руҳий – педагогик илмий – изланишларнинг бир қатор муаллифлари Р.Е.Левина, Б.М.Грингипун, Л.Ф.Спирова, Н.А.Никашина, Р.В.Чиркина,Н.С.Жукова, Т.Б.Филичева, А.В.Ястребова ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган.

Нутқни шакиллантириш қуйидаги холатларга асосланади:

- нурнинг белгиларини эрта аниқлаш ва уни рухий ривожланишга тасирини аниқлаш;

- нутқ камчиликлари тузулишини анализ қилиш асосида нутқ камчиликларини имкони борича - ўз вақтида олдини олиш;

- болалар нутқини нормада ривожланиш қонуниятларини хисобга олиш;

- тилнинг фонетик – фонематик ва лексик – громматик компонентини ўзаро боғланган ҳолда шакиллантириш;

- нутқи умумий ривожланмаганболадлар билан оли б бориладиган логопедик ишда дифференциал ёндошиш;

- нутқ жараёнини шакиллантириш билан биргаликда бола тафаккурини ва билиш активлигини ҳам ривожлантириш;

- нутқ жарвёнини шакиллантириш билан биргаликда сенсор, интелектни ҳам ривожлантириш.

Нутқ бузулишининг оғир ва енгил кечишига кўра унинг 3 даражаси кўрсатилди. Шунга кўра коррекцион – педагогик иш ҳам 3 даврга бўлинади.

**Нутқи умумий ривожланмаган (1 даражали) болаларни ўқитиш.**

Бу даврнинг асосий вазифалари: нутқни тушунишни ривожлантириш; тақлид қилиш асосида мустақил нутқни ривожлантириш; содда, кенг тарқалган гап устида ишлашни шакиллантириш; диққат ва ҳотирани ривожлантириш.

Энг биринчи машғулотда турли машқлар вариантидан фойдаланилади. Бунда асосий диққат бола диққатини ривожлантиришга, ўзига қаратилган нутқни эшитишга қаратилган.

Нутқни тушунишустида олиб бориладиган иш асосан бола учун таниш, тасаввур қила оладиган предметлар ва теварак атрофдаги ходиса-воқеаларга асосланади.

Логопедик ишнинг бошланғич даврида кўргазмали қуроллар асосида сўз бирикмаларини тушунтириш ишларини олиб бориш кўзда тутилади. Логопед 2-4 сўзлардвн иборат бўлган қисқа жумлаларни гапиради. Жумлалардаги сўзлар турли громматик формаларда бўлади.

Бола предметлар номини импрессив нутқига ўзлаштириб боради, секин-аста иредметлар белгисини ажратишга ўрганиб боради. Бундай машғулотларни ўтказишда ўйинчоқлар, кийим – кечаклар, идиш – товоқлар, озиқ – овқатлар ва бошқалар кўргазмали материаллар асосида фойдаланилади. Шу билан бир вақтдаболаларга баъзи бир громматик тушунчаларни тушунишни ўргатиб борилади. Асосий эътибор от ва феълларда бирлик ва кўплик громматик формаларни ажратишга қаратилади; (қалам-қаламлар, копток-коптоклар, кетяпти-кетяптилар...)

Болаларда нутқ инструкциялари ҳақида анқ тушунча ҳосил бўлганлигини уларни саволларга жавоб беришларида назорат қилиш лозим. Бунинг учун эса предметли – вазиятларни тўғри ташкил этиш ҳамда кераkли дидактик ва ўйин материалларини тўғри танлаш лозим. Булардан ташқари мусиқа машғулотлари, тасвирий санат фаолиятлари, экскурсия ва сайрлардан фойдаланиш зарурдир. Машқлар бола билан яхши имоционал кантактга киришилганда ва бола диққати бир мақсадга қаратилганда олиб бориш мақсадга мувофиқ хисобланади.

Болаларда актив луғат бойлигини шакилланиши учун мустақил нутқни ривожлантириш зарурий шарт хисобланади. Логопед машғулотларда боланинг экспрессив нутқига киритиши лозим бўлган сўз, сўз бирикмалари ва жумлаларни айтади. Бола олдида сўзларни фонетик жихатдан тўғри талаффуз қилиш асосий мақсад бўлиб турмайди. Бу даврда болалар ўзларига яқин бўлган кишиларни номлашни (ада, опа, ойи, дада...);оддий исмларни ( Лола, Вали, Умид) айтишни ; илтимосларини айтишни ва бошқаларни ўрганадилар. Болада катта нутқига (сўзига) тақлид қилиш имконияти пайдо бўлган, бир, икки-уч бўғинли сўзлар устида иш олиб борилади.

Логопед томонидан танлаб олинган сўзлар болалар учун тушунарли ва талаффуз қилиш қулай бўлиши керак. Аввал тузулиши жихатдан содда, очиқ 2 бўғинли, сўнгра бир бўғинли сўзлар танлаб олинади. Аста секин сўзлар тузулиши мураккаблашиб боради.

Болада луғат бойлиги кам бўлса ҳам, логопед жумла тузиш устида иш бошлаши мумкин. Жумлалар аввал 2 сўздан иборат бўлиши, сўнг жумлаларда сўзлар сонини кўпайтириш лозим.

Ушбу даврда гаплар устида иш олиб борилганда логопед сўзларни громматик жиҳатдан тўғри тузулишига эмас, балки громматик формаларни тушунишни тўғри шакиллантиришга катта этибор бериш лозим.

Бу даврда нутқнинг товуш томонини шакиллантириш устида олиб бориладиган ишлардан аввал болада фонематик идрокни ривожлантириш асосий мақсад қилиб олинади.

Бунинг учун турли маҳсус машқларни бажариш тавсия этилади:

- берилган маълум сўзни бир қатор сўзлар ичидан топиш. Логопед машина, осмон, сичқон, мушук, кучук сўзларини айтиб боради, бола эса кучук сўзини эшитганда байроқчани кўтариши лозим:

- айтилиши бўйича бир – бирига ўҳшаш, аммо мано жихатдан фарқ қилинадиган сўзларни ажратиш ( куз-туз, туз-муз...).

Товуш талаффузини шакллантириш бу даврнинг асосий мақсади хисобланмайди. Лекин бу даврда айрим артикуляци он машқларни ўтказиш, товушларни тўғри талаффузини аниқлаш кейинчалик олиб бориладиган индивидуал (товушлар талаффузини нутқга қўйиш бўйича) машғулотларга қулай вазият яратган бўлади.

**2 даражали НУР болаларни ўқитиш.**

Ўқитишнинг асосий вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- нутқни тушуниш жараёнини интенсив равишда ривожлантириш;

- сўз бойлигини аниқлаш ва кенгайтириш асосида оғзаки нутқнинг оддий (элементар) формасини ривожлантириш, оддий громматик категорияларни амалий ўзлаштириш;

- тўғри талаффуз ва товушларни ажратишни ўзлаштириш, сўзнинг бўғин тузулишини шакиллантириш.

Логопедик иш болаларнинг луғат бойлигини аниқлаш, уни кенгайтириш ва активлаштиришдан бошланади. Болалар сўзларини ўзгариши ва янги сўзларнинг ҳосил бўлиши билан танишадилар. Сўзларни бўғинларга бўлишга ўрганадилар.

Пассив ва актив луғат бойлигини кенгайтириш мактабгача тарбия дастурида кўзда тутилган. Шунинг учун бу вазифани нутқ ўстириш машғулотларида, сайр ва экскурсия вақтида тарбиячи ҳам олиб бориши мумкин.

Болалар луғатини бойитиш билан бирга бу даврнинг асосий вазифаси фразали нутқни шакиллантириш устида иш олиб боришдир. Бу гапнинг тузулиши, яъни гапни громматик ва интонация жиҳатдан тузулишини ўз ичига олади. Бунинг учун нутқ машқлари системали олиб борилиши, содда йиғиқ гапдан секин-аста ёйиқ гапларга ўтиш кўзда тутилади.

Гап устида ишлаш билан бирга интонация устида ҳам иш олиб борилади. Логопед болаларда дарак ва сўроқ интонациясини шакиллантириб боради.

Бу ишлар жараёни тўғри амалга оширилса болаларнинг нутқ активлиги ошиб боради. Бу эса уларни болалар ва катталар билан алоқа қилишга чақириди ҳамда нутқий алоқани осонлаштиради.

Бу даврда болаларда диологик нутқ формасини ривожлантириш устида иш олиб борилади. Бу жараён ўйин фаолиятида амлга оширилса мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**3 даражали НУР болаларни ўқитиш.**

Бу 3 даврнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. тилнинг лексик ва громматик воситаларинимамалий ўзлаштириш;
2. нннутқнинг товуш талаффуз томонини шакиллантириш (артикуляцион малакаларни, товушларни тўғри талаффузини, бўғин тузулишини ва фонематик идрокни тарбиялаш);
3. савод ўргатишга тайёрлаш, саводнинг биринчи элементини ўзлаштириш;
4. мустақил нутқни ривожлантириш.

Нутқни амалий шакиллваниши тил қонуниятларини ўзлаштириш асосида рўй беравди. Бунинг уяун болада фонематик идрок ривожланган бўлиши, товушларнинг тўғри талаффузи ва сўз тузулишини тўғри идрок этиши шакилланган бўлиши, уларни амалиётда тўғри ажрата билиши, сўзларни маълум қисмини ажрата олиши ва умумлаштири олишлари лозим.

Бу даврда болаларни саводга ўргатишга тайёрлаш ишлари олиб борилади. Бу вазифаларни бажариш болаланинг билиш фаолиятиниривожлантириш билан чамбарчас боғлиқдир. Болаларда теварак – атрофни кузатиш солиштириш ва умумлаштириш қобилиятлирини ҳам шакиллантириш кўзда тутилади.

Болалардаги нутқ ривожланмаганлигини мувофақиятли бартараф этиш кўп қиррали таъсир этиш натижаларига, яъни нутқли ва нутқсиз жараёнларга, билиш фаолиятини фаоллаштиришга боғлиқдир.

Нутқ ривожланмаганлигини тўғирлаш бўйича олиб бориладиган асосий ишлар логопед машғулотларида амлга оширилади. Логопедик машғулотлар икки турга бўлинади:

1. тилнинг лексик громматик томонларини шакиллантириш бўйича машғулот;

2. мустақил нутқни ривожлантириш бўйича олиб бориладиган машғулотлар.

Булар ўз ичига қуйидагиларни олади:

А) луғат бойлигини шакиллантириш;

Б) нутқнинг громматик томонини тўғри шакиллантириш;

В) мустақил нутқни ривожлантириш;

Бу даврда ҳам нутқнинг тушунишни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган иш давом эттирилади.

Бу даврда асосий вазифа – мустақил нутқни шакиллантириш, яъни тўлиқ, кетма-кет, системали равшда фикрни баён қилишга (ўқиган, кўрган воқеаларни оғзаки гапириб беришга) ўргатишдир.

Манологик нутқ устида ишланганда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур: болаларни тўлиқ, сўнг танлаб, кейин эркин ижодий ёндошиб гапириб беришга ўргатиш керак.

Тўлиқ гапириб беришга ўргатиш фикрни кетма – кет, тўла баён этишни тарбиялайди.

Танлаб гапириб бериш текстдан қисқа бир темани ажратиб гапириб беришни ривожлантиради.

Ижодий ёндошган ҳолда гапириб бериш бола тасаввурини тарбиялайди, шахсий хаёт тажрибалари таъсуротларидан фойдаланишга ва темага нисбатан ўз муносабатини билдиришга ўргатади.

Ишни сюжетли, серияли расмлардан фойдаланган ҳолда олиб бориш жуда яхши натижалар беради.

Серияли сюжетли расмлар асосида хикоя тузишга ўргатишда қуйидаги кетма – кетликларга амал қилиш тавсия этилади:

1. Логопед серияли сюжетли расмларни стол устига қўйиб болаларга шу расмларга диққат билан қарашни таклиф этади. Шундан сўнг логопед болаларни расм мазмуни билан таништиради. Ҳикоя қилиб бўлингач ҳар – бир болага расмнинг бир эпизодидан бериб чиқилади. Логопед хикояни қайтаради, чақирилган бола эса ҳикоя мазмунига мос расмни топиши ва логопед, ўртоқларига кўрсатиши керак.

2. Логопед болаларга предметли расмлар тарқатади ва ўзи серияли расмлардан бири эпизодни ҳикоя қилиб бериш билан бирга кўрсатади. Болалар эса ана шу эпизодга мос предметли расмлирни ажратадилар ҳамда уларни номлайдилар.

3. логопед ҳикофни ўқийди ва расмларни ҳикоя мазмунига мослаб қўйиб чиқади, сўнг уларни йиғиштириб қўяди. Кейин болаларга мустиқил равишда расмларни қўйиб чиқишни ва хикояни қайтаришни сшрайди. Агарда бола хикоя қилишда қийналиб қолса куракли саволлар бериб борилади.

4. Сюжетли расмлар мазмуни бўйича кетма – кетликда қўйилади, логопед эса унинг мазмуни бўйича болаларга саволлар бериб боради

5. Болаларга турли кетма – кетликдаги сюжетли расмлар тарқатилади. Логопед ҳикоя режасини беради, болалар эса кераkли кетма – кетликда расмларни қўйиб чиқишлари лозим. Шундан сўнг шу расмлар асосида улар ҳикоя тузишлари керак.

6. Болаларга бир қанча расмлар берилади, улар расмларнинг кетма – кетлигини аниқлашлари лозим. Шундан сўнг логопед ҳикоя қилишни бошлайди болалар эса улардаги расмлар асосода ҳикояни давом эттиридилар.

7. болалар биттадан расм оладилар ва хар – бир бола ўз вўлидаги расмдарасмда нима ифодаланганлигини айтадилар.битта бола оҳирида ҳамма расмлар бўйича хикоя тузади; болалар персонажлар номини мустақил ўйлаб топадилар.

8. хар бир бола рамлар сериясини олади. Боланинг вазифаси - расмлар, эпизодига қараб, уларни кетма – кетликда қўйиб чиқишлари ва хар бир расм мазмунини хикоя қилиб беришлари керак.

9. ҳамма арсмлар аралаштириб юборолади, ҳарн бир болага 2 – 3 тадан расм тарқатилади. Улар қўлларидаги расмларни диққат билан қараб чивадилар ва расм мазмун жихатидан кетма – кетликда келиши учун қўлларидаги расмни ўзаро алмашадилар. Шундан сўнг ҳикоя тузадилар.

10. Болалар серияли расмарни диққат билан қараб чиқадилар, мазмун жихатдан уларни кетма – кет қўйиб чиқадилар ва расмларни тескарисига айлантириб, улар мамунини гапириб берадилар.

11. Олган верияли расмлари асосида ҳикоя тузадилар. Сўнг расм мазмуни бўйича бир – бирларига саволлар берадилар.

12. болалар серияли расмлар асосида ҳикоя тузадилар ва тузган хикояларини ўзлари номлайдилар.

Расмлар асосида ишлаш болаларда нутқ малакаларини, диққат ва тафаккурини ривожланмиради, логопед томонидан бола нутқига қўйилган товушларни эса мустаҳкамланади.

Болаларни ҳикоя қилиб беришга ўргатишда текширишлардан ҳам фойдаланилади. Текстни танлашда боланинг нутқи ёши ва интелектуал имкониятлари хисобга олинади.

Текстлар тузулиши ва мазмуни жихатдан оддий бўлиши лозим. Текстнинг сюжетлари аниқ бўлиши керак.

Луғат устида ишлаш текстни ўқиб бергунга қадар олиб борилади. Қийин сўзлар расмлар, ўйинчоқлар ёки шу сўзнинг синонимлари ёрдатида тушунтирилади. Булардан ташқари бу сўзлар товушларни нутқда мустахкамлаш учун ўтказиладиган маҳсус машқларга ҳам қўшиб юбориш мумкин.

**Таянч тушунчалар**

Алалия - (алалия - инкор, lalia - Нутқ) - бирламчи интеллект сақланган ва эшитиш нормада бўлганда болалар Нутқининг йуклиги ёки ривожланмай колиши.

Мотор алалия - (motor - лотинча ҳаракат) - экспрессив Нутқнинг ривожланмаганлиги.

Сенсор алалия - (sensus - лотинча сезги) - импрессив Нутқнинг ривожланмаганлиги.

Афазия - (алалия - инкор грекча суздан олинган, phasis - Нутқ) - Нутқнинг қисман ёки тула йуколиши.